

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 2 (15) 2025

Тошкент – 2025

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<i>Бош муҳаррир:</i> Олимжон АҲМЕДОВ	<i>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</i>
<i>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</i> Нуриддин НОРМАТОВ Баҳодир МАТЛЮБОВ Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ	2025 йил – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади. Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир. Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак. *** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.
<i>Ҳайъат аъзолари:</i> Олимжон АҲМЕДОВ Улуғбек РАСУЛЕВ Карим НОРМАТОВ Жўрабой ТОШҚУЛОВ Фарҳод ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ Эркин МАРУПОВ	
<i>Таҳририят:</i> <i>Масъул муҳаррир:</i> Карим НОРМАТОВ <i>Саҳифаловчи:</i> Маъруф РАҲМОНОВ <i>Дизайнер:</i> Нурмахон ТАСИМОВ	Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Хорижий давлатлар статистикасининг таҳлилларига кўра, дунё бўйлаб ҳар 100 минг кишига нисбатан 368,9 нафар полиция ходими тўғри келади. Бу кўрсаткич Туркияда 521,5, Россияда 404,4, Италияда 408,6, Қозоғистонда 383 нафарни, Ўзбекистонда эса 285,7 нафарни ташкил этади.

Полиция ходимларини ўқитиш ва касбга тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатларни ҳам молиявий қийинчиликка дучор қилмоқда. Шу боис полиция ходимларни тайёрловчи таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан таъминлаш соҳасини кенгайтириш, пулли таълим ва хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш, асосий фаолиятига таъсир кўрсатмайдиган тадбиркорлик ва даромад келтирадиган фаолият билан шугулланишнинг фуқаровий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда пировардида бюджет таъминоти юқламаларини қисқартириш масалалари дунё мамлакатларида долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай давлат хизматлари сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг янгидан янги турларини жорий этиш долзарб вазифалардан бўлиб, ушбу устувор чора-тадбирлар халқ манфаатларига хизмат қилиши баробарида, яъни Ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот органларининг, умуман давлат ва жамият тараққиётида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш асосида барқарор ривожланишга ҳамда давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишнинг муштараклиги ва равнақ топиши – қонун устуворлигининг таянч нуқталарига ўта муҳим эътибор берилади. Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими тартиб-талаб даражасида фаолият кўрсатиши билан кафолатланади.

*Долзарб мавзулар***ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ****Қадрли ватандошлар!**

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни қутлуғ айём – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу ҳаяжонли, айна пайтда изтиробли дамларда инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон аجدодларимизни ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда олтинга тенг дуолари, маслаҳатлари билан фаол иштирок этиб келаётган муҳтарам уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида қутлов ва ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, тинч ва фаровон ҳаёт посбонлари улуғланадиган ушбу мунаввар айёмда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азиз дўстлар!

Башарият тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир мусибатлар, мислсиз кулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бу – замон ва макон чегарасини билмайдиган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир.

Бундай муаззам, шонли зафарга муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонқуяр олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлари туфайли Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги саҳифалари билан танишмоқдамиз.

Ҳужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг

қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан зиёди учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз вакиллари томонидан уруш майдонларида кўрсатилган жасорат ва матонатнинг юксак амалий эътирофидир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айлангани, республикамиздан жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилгани ўша суронли даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил этади.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди, қисқа муддатда 280 та янги корхона бунёд этилди.

Халқимиз ғоят оғир ва мураккаб шароитда уруш ҳудудларидан ўлкамизга олиб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатди.

Тарих китобига муҳрланган бундай мисолларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодига содиқ қолган олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва тасаннолар айтамыз.

Қадрли ватандошлар!

Сўнгги йилларда қаҳрамон аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги “Ватанпарвар” боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу табаррук масканлар

қисқа муддатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун қутлуғ зиёратгоҳларга айланди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ғалаба боғи ҳудудида она юрт қалқонлари шарафига барпо этилган яна бир тарихий ёдгорлик – Миллат фидойилари мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу муҳташам бадий обида эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрладиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АҚШ доллари миқдорида, ушбу тоифага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат фронти қатнашчиларига 3 миллион сўмдан бир марталик пул мукофотлари ва “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилгани муҳтарам фахрийларимизга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Уруш фахрийлари ва ногиронлари учун тиббий ва ижтимоий хизматлар, жумладан, патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ушбу қувончли кунларда халқимиз мўътабар кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олмоқда.

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур кўмак ва ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озод ва эркин ҳаёт учун ўзининг азиз жонини ҳам аямасдан курашган бундай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёримиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳамиша ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, мухтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2025 йил 8 май,
ЎЗА

Йиллар ўтади, Юртбошимиз раҳбарлиги ва ташаббуслари билан бошланган Янги Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар ортга қайтмас тарзда давом этади. Шу нарса аниқки истиқлолимизнинг кейинги тўққиз йилидаги натижалар мустаҳкам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий пойдевор сифатида ёшларни янада муҳим, салмоқли ютуқ ва галабалар сари илҳомлантирмоқда.

Оқил САЛИМОВ,
академик



Азиз ТОШПЎЛАТОВ,
ички ишлар вазири, генерал-майор

**КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ЖИЛОВЛАШ ОРҚАЛИ ХАВФСИЗ
КИБЕРМАКОН ЯРАТИШ**

***Рақамли трансформация шароитида кибержиноятларнинг барвақт
олдини олишда Ўзбекистон тажрибаси***

Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли стратегик ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда жиноятларни содир этишга шарт-шароит яратаётган ҳар қандай иллатга нисбатан муросасиз курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, кундалик ташвишимизга айланиши лозим.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги тадқиқотлар натижалари янгича ривожланиш босқичлари жиноятларнинг янги кўринишлари шаклланишига туртки бўлаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, рақамлаштиришнинг юқори суръатларда ривожланиши таъсирида жиноятлар шакллари ва уни содир этиш усуллари замонавийлашиб, ахборот технологиялари шахсга ва унинг мулкига тажовуз қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, кибержиноятчиликнинг содир этилишида асосий омил бўлаётир.

Шу сабабли ҳозирги вақтда бутун дунёда кибержиноятчиликка қарши курашишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Кибержиноятларнинг турлари ва ушбу жиноятни содир этаётган шахслар сони ортиб бораётгани янги таҳдидлар юзага келиши билан изоҳланмоқда.

Таҳлиллар ва статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда кибержиноятлар ортидан келадиган йиллик глобал зарар 11,4 триллион АҚШ долларига тенг бўлган, 2026 йилга келиб 120 фоиз ўсиб, 25,8 триллион АҚШ долларига етиши башорат қилинмоқда. Айрим манбаларда таъкидланишича, 2026 йилга келиб кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 барабар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2030 йилга келиб дунёда кибержиноятларга қарши курашувчи тузилмалар давлат ва хусусий серверлар, булутли

маълумот марказлари, шахсий компьютер ва қурилмаларда сақланадиган жами 2 минг зеттабайтлик (икки триллион терабайт) маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлади. Чунки кибержиноятчиликнинг авж олиши оқибатида исталган корхона-ташкилотнинг маълумотлар базалари киберхужумга учраши эҳтимолини рад этиб бўлмайди. Шу сабабли бу борада мустаҳкам ҳимоя чораларини кўриш талаб этилади.

Ўз навбатида, кибержиноятчиликка қарши курашишда ушбу турдаги жиноятларнинг латентлигини инобатга олиш керак бўлади. Мутахассислар фикрича, кибержиноятларнинг латентлиги АҚШда 80 фоиз, Буюк Британияда 85 фоиз, Германияда 75 фоиз, Россияда 90 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил қилади. Бу эса кибержиноятларнинг содир этилиши бўйича реал ҳолатлар статистикаси бундан ҳам юқори кўрсаткичларни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Глобаллашув ва рақамлаштириш муҳитида рақамли технологиялар воситасида содир этилаётган жиноятлар йилдан йилга кўпайиб, анъанавий жиноятларнинг кибержиноятларга трансформацияси юртимизда ҳам кенгайиб бораётгани кузатилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда сўнгги беш йилликда кибержиноятлар 68 баравар, биргина ўтган йилда эса 2023 йилдагига нисбатан 9,1 баравар ошган. Ушбу даврда кибермакондаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар сони 34 баравар кўпайган.

Мазкур жиноятлар натижасида фуқароларнинг 1 триллион 909 миллиард сўмдан ортиқ маблағи талон-торож қилинган.

2019 йилда ахборот технологиялари орқали 18 турдаги 863 та жиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда 62 турдаги 58 800 та жиноят қайд этилгани ҳамда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши сезиларли равишда ортиши кузатилгани уларнинг олдини олиш заруратини янада долзарблаштирмоқда.

2023 йилда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 44,4 фоизга етиб, деярли ҳар иккита жиноятнинг бири ахборот технологиялари орқали содир этилди. Бу ҳолат уларнинг олдини олиш тизимини мунтазам, йилма йил такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Кибержиноятларнинг асосий қисмини (98 фоизи) банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (киберўғрилиқ ва киберфирибгарлик) ташкил этмоқда.

Кибержиноятлар асосан қуйидаги усулларда содир этилмоқда:

- 60 фоизи зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобил қурилма бошқарувини қўлга киритиш йўли билан;
- 16 фоизи турли алдовлар билан банк картаси ҳамда мобил иловалардаги аккаунтлар бошқарувини тасдиқловчи SMS кодни қўлга киритиш йўли билан;
- 4 фоизи шахс номига онлайн кредит расмийлаштириш орқали;
- 11 фоизи онлайн савдо платформаларидаги фирибгарликлар орқали;
- 9 фоизи турли усулдаги фирибгарлик схемалари орқали фуқароларнинг пул маблағларини жалб қилиш тарзида содир этилмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва статистик маълумотлар асосида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши ва реал вақт режимида чексиз ахборот алмашинуви имкониятлари ортиб бориши шароитида кибержиноятлар мураккаб трансмиллий муаммога айланиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун инновацион ёндашувлар асосида кибержиноятларга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда илмий тадқиқотлар доирасида кибержиноятлар олдини олиш ва кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун турли ёндашув ва услублар таклиф этилмоқда.

Хусусан, кибержиноятларни тергов қилиш фаолияти билан шуғулланувчи Group-IB компанияси президенти Илья Сачковнинг таъкидлашича, агар фойдаланувчи киберхавфсизлик қоидаларини билса, у кибермаконда доимо хавфсиз бўлади. Group-IB компанияси томонидан ўн йил давомида киберфирибгарлар шахсий маълумотларни ўзлаштирмаслигини назарда тутувчи махсус эслатмалар ишлаб чиқилди. Аммо бу эслатмаларнинг жамиятда жуда секин тарқалиши туфайли бу усул ўз самарасини бермаган.

Мазкур йўналишдаги етакчи тадқиқотчи У. Дизард ахборот жамиятининг рақамли трансформацияси шароитида қатор муаммоли масалаларни ҳал қилиш учун янги технологиялар тақдим этаётган имкониятлар доимо ҳисобга олиниши ва уларга қарши курашиши керак

бўлган потенциал хавфларни ўз ичига олиши лозимлигини таклиф қилган. Унинг фикрича, мазкур масала бўйича ривожланиш стратегияси муайян даражада техник ва иқтисодий қарорлар қабул қилиниши билан белгиланиши керак.

Қатор олимлар қонун ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини кучайтириш орқали кибержиноятларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидлаган бўлса, бошқалари кибержиноятларнинг олдини олиш муаммолари таълим жараёни субъектларининг рақамли саводхонлиги билан боғлиқлигини асослаб берган. Улар ўз илмий хулосаларида кибержиноятларнинг олдини олишда рақамли таълим муҳити имкониятларидан самарали фойдаланишни, фан дастурларига “Киберхавфсизлик асослари” ўқув фанини барча ўқувчилар учун мажбурий фан сифатида киритишни таклиф қилганлар.

Кибержиноятларнинг олдини олиш муаммоларининг долзарб масалалари юзасидан етук олимлар томонидан илмий тадқиқотлар қилиниб, бу бўйича инновацион ёндашувларга оид мулоҳазалар билдирилган.

Кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича нафақат илмий марказлар ва тадқиқот муассасалари, балки айрим ривожланган давлатларда ҳам етарлича стратегик усуллар ишлаб чиқилгани кузатилган.

Хусусан, рақамли технологияларни жорий этиш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича илғор тажрибага эга Сингапур, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Буюк Британия каби давлатлар томонидан узок йиллик стратегик масалалар қўйилиб, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш муаммоларининг айрим масалалари ечилган.

Мазкур йўналиш халқаро ташкилотлар, хусусан, НАТО томонидан ҳам глобал муаммо сифатида қайд этилган. Ушбу муаммонинг аҳамияти блокнинг сўнгги йилларда қабул қилинган барча бошқарув ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, болалар кибержиноятлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида ЮНИСЕФ томонидан ҳам бир неча йирик лойиҳа амалга оширилган.

Юқоридаги таҳлиллар натижасидан кўринадик, кибержиноятларнинг янги турлари ва шакллари юзага келаётгани сабабли уларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги қарори юртимизда ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган муаммоларни тизимли чоралар орқали ҳал қилиш, кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли органни белгилаш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасидаги самарали чоратадбирларнинг навбатдаги муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

“Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида”ги мазкур қарорга асосан, кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш йўналишида қуйидаги чораларни кўриш белгиланди:

Биринчидан, банклар томонидан шубҳали молиявий амалиётлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тезкор хабар бериш тизими йўлга қўйилади. Бунда Марказий банкда шубҳали ўтказмаларни аниқлаш механизми ишлаб чиқилади ва маълумотлар электрон маълумотлар алмашинуви тизими орқали Ички ишлар вазирлигига юборилади. Натижада фуқароларни фирибгарлик схемаларига инвестиция киритиш ва алданиб қолиш ҳолатларининг барвақт олди олинади, фирибгарлик жиноятлари, жумладан, “молиявий пирамида” орқали ўзлаштирилган пулларнинг 80 фоизини ўз эгаларига қайтариш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, энг кўп кибержиноят қайд этилган банклар ва тўлов ташкилотлари рўйхатини оммага эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Ички ишлар вазирлиги томонидан жиноятларнинг таҳлили асосида автоматик ва шаффоф шаклланадиган рейтинг тизими ишлаб чиқилади ҳамда ҳар ой якуни бўйича натижалар интернетдаги расмий сайтларда ва оммавий ахборот воситаларида кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилади. Бу банклар ва тўлов ташкилотлари ўз хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш бўйича жиддий чоралар кўришига туртки беради, фуқароларда ҳимоя тизими мустаҳкам бўлган банклар ва тўлов иловаларини аниқлаш ва танлаш имконияти пайдо бўлади.

Учинчидан, сохта қўнғироқларни чеклаш (телеком антифрод) тизими тўлиқ жорий қилинади. Бугунги кунда мобил қурилмалардан фойдаланувчи фуқароларнинг деярли 95 фоизига нисбатан сохта қўнғироқлар орқали алдовлар билан шахсга доир маълумотларини ўғрилашга уринишлар содир этилмоқда. Натижада сохта қўнғироқлар орқали содир этиладиган фирибгарликнинг тўлиқ олдини олиш имконияти пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ҳар йили “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” комплекс тарғибот тадбирларини ўтказилади. Кибержиноятлар таҳлиллари уларнинг 95 фоизига жабрланувчиларнинг ўзи жиноятга шароит яратиб берганини кўрсатмоқда. Киберсаводхонлиги етарли эмаслиги сабабли фуқароларнинг ўзи шахсий маълумотларини фирибгарларга тақдим этмоқда ёки ижтимоий тармоқлардан зарарли дастурларни юклаб олмақда.

Шунга қўра, ҳар йилнинг ноябрь ойида кибертарғибот ойлиги ўтказиш, тарғибот олиб боришда барча манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат ва жамоатчилик муассасалари масъулиятини ошириш учун йиллик дастурни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш тартибини жорий этиш белгиланган.

Бешинчидан, аҳолининг огоҳлигини ошириб бориш бўйича барча давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида доимий тарғибот-ташвиқот олиб борилади. Кибержиноятларнинг шакл ва усуллари тезликда янгиланиб, қисқа муддатда қўплаб фуқароларнинг жабрланиб қолаётгани кузатилмоқда.

Бу, ўз навбатида, янги турдаги кибертаҳдидлардан аҳолининг барча қатламини огоҳлантириш орқали салбий оқибатларнинг барвақт олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шунга қўра, фаол ва таъсирчан ташвиқот олиб бориш бўйича барча ОАВ ва интернет нашрлари масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, ҳар бир шахсда бошқаларни янги таҳдиддан огоҳлантириш, “ижтимоий фойдали иш” сифатида ёндашувни шакллантириш, барчанинг шахсий фаоллигини уйғотиш талаб этилади.

Олтинчидан, тарғиботда интернет тармоқларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда ташвиқот тадбирларини ёшлар ўртасида умуммиллий ҳаракат сифатида ташкил этиш.

Бугун ёшлар асосий вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказиши ҳамда миллий кадриятларимизга ёт ғоялар тарғиботи кенг тарқалиши

кузатилмоқда. Интернетда мақсадли (таргет) рекламалар асосида тарғибот олиб бориш харажат талаб этса-да, таъсирчан ҳисобланиши исботланмоқда.

Еттинчидан, “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш. Кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ХМҚО, банклар, манфаатдор идоралар ва жамоатчилик муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва соҳадаги фаолиятини манзилли йўналтириш тартиби жорий этилмаган. Мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас, муҳим масалалар белгилаб берилмаган. Янги қонун қабул қилиниши билан кибержиноятларга қарши курашиш бўйича масъул ва қўмаклашувчи муассасалар, уларнинг вазифа ва ваколатлари белгиланади, кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида комплекс чоралар кўриб бориш тизими яратилади ва бу Ўзбекистоннинг халқаро рейтингдаги имижига хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўринадикки, фуқароларни кибертаҳдидлардан барвақт огоҳлантириши, уларда киберхавфсизликнинг дастлабки элементларига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш кибержиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Хавфсиз кибермакон яратиш ва кибержиноятларнинг барвақт олдини олиш барчанинг масъулиятини англаши ва биргаликда ишлашини талаб этадиган мураккаб жараёндир. Кибермакон хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятлар содир этилишига сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув ҳужжатларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ҳамда жиноят ишларини илмий ёндашувлар асосида ўрганиш орқали асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишда замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим омиллардан бири саналади.

Курсант ва тингловчиларга ёрдам

Баҳодир МАТЛЮБОВ,
*ЎР ИИВ академияси доценти, бошлиқ
маслаҳатчиси, генерал-лейтенант*

**МАШҲУР АДИБ ЁШЛАРИМИЗ УЧУН ИБРАТ ВА
НАМУНА МАКТАБИ**

Биздек икки яқин халқ бу дунёда яна қаерда бор?

Минг йиллар давомида ёнма-ён яшаган, кўплаб синовларни биргаликда бошидан кечирган ўзбек ва тожикнинг дўсту биродарлиги кўплаб маданият ва санъат арбобларимиз асарларида асосий мавзу бўлган. Бунга ёрқин мисол – ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон замонавий адабиётнинг асосчиси буюк Садриддин Айнийнинг ижоди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Шундай замонлар ўтдики, касаллик бирдан пайдо бўлиб, одамлар ўлимига, қиргинликни олиб келар?! Бундай касаллик бир ҳудудда яшин тезлигида тарқалиб, кўп талофатлар келтирган.

*1889 йилнинг ёзида. Бухоро шаҳрида вабо тарқалди. Кўп ўтмай бу бедаво дард Ғиждувоннинг Соктаре қишлоғига етиб келди. Саидмуродхўжа касалликка чалиниб, аҳволи оғирлашди. Паймонаси тўлганини ҳис этган ота боши узра мунгайиб турган ўғлига: “**ўқи, ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам ўқи, илми бўл!**” – деб сўнгги насиҳатини айтди. Садриддин 11 ёшда эди.*

Йиллар ўтди, таҳликали замонлар бўлди. У муҳтожликни, ҳаёти қил устида қолган дамларни бошидан кечирди. Аммо ўқиш, ўрганишни қатъий равишда давом эттирди. Илму маърифатли бўлди. Аммо падари бузруквори кутганидан ҳам юқори мартаба, обрў-эътибор, ҳурматга лойиқ инсон ўта илми, қалами ўткир ёзувчи, маърифатпарвар аллома бўлиб етишди.

У Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Тожикистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, филология фанлари доктори,

“Қуллар”, “Дохунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Эски мактаб” каби бебаҳо асарлари ила зуллисонайн адиб Садриддин Айний ўзбеку тожик, қирғизу қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа элатлар, улусга тез орада танилди.

Ўқувчилари уни жаҳоннинг машҳур адиблари қаторига қўшишган

Машҳурликка эришган истеъдод соҳибининг ижодига назар ташласак, у шоир ва ёзувчи, публицист, тарихчи ҳамда забардаст олим мавқеига эришди. Адибнинг Абу Али Рудакий, Мирзо Бедил, Алишер Навоий каби буюк алломалар ижодига оид тадқиқотлари ўз қимматини ҳозир ҳам йўқотмаган.

Садриддин Айний дунё тан олган адибга айланди. Шу ўринда таниқли француз шоири Луи Арагон *“Судхўрнинг ўлими”* қиссасини таржима қилиб, китоб сўзбошисида: *“Садриддин Айний ўзининг бу ўлмас асари билан жаҳон адабиётининг буюк намояндалари Бальзак, Шекспир, Гёте қаторида туради”*,¹ – деган муносиб ва юксак баҳо берган эди. Бу адибнинг ноёблиги шундаки, бош қахрамон Қори Ишкамба жаҳон ҳажвиётида тан олинган етакчи образ саналади!

1962 йилда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари анжуманида Садриддин Айний Робиндранат Тагор, Луи Синь, Таха Хусейн каби Шарқ мумтоз ижодкорлари билан бир қаторга қўйилгани қайд қилинади. Бу унга берилган юксак баҳо эди.

У халқлар дўстлиги, бирдамлиги тимсоли

Академик Наим Каримовнинг таъкидига кўра: *Садриддин Айний ўз даврига мансуб ёзувчи Халқ ва жамият ҳаётидан бирмунча узоқлашаётган мумтоз Шарқ адабиётига замонавий руҳ беришга интилди. Яъниким, унинг қаламкаш биродарлари XX асрнинг ўнинчи йилларида янги типдаги йўналиш – ўзбек ва тожик адабиётига пойдевор қўйдилар.*

Жадидлик ҳаракати асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг *“Ойина”* журналида чоп этилган, унинг *“Ҳар бир миллат ўз тили ила фахр этар”* мақоласида ўзбек тилининг мавқеини янада кўтариш масаласи илгари сурилган. Адиб ва мутафаккир буюк аجدодимиз ижодида ўзбек-тожик дўстлиги, биродарлиги ёрқин равишда ифода қилинган.

Дарвоқе, давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов: *“Йирик олим ва забардаст ёзувчи Садриддин Айний ўзбек ва тожик тилларида*

¹ Халқ сўзи. 2023 йил 15 июнь.

маҳорат билан ижод қилган умрбоқий асарлари халқлар дўстлиги ва биродарлигининг мустаҳкам тимсолидир”,² – деб ҳаққоний равишда таъриф берган эди.

Мен ана шулар ҳақида ўйлаб, беихтиёр бугунги ёшларимизга:

– *Атоқли адиб Садриддин Айний ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳозирги мактаб дарсликларидан нега ўрин олмаган? Бундан 30, 40 йиллар чамаси олдин Садриддин Айний ижодини адабиёт дарсликлари орқали билар эдик. Кутубхонадан буюк адиб асарларини олиб мутолаа қилганмиз. Баъзи асарлари китоб жавонимиздан ўрин олган.*

Бинобарин, айниқса, адабиёт ўқитувчиси юртимизда машҳур бўлган таниқли шоир, ёзувчиларни билиши, адабий жараённи кузатиб бориши керак. Чунки ёшларимиз онгидаги юксак маънавий-сиёсий ҳамда бадий кемтикликни тўлдириши – бугунги Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим роль ўйнайди, – дея билишлари шарт демоқчи эдим.

Адибнинг 150 йиллиги юбилейига 3 йил қолди?

Глобал тараққиёт даврида таниқли адибларнинг юбилейларини ўтказиш халқимизнинг эътирофи ва эҳтироми намунасидир. Зеро, бундай тадбирлар одатда, адабиёт ва маънавият байрамига айланиб кетади. Шу нуктаи назардан 1978 йилда туғилган Садриддин Айнининг 100 ва ўн йилдан кейин 110 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Соктаре қишлоғида адиб бюсти ўрнатилди, Қаровсиз жойдаги масжид ўрнида музей ташкил этилган эди. Айни пайтда асарлари қаҳрамонлари номи билан аталадиган савдо дўконлари, чойхона очилган эди...

Ниҳоят сўнгги икки, уч йилда музей таъмирланди. Гиждувонлик ижодкорлар Комижон Жўраев ва Мухтор Абдуллаев ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуслари билан бир қатор таниқли адиб ва шоирларнинг юбилейлари ўтказилди. Усмон Носир, Ўктам Усмонов, Рауф Парфи, Омон Матжон хотираларига бағишланган анжуманларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси масъуллари кам иштирок этишди.

Бизнинг ижодий – илмий таклифимиз бор. Уч йил ўтади, кетади?! Шу даврда кенг параметрли адабий муҳитни жаҳон тан олган буюк ёзувчи Садриддин Айний таваллудининг 150 йиллигигача давлат ва фаол жамоатчилик иштирокида тадбирлар олиб борилса, кенг миқёсда

² Ўша газета.

нишонланса, таълим масканлари, кутубхоналарда, айнийхонлик кечалари уюштирилса, адиб асарларини лотин ёзувида чоп этиш тадбирлари ўтказилса, энг муҳими унинг сермазмун ва бебаҳо ижоди мактаб дарсликларига киритилса – айни муддао бўлар эди?!

Тарих кўзгуси, ойнаси бўлиб қолди

– Садриддин Айнийнинг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди, – дейди Бухоро шаҳридаги 35-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Маҳфуза Эргашева. Ўқувчиларга синфдан ташқари дарс пайтида кўплаб шоир ва ёзувчилар қатори Унинг асарларини ҳам ўқишни тавсия қиламан. Ҳаётий мисоллар келтираман.

Мен домла Айнийнинг кўплаб асарларини мутолаа қилиб, пандномага айланган афоризм сўзлари ёдимга тушди: *“Домла, нега ўғлингизга камроқ, қизингизга эса кўпроқ пул юборасиз?”*,– дея савол билан Москвада таълим олаётган фарзандларига нисбатан айтилганда: *“Шуни ёддан чиқармангки, ўғилни тўқчилик, қизни йўқчилик бузади”*, деб жавоб берган экан. Ана шундай афоризмга айланган ҳикматомуз сўзлар шак-шубҳасиз, ўғил-қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлашда жуда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Сирасини айтганда, Бухорода туғилиб ўсган кўплаб мутафаккирлар истиқомат қилган уйлардан ном-нишон қолмаган. Шу боис Президент ташаббуси билан бу ҳақда жадидлар музейи барпо этилди. Музей донишманд халқимиз, илмга чанқоқ ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган манзилга айланиши табиий ҳол. Садриддин Айний туғилиб ўсган Соқтаре қишлоғида ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган музей барпо этишнинг мавриди аллақачон келган.

Гапнинг индаллосини айтганда, мухтарам Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон ўз ҳаётлари муҳим мазмун-мақсади: ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ҳамда биродарлиги ҳақида юрак-қалб амри ила ҳис қилишларига шак-шубҳа йўқ. Буюк Садриддин Айнийнинг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва бошқалар билан меҳр-муносабатлари тўғрисида қанчалик ёзмайлик, шунчалик кам!

Дўстлигу кардошликка оқ йўл, азизлар!

*(Журналист Истам Иброҳимов
манбаларидан фойдаланилди.)*

Олимжон АХМЕДОВ,
МОИ бошлиғи, т.ф.н., профессор, полковник

“ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ” ТИЗИМИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОН ТОМИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Дунёда тинчлик ва осойишталик инсоният учун энг улуг ва кутлуг ҳамда қадрли неъматлардан. У бор жойда ҳаёт бардавом, тараққиёт изчил, одамлар бахтли ва осуда яшайдилар. Тинчлик бўлмаган жойда илм-фан, иқтисод, саноат, маданият ва таълим ривожланмайди. Давлат ва жамият тинчлик шароитида барқарор равнақ топади.

Маълумки, азал-азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи офатлар ҳам мавжуд. Инсоният ҳаёти учун энг катта офатлардан урушлар, халқаро терроризм XX асрнинг охири ва XXI асрга келиб, ўзининг салбий қиёфасини янада намоён эта бошлади. Диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё аҳлининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани исбот талаб қилмайдиган воқелик, яъни, аксиомага айланиб бўлди. Аммо, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик юртимиз равнақи ҳамда ёрқин келажаги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ, ғоялар кураши авж олаётган XXI асрда дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин пайдо бўлаётгани ҳамда бузғунчи ғоялар мафкура майдонида қуршаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳукуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади(1).

Ҳозирги глобаллашув даврда ер юзида табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга турли фавқулодда вазиятларнинг ортиб бориши кўпгина давлатларнинг аҳолиси ва ҳудудлари ҳамда иқтисодиётига катта зарарлар келтирмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида дунё бўйича содир бўлган табиий офатлардан кўрилган зарар 306 млрд. доллардан ошиб кетди. Сўнгги вақтларда давлатлараро можаролар, урушлар, террорчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган кўпуровчилик ҳаракатларининг оқибатларида тинчлик-осойишталикка, фуқаролар ҳаёт фаолиятига, ишлаб чиқариш соҳалари орқали иқтисодиётга жуда катта зарар келтираётганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш йўналишида жуда катта ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамай, дунёнинг айрим давлатларида террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти жадаллашиб бораётганлиги ҳамда террорчилар томонидан ўз таъсир доираларига турли соҳаларнинг етук мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириб келинаётганлиги айни ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар томонидан турли хил объектларга ҳужумлар қилиш сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, улар элчихоналар, аэропортлар, темир йўл станцияси ва бекатлари, алоқа почталари, масжидлар ва ибодатхоналар, меҳмонхоналар, мактаблар, кутубхоналар, жамоат транспорт воситаларидан ташқари иқтисодиёт корхоналари, хусусан энергетика объектлари, яъни электр корхоналар ва электр тармоғи хўжалиги кабиларни ўзларига нишон қилиб олмоқдалар (2).

Халқаро террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар томонидан амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракатларини ўрганган мутахассис Б.Стьюартнинг фикрига кўра, террорчи гуруҳлар энергетика станцияларига, алоқа, компьютер тизимлари ва бошқа объектларга ҳужум уюштиришда мукамал тайёргарлик кўрганлари ҳолда содир этилган фавқулодда вазият эса жамиятда ижтимоий-руҳий ҳолатга таъсир кўрсатибгина қолмай, уларнинг оқибатлари жамиятга жуда катта зарар келтиряпти (3).

Энергетика объектларининг турли хил фавқулудда вазиятларда ҳам иш фаолиятини тўхтатмаслиги мамлакат хавфсизлиги, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий барқарорлик учун жуда муҳимдир. Бунинг учун тизимли ёндашув, замонавий технологиялар, мунтазам назорат ва тайёргарлик тадбирлари шарт. Ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигида муҳим роль ўйнайдиган энергетика объектларида юзага келган табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлар билан бир қаторда бугунги кунда дунё бўйича мавжуд бўлган 500 дан ортиқ норасмий террорчилик ташкилотлари томонидан энергетика объектларида содир этилиши мумкин бўлган террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларнинг хавфи кучайиб бормоқда (4). Дарвоқе, қатор давлатларда, хусусан Россия худудидаги қўплаб энергетика объектларида террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатлари содир этилганлиги кузатилган. Шимолий Кавказда 50 дан ортиқ энергетика объектларида террорчилик ҳаракатлари содир этилган: Нальчик шаҳридаги газ тарқатиш станциясида, Ингушетия ва Доғистонда юқори кучланишли электр тармоқларида террорчилик билан боғлиқ фавқулудда вазиятлар юзага келган (5).

Бугунги кунга қадар дунёда учувчисиз учиш воситалари орқали энергетика объектларида содир этилган террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларининг оқибатларига тўлиқ баҳо берилмаган?! Бу борада хавфсизликни таъминлаш ғоятда муҳим масала бўлиб, бундан фойдаланган турли террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар ўзларининг бузғунчи мақсадларига эришиш учун энергетика объектларига онгли равишда хужумлар уюштирмоқдалар. Улар энергетика объектларида террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириш орқали иқтисодиётдаги барча соҳаларни издан чиқариш, шунингдек минглаб одамларни электр энергиясиз ва иссиқликсиз қолдириш орқали жамиятда низолар келтириб чиқаришни мақсад қилиб олганлар.

Айтиш лозимки, энергетика, хусусан электр энергетика соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришда ўзининг муҳим ўрнига эга. Сўнгги уч йилда республикаимиз худудларида 3,5 гигаваттли 16 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди, 35 та кичик ГЭС тармоқлари қурилди. Саноатда “**яшил энергия**” тизими жорий

қилиниб, давлат дастурининг энг катта йўналишларидан бўлган энергетика тизимида содир бўлиши мумкин ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ушбу энергетика объектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг тежамкорлигини ошириш ҳамда истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз электр энергияси етказиб бериш ўта муҳимдир.

Дарвоқе, энергетика соҳасини давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида давлатнинг энергетика хавфсизлиги ва ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаши ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш, энергия ҳосил қилувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция ҳамда модернизация қилишни ривожлантириш жараёнларида инвестициялар жалб этиш каби ҳуқуқий қоидаларни келтиришимиз мумкин [6,7].

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ички ишлар вазирлиги мамлакатимизда аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибini сақлаш ва бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутди. Содир этилиши мумкин бўлган табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятларда эса Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда давлат тизимидаги барча идоралар, уларнинг ҳудудий органлари билан ҳамкорликда қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирларни амалга оширишлари:

- фавқулодда вазиятлар пайдо бўлганда жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ёхуд ёнгин хавфсизлиги, объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий бойликлар муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- ёнгинларни профилактика қилиш ва ўчиришга оид тадбирларни ташкил этиш, улар билан боғлиқ қутқарув ишларини амалга ошириш;

- фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) бошқарув органларини юзага келган ёнгин ҳолати ҳамда уларни бартараф этиш, зиён кўрилиши мумкин бўлган зарарлар тўғрисида дастлабки ахборот билан таъминлаш;

- даволаш муассасалари билан биргаликда фавқулодда вазиятларда нобуд бўлган аҳолини ҳисобга олиш;

- ФВДТда функционал қўйи тизимларини ташкил этиш ва унинг фаолияти жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ва ёнгин хавфсизлиги хизматига раҳбарликни амалга ошириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг ФВДТга тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини янада кучайтириш мақсадида табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича ягона тизимни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 28 декабрда 1027-сонли Қарори қабул қилинган ва бу соҳадаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда [8].

Ягона тизимнинг жорий этилиши – мамлакатимиздаги барча хавф омилларини, таҳдид манбаларини тўлиқ ва тизимли кўриб чиқишни, ҳудудларни хавф даражалари бўйича ажратиб чиқишни, фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва унинг оқибатлари тўғрисида автоматлаштирилган ҳолда доимий ахборот алмашинувини олиб боришни, аниқланган хавфни объектив баҳолаш ва бошқаришни, шунингдек фавқулодда вазиятларда бошқарув механизмининг тизимли йўлга қўйишни таъминлайди. Ягона тизим доирасида вазирлик ва идораларда ихтисослаштирилган геоахборот тизимининг яратилиши ва фойдаланилиши – фавқулодда вазият манбалари маълумотлар базаси ҳамда потенциал хавфли объектлар реестрини шакллантириш ва ривожлантириш, фавқулодда вазиятга олиб келадиган хавфли табиий-техноген жараёнида ҳодисалар юзага келиши хавфи даражасининг индикатори бўйича ҳудудларни батафсил районлаштириш, юзага келган хавфни моделлаштириш ва прогнозлаштириш, шунингдек ахборот алмашинувининг ягона шаклда олиб борилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, республикаимиз аҳолиси ва ҳудудларида юзага келиши мумкин табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятлар хавфидан ўз вақтида тезкорлик билан огоҳлантириш ҳамда самарали муҳофаза қилиш имкониятини яратади.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича республикада жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Лекин, шу билан бирга энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида дунё ҳамжамияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, электр энергетика объектларида содир этилиши мумкин бўлган террорчилик хужумлари, учувчисиз қурилмалардан фойдаланган ҳолда қўпоровчилик ҳаракатлари билан боғлиқ ғавқулдда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органларининг тоифаланган объектларини қўриқлаш тизимида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу йўналишда авваламбор ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунига биноан, электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Электр тармоғи хўжалиги объектларининг сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, мазкур объектлар шикастланиши ва аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида электр тармоғи хўжалиги объектларига туташ ерларда муҳофаза зоналари аниқлаб берилган. Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (31-м.).

Электр энергетика объектларида террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қўпоровчилик ҳаракатлари сабабли юзага келган ғавқулдда вазиятларни махсус таснифлашнинг ўзига хос хусусиятларга эгалигини эътиборга олган ҳолда, авваламбор уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Давлат тизимидаги барча идоралар каби Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари олдида турган асосий вазифа электр энергетика объектлари ва жойлашган ҳудудларида содир этилиши мумкин хавфларни тезкор усуллар билан аниқлаш, олдини

олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари асосида ишларни ташкил этиш, ушбу фаолиятнинг янада самаралироқ бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, ИИВ соҳавий хизматлари моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, тизимга билимли, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб билган ватанпарвар ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ҳудудий электр энергетика объектларида фаолият олиб бораётган масъул ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳамкорликда мунтазам ташкил этиш, ўқув дастурларига табиий, техноген ва террорчилик хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда идора ва вазирликлараро таркибий тузилмаларнинг ҳамкорлик масалаларини ўқув жараёнлари ва амалиётга жорий этиш ўта муҳим ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони 2017 йил 10 апрель.

2. Contemporary Trends in World Terrorism.Tel Aviv,N.Y.,L.1987. pp. 152, 153, 155

3. Contemporary Trends in World Terrorism.p.142

4. А.И. Гушер Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия новой эры человечества // Знание-сила. 2002 - № 12. С. 36.

5. Р. Горевой. Северокавказские сепаратисты готовят крупные теракты на энергетических объектах. <https://versia.ru/severokavkazskie-separatisty-gotovyat-krupnye-terakty-na-yenergeticheskix-obektax>.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-225-сонли Қонуни, 2009 йил 30 сентябрь, Т.2009.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 242-сонли Қарори, 2011 йил 24 август.

8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О создании Единой системы мониторинга, обмена информацией и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического характера». Ташкент, 2017 г. № 1027, С.65.

9. Б. Курбанов «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича Ягона тизимни ташкил этиш, истиқболда кутилаётган натижалар», Ўзбекистон Республикаси ФВВ илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2018 йил, 3-24-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада электр энергетика объектларида содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг бошқа идора ва вазирликлар билан ҳамкорлик масалалари ёритилган.

В статье освещены вопросы взаимодействия органов внутренних дел с другими ведомствами и министерствами по предупреждению чрезвычайных ситуаций, которые могут возникнуть на энергетических объектах.

In this article was discussed the issues of cooperation between internal affairs bodies and other departments and ministries in preventing emergencies that may occur at power plants.

Илмий мақолалар

Музаффар ТОЖИБОЕВ,
*ИИБ Академияси профессори, тарих фанлари доктори,
подполковник*

ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ
ёхуд мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омил

Инсон хотираси билан тирик, кадр-қиммати билан улуг! Ўтганларнинг хайрли ва эзгу ишлари, жасоратю қаҳрамонлигини ёдга олмоқ, эъозламоқ халқимизнинг азалий қадриятларидан. Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш қон-қонимизга сингиб кетган. Зотан, хотира ўтмишни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Кадр эса инсонни юксакликка кўтаради, унинг орзу-интилишларига олижаноблик бағишлайди, истикболни белгилайди.

Инсоният тарихи – қадрият дунёсининг кенгайиши, бойиш ва такомиллашиш тарихи. Моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси қадриятдир. Унинг мезонлари кишиларга, уларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бундай ўзига хос бошқаришнинг самарадорлиги кишиларимизнинг қадрият оламини билишига ва бошқаришига боғлиқ. Бу борада аллома адиб Ойбек: “Ўқинг, ўрганинг, турмушни билинг, меҳнат нашъасини, завқини туйинг ва қадрига етинг”¹, деган эди.

Умуминсоний қадриятлар аҳамиятининг ошиб бориши инсоннинг миллий ва кўпмиллатли муҳитдаги мавқеини сезиларли даражада ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий ва миллатлараро манфаатларни ўзаро боғлашнинг мақбул йўналиш ва вариантларини белгилаб олиш, янгилашиш жараёнларининг келажақдаги оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг амалий фаолияти чегараларини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ва миллатлараро умуминсоний қадриятлар кўпмиллатли жамиятда шахс борлигининг бир-биридан ажралган ҳамда иккита алоҳида шакли сифатида намоён бўлиши мумкин эмас. Улар ягона жараённинг

¹ Ёшларга донолар ўгити. Т. – 2018. 48-б.

узвий иккита жиҳати сифатида ўзаро бир-бирига боғлиқ. Шахснинг маънавий дунёсида миллий ва миллатлараро қадриятлар намоён бўлишига кўра бир-бирига тенг эмас. Улар ўртасида тил ва маданий бирлик, умумий тарихий ўтмишнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги инкор қилинади, турли миллат ва элатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқин ўтмишдаги даражаси ҳисобга олинмайди. Ушбу ҳолларда умуминсоний қадриятлар билан бойиб бориш жараёнини “англаб олиш” мураккабдир. Демак, “миллий омил”, “миллий ўзига хослик”, “миллий жараёнлар” ва умуман, “миллийлик” тушунчалари доимо ривожланишда бўлиб, мунтазам равишда миллатлараро ва умуминсоний мазмун билан бойиб боради. Умуминсоний, миллатлараро қадриятларнинг миллий қадриятга айланиш механизми – оддий механик тарзда қўшилиб кетиши эмас.

Жаҳон мамлакатлари ва уларнинг ривожланишини халқлар дўстлиги – бағрикенглик қадриятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абу Райҳон Беруний **“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”** номли қомусий асарида ҳар қандай жамиятнинг аъзоси – инсон турли халқлар, элатлар ва этник гуруҳлардан таркиб топади, деб ёзади. Яъни, ягона миллатдан иборат жамият ёки давлатнинг вужудга келиши, равнақ топиши мумкин эмас! Шу боис, ҳозирги глобаллашув даврида бағрикенглик муаммоси инсон қадриятининг муҳим таркибий қисмига айланди. Ҳазрат Мир Алишер Навоий қайд этганидек, инсоннинг нафси унинг бағрикенглигига завоқ келтиради. Шунинг учун ҳам бағрикенглик қадрияти инсонлараро дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳомийлик, очик кўнгиллилик, яхшилик ва эзгу ниятларни амалга ошириш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: *“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари – олий қадрият ҳисобланади”*², дейилган.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда Ватан равнақи, тараққиёти ҳамда унинг ҳимояси учун курашган буюк аجدодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. – “Ўзбекистон”. 2023. 9-б.

кўрсатиш, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини улуғлаш олийжаноб қадриятдир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: *“Биз тинчлик ва мустақиллик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда фидойиликларини юрагимизда абадий сақлаймиз”*³.

Сўнгги йилларда 9 май санаси янги Ўзбекистоннинг юксак қадриятларига эҳтиром ифодаси ўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки унинг замирида юрт озодлиги ва тинчлиги учун курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, жонини фидо қилган ватандошларимизнинг ёрқин хотирасига чуқур эҳтиром кўрсатиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни эъзозлаш сингари эзгу фазилатлар мужассам. Ҳақиқатан, “Хотира ва Қадрлаш куни” чинакам миллий умумхалқ байрамига айланди.

“Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим...

Илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

*Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аجدодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда”*⁴.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг машъум қирғиндир. Олти йил давом этган бу урушда 62 давлат, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи

³Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2025 йил 19 февраль. <https://jizzaxnews.uz/zhamiyat/uzbekiston-respublikasi-prezidentining-arori/>.

⁴ Шавкат МИРЗИЁЕВ. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент. “Ўзбекистон” – 2020. – 428-429-бетлар.

иштирок этган. Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 давлатни бевосита қамраб олган қуролли тўқнашувларга 110 миллион киши сафарбар этилган ва 60 миллиондан ортиқ инсон ҳалок бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги миллий тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. **Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини, албатта, текширишимиз ва аниқлашимиз керак.**

Баъзи рақамларни келтирамиз: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган. 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани ҳам аниқланди.

Илмий изланишлар туфайли орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакиллариининг сони бўйича илгари 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга кўра, 200 мингдан зиёд матонатли ватандошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланган. Илгари 280 нафар деб ҳисобланган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони 301 нафар экани аниқ бўлди, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” ордени билан тақдирлангани ойдинлашди. *“Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштираб оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам. Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди”*⁵, – деган эди Президентимиз.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз – Ватанимизнинг мард ва жасур фарзандларини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг номи Тошкентдаги Хотира майдонида ўрнатилган Хотира китобларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган.

⁵Шавкат МИРЗИЁЕВ. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик, 5-жилд – Тошкент, “O'zbekiston” нашриёти, 2023, – 40-бет.

Ҳозирги пайтда миллий ғурур ва ифтихор туйғусига айланган айрим воқеа ҳодисалар ҳам хотирланади ҳамда катта кадр-қимматга эга саналади. Чунончи, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманлари, кейинчалик Тошкент вилоятининг чегара ҳудудларига бостириб кирган террорчиларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар орасида Ички ишлар органлари ходимлари ҳам бор эди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида содир этилган терактлар (1999 йил 16 февраль) оқибатида бир неча осойишталик посбонлари дунёдан кўз юмди. Қолаверса, ашаддий жиноятчилар билан олишувлар вақтида ҳам бир қанча ходимларимиз мардларча ҳалок бўлди.

Янги Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги эътироф қилинди, миллий қадрият ҳамда шахс манфаатларини умуминсоний талабларга мослаштириш ва уйғунлаштириш асосий вазифа бўлиб қолди. Фуқаролик жамияти тараққий этгани сайин юртимизда умуминсоний қадрият тамойиллари элментлари кўпайиб бораверади ва бу ўзгаришлар ўз ривожига қандай янги чўққиларни эгаллаётганининг белгиси бўлади: эркинлик ва тинчлик ҳамда ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат, маърифат, маънавият, гўзаллик, яхшилик, инсонпарварлик, инсонийлик, демократик ҳуқуқий жамият, қонун устуворлиги, хотин-қизларнинг гендер тенглиги ва бошқалар.

Аждодларни, уларнинг юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида қилган хайрли амалларини ёд этмоқ, фахрийларни ардоқлаш, кўмакка мухтожларга ёрдам кўрсатиш бугун том маънода миллий қадриятимизга айланди. Зеро, инсон — ҳаёт гултожи, унинг қадри, ҳурмати абадий эъзозга лойиқ.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инсон ҳаёт манбаи экани, унинг қадри ва ҳурмати абадий шон-шухратга лойиқ эканлиги таҳлил этилган.

В этой статье объясняется, что человек — это источник жизни, его ценность и уважение заслуживают вечной славы.

This article explains that man is the source of life, his value and respect deserves eternal glory.

Jo‘rabek MUXTOROV,
Malaka oshirish instituti Yuridik fanlar kafedrası professori,
yuridik fanlar nomzodi

KADRLAR TAYYORLASH TUB ISLOHOTLARNING NATIJALARI VA ISTIQBOLLARI XUSUSIDA

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaning 14-moddasida: *“Davlat o‘z faoliyatini inson farovonligini va jamiyatning barqaror rivojlanishini ta‘minlash maqsadida qonuniylik, ijtimoiy adolat va birdamlik prinsiplari asosida amalga oshiradi”*, – deb qayd etilgan¹. Zero, “har bir davlat o‘z istiqbol va taraqqiyot yo‘lini tanlar ekan, xalq farovonligini ta‘minlashga xizmat qiladigan eng muhim maqsad va vazifalarini o‘zining Konstitutsiyasi – Asosiy qonunida mustahkamlab oladi”².

Binobarin, har qanday demokratik davlatning asosiy vazifalaridan biri – o‘z fuqarolarining huquq va erkinliklarini ta‘minlash va qo‘riqlashdan iboratdir. Shu bois, respublikamizning barcha sohalarida o‘tkazilayotgan islohotlar hokimiyat organlari qatorida huquqni muhofaza qilish idoralari, shu jumladan, ichki ishlar organlarining tashkiliy va boshqaruv faoliyati, kadrlar bilan ishlash, kadrlar tanlash va joy-joyiga qo‘yish sohasidagi vazifalarga taa’lluqliligini ko‘ramiz.

Ichki ishlar organlarida islohotlar o‘tkazish zarurati davlatimizning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy hayotidagi o‘zgarishlar, kriminogen sharoitning keskinlashganligi hamda jamiyatning demokratik huquqiy davlat qurish sharoitida mazkur organ faoliyatiga qo‘yayotgan talablarining ortib borayotganligi bilan bog‘liq.

Yuqoridagi vazifalarni samarali amalga oshirish ***birinchidan***, ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan xodimlarning bilimiga, ***ikkinchidan***, kasbiy tayyorgarligiga, ***uchinchidan***, amaliy va hayotiy tajribasiga, ***to‘rtinchidan***, ijrochilik intizomi va topshiriqni bajarishdagi mas’uliyatiga hamda boshqa bir qator omillarga bog‘liqdir. Bu esa, o‘z navbatida, bugungi kunda ichki ishlar

¹ O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. 14-modda. – T., 2023 y. 7-bet.

² Saidov A.X. Yangi o‘zbekiston hamda konstitutsiyaviy islohotlar/ Tashkent State Transport University Volume 3 | TSTU Conference 2 | 2022 The Constitution of the Republic of Uzbekistan is the Glorification of Human Dignity, the Guarantee of Our Free and Prosperous Life. Republican Scientific and Practical Conference.

organlarini kadrlarni kasbiy tayyorlash, ularga xizmat sir-asrorlarini o'rgatish, huquqiy bilim berish va tarbiyalash ishlarini yanada takomillashtirishni, xodimlarni kasbiy jihatdan tayyorlashni jahon tajribasiga tayangan holda zamon talablari darajasida tashkil etish zarurligini ko'rsatadi³.

Ichki ishlar organlari kadrlarini tayyorlash bo'yicha o'tkazilayotgan islohotlarning dastlabki bosqichida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 2-sentabrdagi "IIV Toshkent Oliy maktabini O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasiga aylantirish to'g'risida"gi qarori aytib o'tish maqsadga muvofiq. IIV Akademiyasida o'quv jarayoni O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablari asosida tashkil etildi. Shuningdek, o'quv jarayoni amaliyot bilan hamohang bo'lishi ta'minlandi va olingan bilimlarni amalda sinab ko'rish, ko'nikmalar hosil qilish imkoniyati yaratildi, jumladan, xodimlarni kasbiy tayyorlash, huquqiy savodxonligi va madaniyatini oshirish borasida ko'plab ishlar amalga oshirildi.

Biroq, 1999-yil 16-fevral kuni Toshkent shahrida, Toshkent viloyati Angren shahrida, 2000-yil Surxondaryo viloyati Sariosiyo va Uzun tumanlarida sodir etilgan terrorchilik harakatlari respublikamizda jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash tizimi zamon talablariga to'liq javob bermasligini yaqqol ko'rsatdi.

Bu esa o'z navbatida, O'zbekistonda jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta'minlash, jinoyatchilikka qarshi kurash, xususan uning oldini olish sohasida islohotlarni ichki ishlar organlari tizimidan boshlashni taqozo etdi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2001-yil 27-martdagi "O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar idoralari faoliyatini takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonga asosan ichki ishlar organlarining tizimi tubdan isloh qilinib, bir qator xizmatlarning tashkiliy tuzilishi takomillashtirildi va zamon talablaridan kelib chiqqan holda mazkur organning jamiyat taraqqiyotining hozirgi va yaqin kelajakdagi asosiy vazifalari hamda taraqqiyoti yo'nalishlari belgilab berildi.

³Muxtorov J.S. Islohotlar jarayonida ichki ishlar organlariga professional kadrlar tayyorlashning ahamiyati. O'zbekiston Respublikasida sud-huquq sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar: bugungi holati, muammo va yechimlari: Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (2008 yil 29 noyabr). – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2008. – B. 224-227.

Ushbu farmon ijrosini ta'minlash maqsadida hukumatimiz IIVning tezkor tergov, yo'l harakati, yong'in xavfsizligi, profilaktika, patrul-post xizmatlarini isloh qilish bo'yicha qator qarorlar qabul qildi. Ushbu islohotlarning natijasi o'laroq, ichki ishlar organlarining obro'i va mavqei oshdi, aholi, keng jamoatchilik, ayniqsa, mahallalar bilan hamkorligi kuchaydi. Shuningdek, huquqbuzarliklarning oldini olishda samarali tizim yaratildi. Patrul-post hamda yo'l-patrul xizmatlarining bo'linmalari yuqori jangovar tayyorgarlikka ega bo'lib, zamonaviy texnika va transport vositalari bilan ta'minlandi.

Tizimidagi islohotlarning keyingi bosqichi bevosita O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2004 yil 19 iyundagi "O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlari faoliyatini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi farmoni va uning asosida qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2004-yil 23-sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasida ichki ishlar idoralariga mutaxassislar tayyorlovini takomillashtirish choralari to'g'risida"gi qarori bilan bog'liqdir. Islohotlarning uchinchi bosqichida IIV Akademiyasida "Serjantlar tarkibini tayyorlash bo'yicha oliy kurslar" tashkil etildi va Akademiya kunduzgi ta'limida "Tergov faoliyati", "Tezkor qidiruv faoliyati", "Jinoyatlarning oldini olish faoliyati", "Ekspert-kriminalistik faoliyat" yo'nalishlari bo'yicha diplomli mutaxassislarni tayyorlash yo'lga qo'yildi.

Ushbu farmonda ichki ishlar organlari faoliyatini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlaridan biri **ushbu xizmat xodimlarini kasbiy jihatdan tayorlashni jahon tajribasiga tayangan holda zamon talablari darajasida tashkil etish zarurligi ko'rsatildi.**

Shuning bilan birga, o'sha vaqt "ichki ishlar organlarini boshqarish va ushbu xizmatda faoliyat olib borayotgan xodimlarning mehnatini tashkil qilishning ilmiy asoslarini bilish ichki ishlar organlarining rahbarlari, mutaxassislari va boshqa xodimlari faoliyatini muvaffaqiyatli tashkil etish uchun zarur"⁴ ekanligini ko'rsatdi.

O'zbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentabr "Ichki ishlar organlari to'g'risida"gi O'RQ-407-son Qonunining qabul qilinishi ichki ishlar organlarining o'ta mas'uliyatli, juda serqirra va rang-barang faoliyatini tartibga

⁴ Pulatov Yu.S., Ismailov I.U., Qurbonov A. Ichki ishlar organlarida boshqaruv asoslari. Darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2005. – B. 3.

soluvchi huquqiy maydondagi bo'shliq, noaniqlik va ziddiyatlarni bartaraf etib, shuningdek alohida qonun doirasidagi ichki ishlar organlari faoliyatiga oid asosiy qoidalarni yagona tizimga solishni ta'minlash orqali tizimdagi islohotlarning mazmunan yangi bosqichini boshlab berdi. Jumladan, ushbu qonun bilan ichki ishlar organlari xodimlariga qo'yiladigan asosiy va umumiy talablar o'z ifodasini topdi⁵.

Mazkur qonun va 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida Prezidentimiz tomonidan 2017-yil 10-aprelda "Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlashda ularning mas'uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5005-son farmon qabul qilindi.

Farmonda belgilangan ustuvor vazifalarni hayotga tatbiq etish bo'yicha bugungi kunga kelib 90 dan ziyod normativ-huquqiy, 200 ga yaqin idoraviy hujjatlar qabul qilindi. Ularning qabul qilinishi natijasida ichki ishlar organlarining tashkiliy tuzilmasi, tezkor-xizmat faoliyati va xodimlar oldiga qo'yilgan talablar mutlaqo yangicha tus olib, aholiga yaqindan xizmat ko'rsatish ta'minlandi⁶. Mazkur farmonda keyingi yillarda ichki ishlar organlari faoliyatida to'planib qolgan jiddiy kamchilik va muammolarning asosiylari sifatida **ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimi hozirgi talablarga javob bermasligi** ko'rsatib o'tildi.

Shuni inobatga olgan holda, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 16-avgustda "Ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3216-son hamda 2017-yil 29-noyabrda "Ichki ishlar organlari kadrlari bilan ishlash va ularning xizmatini tashkil etish tartibini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3413-son qarorlari qabul qilindi. **Birinchi qaror bilan** ichki ishlar organlarining sohaviy xizmatlari bo'yicha ofitserlar hamda safdor, serjantlar tarkibini tayyorlash va maxsus

⁵O'zbekiston Respublikasining 2016 yil 16 sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlari to'g'risida"gi 407-son qonuni.

⁶Ichki ishlar organlari faoliyatiga oid rahbariy g'oyalar va normativ-huquqiy hujjatlar to'plami. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, 2019. – 813 b. – B. 3-6.

kasbiy tayyorlash, kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimi yo'lga qo'yilgan bo'lsa, **ikkinchi qaror bilan** ichki ishlar organlarii uchun kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo'yish, ularning zaxirasini shakllantirish masalalari, shuningdek xodimlarning xizmat o'tash tartibi belgilab berildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2018-yil 23-avgustdagi "Ichki ishlar organlari boshqaruv, nazorat va shaxsiy tarkib bilan ishlashning samarali tizimini joriy etish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3919-sonli qarori asosida Ichki ishlar vazirligi Malaka oshirish instituti tashkil etildi. Mazkur qaror bilan O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Malaka oshirish instituti ichki ishlar organlari ofitser xodimlarining malakasini oshirish va qayta tayyorlashga ixtisoslashtirilgan maxsus ta'lim muassasasi deb belgilandi.

Aytish joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 2-apreldagi "Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5050-son qarori bilan **"Ichki ishlar organlarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkil etish konsepsiyasi"** tasdiqlandi. Mazkur qaror bilan, Konsepsiyani amalga oshirish doirasida ichki ishlar organlari xodimlarining ma'naviy va intellektual salohiyatini yuksaltirish ishlari **"Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!"** konseptual g'oyasi asosida hamda xodimlarda mamlakatda tinchlik va osoyishtalikni ta'minlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini muhofaza qilish kabi oliy mas'uliyat tuyg'usini shakllantirish maqsadida har bir hududiy ichki ishlar organlarida **"vatanparvarlik burchagi"** tashkil etilishi, shuningdek, ma'naviy-ma'rifiy ishlar ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibi bilan ishlash sohasining ustuvor yo'nalishi etib belgilandi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-apreldagi "Ichki ishlar organlari uchun professional kadrlarni tayyorlashning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5076-son qaroriga asosan Malaka oshirish institutiga yuridik shaxs maqomi berildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-aprelda "Jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida professional kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5077-son qarori

qabul qilindi. Qarorga muvofiq Milliy gvardiya Harbiy-texnik instituti O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti etib qayta tashkil etildi.

Universitetda Ichki ishlar vazirligi uchun – jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasining tegishincha jamoat tartibini saqlash, yo'l harakati xavfsizligi va pasport tizimi talablarini amalga oshirish yo'nalishlarida malakali kadrlarni maqsadli tayyorlash yo'lga qo'yildi. Shuningdek, jamoat xavfsizligini ta'minlash bo'yicha faoliyatni samarali tashkil etishga qodir bo'lgan malakali mutaxassislarni tegishli ixtisoslik va huquqshunoslik yo'nalishlari bo'yicha chuqurlashtirilgan holda o'qitish hamda ularni jangovar va jismoniy tayyorgarlikdan o'tkazish orqali maqsadli tayyorlash Universitetning asosiy faoliyat yo'nalishlari etib belgilandi.

Shu bilan birga, jahonda kuchayib borayotgan turli xavf-xatar va ziddiyatlar, el-yurt tinchligi va osoyishtaligiga tahdidlar, pandemiya, tabiiy va texnogen ofatlar mas'ul davlat tuzilmalariga o'z faoliyatini "Barcha sa'y-harakatlar inson qadri uchun" degan ustuvor g'oya asosida yanada takomillashtirish vazifasini yukladi. Shundan kelib chiqib, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi "Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6196-son farmoniga muvofiq, shuningdek, mamlakatimizda jamoat xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada rivojlantirish hamda ushbu sohadagi davlat siyosatining istiqbolli yo'nalishlarini belgilash maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrda "O'zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-27-son farmoni qabul qilindi.

Mazkur farmon bilan, 2024-yil 1-sentabrdan e'tiboran Toshkent shahar ichki ishlar organlari, 2025-yil 1-sentabrdan boshlab qolgan hududiy ichki ishlar organlari profilaktika katta inspektori lavozimlariga faqat oliy yuridik ma'lumotga ega bo'lgan xodimlar tayinlanishi tartibi o'rnatildi. Shuningdek, profilaktika inspektorlari uchun Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi sirtqi ta'limiga qabul qilinadigan xodimlar umumiy sonining kamida yigirma besh foizi miqdorida qabul kvotasi ajratilib, 2022/2023 o'quv yilidan boshlab, faoliyatida yuqori natijalarga erishgan Toshkent shahar va Toshkent viloyati ichki ishlar organlaridan ikkitadan, qolgan hududiy ichki ishlar organlaridan

bittadan profilaktika inspektori Departament boshlig'i taqdimnomasiga asosan Ichki ishlar vazirligi Akademiyasining sirtqi ta'limiga imtihonlarsiz qabul qilinishi hamda bepul o'qitilishi belgilandi.

Mazkur sohadagi ishlarni davomiyligi sifatida, ya'ni ichki ishlar organlari uchun mutaxassislar tayyorlashning yangi tizimini joriy etish, ichki ishlar organlarida oliy yuridik ma'lumotga ega kadrlarga bo'lgan ehtiyojni to'laqonli qondirish, shuningdek, Yangi O'zbekiston sharoitida ichki ishlar organlari profilaktika inspektorlari oldida turgan muhim vazifalarning samarali amalga oshirilishini ta'minlash maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 30-noyabrda "Ichki ishlar organlari profilaktika inspektorlarining yuridik yo'nalishdagi bilimlarini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-23-son qarori imzolandi.

Ichki ishlar organlarini aholining ishonchli himoyachisi sifatida xalqchil professional tuzilmaga aylantirish, ularning fuqarolar, jamoat tashkilotlari hamda keng jamoatchilik bilan yaqin hamkorlikda, o'zaro ishonch va hamjihatlik ruhida ishlashini ta'minlash, mahallalar, aholi turar joylari va butun yurtimizda qonun ustuvorligi, tinchlik-osoyishtalikni yanada mustahkamlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 20-yanvarda "Ichki ishlar organlarini xalqchil professional tuzilmaga aylantirish va aholi bilan yanada yaqin hamkorlikda ishlashga yo'naltirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-10-son Qarori qabul qilindi. Mazkur qaror bilan, "Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy madaniyat va xizmat intizomi kodeksi" tasdiqlandi.

Xulosa qilib aytganda ichki ishlar organlari uchun malakali kadrlar tayyorlash sohasida tub islohotlarni o'z vaqtida va samarali amalga oshirish natijasida quyidagilarga erishiladi: ichki ishlar organlari xodimlarining zamonaviy bilim olishlari, malaka va ko'nikmalarini oshirishlari ta'minlanadi; ichki ishlar organlari xodimlarining huquqiy ongi va tafakkuri, fuqarolar bilan muloqot jarayonida kasbiy mahorati, intellektual salohiyati, muomala madaniyati oshadi; jamiyatda tinchlik va osoyishtalikning ta'minlanganlik darajasi oshiriladi, qonun ustuvorligi mustahkamlanadi, fuqarolarning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarini himoya qilish samaradorligi oshadi va hokazolar.

Binobarin, kadrlar sohasida islohotlarni amalga oshirishning pirovard natijasi jamoat xavfsizligini, aholining tinchligi va osoyishtaligini ta'minlashning sifat jihatidan yangi tizimini samarali tatbiq etish, shaxs, jamiyat va davlat xavfsizligini ta'minlashning ishonchli va samarali mexanizmlarini joriy etish hisoblanadi.

REZYUME

Maqolada islohotlar tushunchasining ichki ishlar faoliyatidagi ahamiyati va kadrlar tayyorlashning maqsadi hamda kutilayotgan natijalar, yangi qabul qilingan qonun va qonunosti hujjatlarning mazmun-mohiyati, xodimlariga qo'yilgan zamonaviy talablar keng yoritib berilgan.

В статье широко освещаются понятие реформ, их значение и необходимость в деятельности органов внутренних дел, цели и ожидаемые результаты проводимых реформ в сфере подготовки кадров для этой службы, реформ законов и подзаконных актов, современные требования, предъявляемые в них к сотрудникам органов внутренних дел.

The article covers in detail the concept of reforms, their significance and necessity in the activities of internal affairs agencies, the goals and expected results of the reforms being carried out in the area of training personnel for this service, the content and essence of the newly adopted laws and regulations as a result of the reforms, and the modern requirements they present to employees of internal affairs agencies.



Меҳмонали СУВАНКУЛОВ,
*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиги,
ю.ф.н., доцент*

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ
ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ТАҲЛИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, сабаби жиноятчилик таҳлиллари натижасига кўра, Ўзбекисто Республикасининг келажаги қўлида бўлган вояга етмаганлар жиноятларини умумий жиноятчиликдаги салмоғининг ошиб бориши каби салбий тенденция кузатилмоқда. Хусусан, ИИВ статистик маълумотларга кўра, 2022 йил давомида вояга етмаганлар томонидан 2404 та жиноят содир этилган бўлиб, жами жиноятларнинг 2,3 фоизини ташкил этган, 2023 йилда 2850 та жиноят содир этилган бўлиб, жами жиноятларнинг 2,8 фоизини, 2024 йилда эса 3144 та жиноятлар содир этилган бўлиб, 294 тага ёки 10,3 фоизга ошган¹.

Мазкур жиноятчилик маълумотларини жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги таҳдид сифатида қараб, мамлакатимизнинг келажаги бўлган вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларни танқидий баҳолаган ҳолда, мазкур жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий профилактика ишларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида, авваламбор ушбу жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳамда омилларни ўрганиш, уларни бартараф этиш борасида илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш орқали мақсадга эришиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан, шунингдек Тараққиёт² ва

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2024/02/26/youth-crime/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

Ўзбекистон - 2030 стратегияларида³ белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бугунги кунда барча масъул давлат органлари, ташкилот ва муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Зеро, халқимизда қадимдан маҳаллада истиқомат қилувчи болалар тарбиясига фақат уларнинг ота-онаси ёки ички ишлар органларининг масъул ходимлари эмас, балки барча маҳалла-қуй, қўни-қўшниларнинг боланинг юриш-туриши ва тарбиясига бирдек масъуллиги, уларга бефарқ бўлмай, аксинча тартибга чақириш мақсадида баъзида дакки бериши, доимо маҳалла аҳлининг назоратида туриши бошқа Ғарб давлатларида мавжуд бўлмаган, халқимиз менталитетига хос хусусият эканлиги бежиз эмас! Демак: *«Бир болага етти маҳалла ота-она»*, деган нақл доно халқимизнинг миллий қадрияти сифатида эътироф этилади. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг марказий субъектларидан бири ҳисобланган ички ишлар органларининг, хусусан профилактика хизмати бўлинмаларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар органлари профилактика хизмати бўлинмалари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида маҳаллада вояга етмаганлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш борасида ҳамкорлигининг қуйидаги жиҳатларини кўриб чиқиш тақозо этилади:

Биринчидан, маҳаллада истиқомат қилувчи ота-онанинг вояга етмаган фарзандини ижтимоий, иқтисодий, таълим ва бошқа таъминотларини ўз вақтида таъминлаш мажбуриятларини бажарилиши ички ишлар органлари профилактика инспекторлари билан бир вақтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда назорат қилишга масъул ҳисобланади.

Дарвоқе, баъзи ота-оналар моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандининг овқатланиши, кийим-боши, мактабга бориш учун йўл кираси, соғлиғи ёмонлашганда даволаниши каби кунлик зарурий эҳтиёжларини таъминлаш мажбуриятини бажаришдан бўйин товлайди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.

Вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминотидан бўйин товлаш хусусиятидан келиб чиқиб, ушбу омилларни иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. *Ота-онанинг хулқи-атвориға боғлиқ салбий омиллар*: а) спиртли ичимликка ёки гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга ружъў қўйганлиги; б) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишдан бўйин товлаши; в) оиладаги сурункали жанжалларнинг мавжудлиги;

2. *Ота-онанинг ҳаракатиға боғлиқ бўлмаган ижтимоий-иқтисодий омиллар*: а) ота-онанинг ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли меҳнат фаолияти билан шуғулланмаслиги; б) суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилганлиги; в) иш ўринларининг мавжуд эмаслиги бор гап.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида “*Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгуниға қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишға мажбурдирлар*” – деб белгиланган⁴. Яъни, ота-оналар томонидан моддий жиҳатдан таъминланмаган вояга етмаганлар оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятдан кутилиш ва ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида жиноят йўлиға киришға мажбур бўлади, чунки жамиятнинг ўзи болага бошқа танловни қолдирмайди. Хусусан, жиноятчилик таҳлилларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилнинг ўзида вояга етмаганлар томонидан жами 3144 та жиноят содир этилган бўлса, шундан 1370 та ўғирлик, 144 та фирибгарлик, 113 та талончилик, 76 та транспорт воситасини олиб қочиш, 36 та босқинчилик ва қотиллик каби мулкый ва бошқа турлардаги жиноятлар содир этилган⁵.

Мазкур жиноятчилик таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари профилактика хизмати ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллада вояга етмаган фарзандлари таъминотларини ўз вақтида амалға ошириш мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ота-оналарни аниқлаш ҳамда улар билан тегишли профилактик чора-тадбирларни амалға ошириш, бу ҳамкорликда асосий мақсад эса вояга

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

⁵ <https://www.gazeta.uz/uz/2024/02/26/youth-crime/>.

етмаганлар таъминотини йўлга қўйишга эришиш ҳисобланади. Чунки, маҳалла аҳли ҳар бир оиланинг яшаш тарзидан бохабар бўлади.

Вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаган ота-оналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 47⁴-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик ва Жиноят кодексининг 122-моддаси талабларига кўра жиноий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш орқали вояга етмаганлар таъминотини йўлга қўйиш лозим бўлади. Айтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси томонидан берилган маълумотларга кўра алимент тўлашдан бош тортган қарздорлиги учун 2022 йилда 13.281 нафар, 2023 йилда 14.385 нафар, 2024 йилда эса 15.300 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 2022 йилда 1.295 нафар, 2023 йилда 14.385 нафар, 2024 йилда эса 15.300 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган, шундан алимент тўлов имконияти бўлмаганлиги сабабли 2022 йилда 355 та шахсга 4 млрд. 2023 йилда 666 та шахсга 12 млрд. 2024 йилда 684 та шахсга 24 млрд. *“Алимент тўловлари”* жамғармасидан алимент тўлаб берилган⁶.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида ҳар бир вояга етмаган шахснинг таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни давлат томонидан кафолатланиши, умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ҳамда умумий ўрта таълимнинг давлат назоратида эканлиги белгилаб қўйилган⁷. Мазкур конституциявий нормаларда кўрсатиб ўтилган вояга етмаганларни умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқини таъминланиши давлат органи сифатида нафақат ички ишлар органлари томонидан эмас, балки жамоатчилик назорати субъекти бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаол ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 мартдаги *“Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПКҚ-110-сон Қарори 3-бандининг кичик “б”

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Мажбурий ижро бюроси маълумотлари <https://mib.uz/>.

⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

қисмига кўра, Ички ишлар вазирлигига “ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, профилактика инспекторлари томонидан тарбияси оғир ўқувчиларнинг яшаш жойларида уларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни амалга ошириш”⁸ каби фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги вазифалари белгиланган.

PISA (Programme for International Student Assessment), яъни ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур натижаларига кўра, дарсларга узоқ муддат катнашмаслиги таълим сифатига салбий таъсир қилади. Хусусан, 2021 йилда мамлакатимизда ўтказилган халқаро PIRLS тестида маҳаллий ўқувчилар дунёдаги ўртача кўрсаткич 500 дан паст натижа (437) олган. 2022 йилда Ўзбекистон мактабларида 15 ёшли ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича халқаро дастур – **PISA** тестлари натижасига кўра, ўзбекистонлик ўқувчилар 81 та мамлакат орасида математика бўйича 72-ўринни, табиий фанлар ва ўқиш саводхонлиги йўналишларида энг охиридан битта олдинги ўринни (80-ўрин) эгаллаган. “Е-мактаб” маълумотларига кўра, 2022 йилда мактаблардаги ўртача давомат 83,6 фоизни, 2023 йилда 82,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилга келиб 81,1 фоизга тушган. Айтиб ўтиш жоизки, давоматнинг энг паст кўрсаткичлари юқори синф ўқувчилари орасида (10-11 синфлар) кузатилган бўлиб, 78,4 фоизни ташкил этган. Бу 2023 йилдагига нисбатан 2,0 фоизга юқори.

Ота-оналар орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, бетоб бўлиб қолиши 75,4 фоиз, ота-онасига ишларда ёрдам бериши 8,9 фоиз, ота-онаси ишга чиқиши кераклиги, 6 ёшгача бўлган болаларга қарайдиган бошқа одам йўқлиги 3,1 фоиз, хусусий ўқитувчи/репетитор билан ўқиши 1,7 фоиз, мактабга бориши учун кўшимча харажатларга маблағ етишмаслиги 1,1 фоиз ўқувчиларнинг дарс қолдиришидаги асосий сабаблардир. Сўровда қатнашган ота-оналарнинг 8,5 фоиз фарзанди нима сабабдан дарс қолдирганини билмаслигини айтган⁹.

⁸Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2025 й., 06/23/209/0966-сон.

⁹<https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/davomat>.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлиги ҳамда тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, 2024 йилда ички ишлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида аниқланган ҳолатлар бўйича 176 679 нафар ота-оналар Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг 47-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилган, 11 393 нафар назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилиб, ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилган.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, вояга етмаганларнинг таълим олиш ҳуқуқи ота-оналарнинг лоқайдлиги ва назоратсизлиги туфайли мазкур ҳуқуқлар таъминланмаган тақдирда **“оила – маҳалла – мактаб”** тамойилига асосланган ҳолда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактика хизмати ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла еттилиги аъзолари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Учинчидан, эрта никоҳ ҳолатларини аниқлаш ва бу ҳолатларга қарши самарали кураш орқали вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ички ишлар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликдаги фаолиятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47³-моддасига¹⁰ кўра, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш – никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш каби ҳаракатлар таъқиқланган бўлишига қарамасдан бу сингари салбий ҳолатлар учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди. Эрта никоҳ ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан анча камайган бўлсада, аммо бутунлай йўқолмган. ФХДЁ маълумотларига кўра, мамлакатимизда эрта никоҳ ҳолати 2020 йилда 88 та, 2021 йилда 92 та қайд этилган. 2024 йилда эса 22 та эрта турмуш ҳолатлари аниқланиб, ҳолатлар юзасидан 41 нафар

¹⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

шахс ЎзР МЖТК 47³-моддасига асосан жавобгарликка тортилган. 55 та эрта никоҳ ҳолатларининг эса олди олинган¹¹. Хусусан, ўтказилган ижтимоий сўровлар таҳлилларига кўра, респондентларнинг 70 фоизи эрта никоҳнинг асосий сабабчиси ота-оналар ва оила аъзолари, 26 фоизи севги-муҳаббат муносабатлари эканини таъкидлади. Шунингдек, 3,4 фоиз респондент кутилмаган ҳомила сабабли эрта никоҳ қурган бўлса, 1,5 фоизига диний қарашлар сабаб бўлган. Эрта турмуш қуриш оқибатида аксарият қисмининг таъли олиши қолиб кетганлиги, 40,2 фоиз ўсмир қизларнинг соғлиғи, 25,2 фоизи иқтисодий қийинчиликларга дуч келган¹².

Эрта никоҳнинг олдини олиш ва бу борада самарали профилактик ишларни амалга ошириш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ва эркинликларини таъминлаш борасида маҳалла еттилиги вакиллари хусусан ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда хотин-қизлар бўйича активи ҳамкорликда фаолият юритиши ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланди.

Тўртинчидан, фарзандларни ғайри ижтимоий хулқ-атворга, хусусан ароқ ичиш, чекиш, наркотик истеъмолга жалб этиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш, тиланчилик, қимор ўйнаш каби ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Ота-оналарнинг ғайри ижтимоий турмуш ва жиноий ҳаёт тарзи, шунингдек улар томонидан болаларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши, оиладаги шафқатсизлик, зўравонлик, мунтазам жанжал ва нотинчлик, ноинсоний ижтимоий-маънавий ва руҳий муҳитни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, салбий омиллар таъсирида болаларнинг ижтимоий етуқлиги, жисмоний, руҳий, шахсий хусусиятлари ва камчиликлари, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятининг, ўз-ўзини юзага чиқаришининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли улар ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал эта олмайдилар. Натижада оиладаги муаммолар ва салбий маънавий-руҳий муҳитдан қутилиш мақсадида болалар уйдан чиқиб кетадилар, ота-онасига керак бўлмаганлиги сабабли тарбияси қийинлашиб боради, қаровсизлик натижасида дайдичилик,

¹¹ <https://www.kun.uz/kr/news/2024/05/14/ozbekistonda-bir-yilda-22-ta-erta-turmush-holatlari-aniqlandi>.

¹² <https://cyberleninka.ru/article/n/erta-niko-va-uning-o-ibatida-yuzaga-kelayotgan-muammolar>.

ғайри ижтимоий турмуш тарзини ўзларига одат қилиб оладилар. Улар ҳар доим тўғри йўлни танламайдилар, бу уларнинг одатий турмуш тарзининг бузилишига олиб келади ва улар тарбиясининг қийинлашиши ҳамда ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг намоён этишларига имкон туғдиради?!

Маҳалла еттилиги билан **“Оила – маҳалла – мактаб”** тамойили асосида ҳамкорлик ҳамда ҳамжихатликда фаолият юритиши, вояга етмаганлар моддий таъминоти ва билим олиш ҳуқуқларини таъминлаш билан бир вақтда, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш – маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш учун асос-негиз бўлиб қолади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган. Хусусан, маҳалла еттилигининг ҳамкорлик жиҳатлари тадқиқ этилган.

В статье теоретически и практически исследовано взаимодействие органов внутренних дел с органами самоуправления граждан по обеспечению прав несовершеннолетних и предупреждению совершения ими правонарушений, а также махаллинской семерки, по реализации субъектами взаимодействия права на материальное обеспечение и права на образование несовершеннолетних.

The article theoretically and practically studies the cooperation of internal affairs bodies with self-government bodies of citizens in ensuring the rights of minors and preventing them from committing offenses, and also studies the aspects of cooperation between the crime prevention service of internal affairs bodies and self-government bodies of citizens, in particular, neighborhood councils, in the implementation of the right to material support and the right to education of minors by the subjects of cooperation.

Erkinjon MARUPOV,
***Malaka oshirish instituti Axborot kommunikatsiya texnologiyalari sikl
boshlig'i, polkovnik***

**XODIMLARNING MASOFALI TA'LIMI VA MALAKASINI
OSHIRISHDA AXBOROT-TELEKOMMUNIKATSIYA
TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI**

Zamonaviy jamiyatning tez sur'atlarda raqamlashtirilish sharoitida ta'lim jarayonlarini takomillashtirish alohida dolzarblik kasb etmoqda. Bu ayniqsa, ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimi uchun muhim, chunki ular uchun axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarini (AKT) joriy etish kasbiy rivojlanishning ajralmas qismiga aylanmoqda. Jinoyatlarning tobora murakkablashuvi va o'zgaruvchan tabiati, jinoiy uyushmalar tomonidan raqamli texnologiyalarning yangi shakllaridan foydalanilishi, shuningdek, tezkor choralar ko'rish zarurati huquqni muhofaza qilish organlaridan doimiy ravishda bilim va ko'nikmalarini yangilab borishni talab qilmoqda. Buni esa an'anaviy o'qitish usullari orqali ta'minlash imkonsiz.

Ushbu tadqiqotning maqsadi AKTning masofaviy ta'lim jarayonlariga qo'shgan hissasini tahlil qilish, raqamli platformalardan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklarini aniqlash, shuningdek, ichki ishlar organlarining ta'lim amaliyotiga texnologiyalarni yanada chuqurroq joriy etish istiqbollarini baholashdan iborat.

Ushbu tadqiqotning maqsadi AKTning masofaviy ta'lim jarayonlariga qo'shgan hissasini tahlil qilish, raqamli platformalardan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklarini aniqlash, hamda ichki ishlar organlarining ta'lim amaliyotiga texnologiyalarni yanada chuqurroq joriy etish istiqbollarini baholashdan iborat. Muhokamada narsalar interneti, katta hajmli ma'lumotlar, sun'iy intellekt va ixtisoslashtirilgan masofaviy ta'lim tizimlari kabi zamonaviy texnologiyalar ko'rib chiqiladi. Shuningdek, ta'lim jarayonida innovatsion tizimlarni muvaffaqiyatli qo'llash misollari ham tahlil qilinadi.

Ichki ishlar organlari xodimlarining malakasini oshirish tizimida AKTning holati

Huquqni muhofaza qilish faoliyatining zamonaviylashuvi va ichki ishlar xodimlari oldidagi vazifalarning murakkablashuvi tufayli, AKTdan foydalanish ish samaradorligini oshirishning zaruriy vositasiga aylanmoqda. Tadqiqotda ta'kidlanganidek, jinoyatlarning oldini olish, ularni aniqlash va tergov qilishning samaradorligi tergov ahamiyatiga molik ma'lumotlar bilan ishlash imkoniyatlariga bevosita bog'liq¹. Xuddi shunday, xodimlarning kasbiy tayyorgarligi axborot muhitidagi o'zgarishlarga tezkor moslashishni ta'minlaydigan eng zamonaviy raqamli vositalarga asoslanishi lozim.

So'nggi o'n yilliklarda axborot texnologiyalarining rivojlanishi ta'lim jarayoniga quyidagi yo'nalishlarning faol joriy etilishiga olib keldi:

- O'qituvchilar va tinglovchilarning geografik joylashuvidan qat'i nazar, ta'lim resurslaridan foydalanish imkoniyatini ta'minlovchi masofaviy ta'lim uchun onlayn platformalar.

- O'quv jarayonini tashkil etish, o'zlashtirish monitoringini olib borish va tinglovchilarni individual ravishda qo'llab-quvvatlash imkonini beruvchi ta'limni boshqarish tizimlari (LMS).

- Nafaqat tergov faoliyatida, balki amaliy ko'nikmalarni namoyish etish uchun ta'lim jarayonida qo'llaniladigan "Mobil kriminalist", "Papilon tizimi" va boshqa maxsus tizimlar kabi mobil ilovalar va dasturlardan foydalanish.

Shunday qilib, ichki ishlar organlarida malaka oshirish jarayonlari tobora ko'p qirrali, intellektual va murakkab tus olmoqda. Bu esa an'anaviy ta'lim usullarini ham, zamonaviy raqamli texnologiyalarni ham qo'llashni taqozo etadi.

Masofali ta'limning texnologik vositalari va o'quv jarayonini boshqarish tizimlari

Zamonaviy axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari egiluvchan, interaktiv va moslashuvchan ta'lim jarayonlarini amalga oshirish imkoniyatini

¹ Первицкая И. С. Правовые основы использования современных цифровых технологий в расследовании преступлений в Российской Федерации: сборник трудов конференции. // Научное и образовательное пространство в условиях вызовов современности : материалы Междунар. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 26 февр. 2021 г.) / редкол.: О. Н. Широков [и др.] – Чебоксары: Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс», 2021. – С. 180-184. – ISBN 978-5-6045909-6-6. – DOI 10.21661/r-553553.

beradi. O'qitishni boshqarish tizimlari (LMS)² raqamli ta'lim muhitining asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi. Ular quyidagilarni ta'minlaydi:

- Interaktiv kurslar, testlar va topshiriqlar orqali o'z-o'zini o'qitishni tashkil etish va bilimlarni nazorat qilish.
- Har bir xodimning individual faoliyatini kuzatib borish, bu esa real vaqt rejimida ta'lim strategiyalarini tuzatish imkonini beradi.
- Elektron platformalar orqali teskari aloqani ta'minlash, o'quv jarayonini qo'llab-quvvatlash uchun elektron pochta, forumlar va chatlardan foydalanish.

Mezon	An'anaviy o'qitish tizimlari	AKTga ega zamonaviy LMS
O'rganishning moslashuvchanligi	Cheklangan, qat'iy jadval	Moslashuvchanlik, istalgan joydan kirish
Interaktivlik	Minimal	Yuqori, video, chat, forumlar ishlatilmoqda
O'zlashtirish monitoringi	Statistikalarni qo'lda olish	Natijalarni avtomatik kuzatish
Qayta aloqa	Mavjud emas, davriy baholash	Uzluksiz, oniy qayta aloqa
Moslashish imkoniyatlari	Murakkab masshtablashtirish	Shaxsiy sozlashning yuqori imkoniyati

Ushbu jadval zamonaviy LMSlarning ta'limni tashkil etishning an'anaviy shakllariga nisbatan afzalliklarini ko'rsatib beradi. Bu, ayniqsa, jadal rivojlanayotgan ichki ishlar bo'linmalari uchun muhim ahamiyatga ega³.

² Анисимов Н. Ю., Васильев, В. Н., Волков, А. Е., Галажинский, Э. В., Кокшаров, В. А., Кропачев, Н. М., Кузьминов, Я. И., Мау, В. А., Реморенко, И. М., Рудской, А. И., Синельников-Мурылев, С. Г., Федоров, А. А., Черникова, А. А. (2020). Уроки «стресс-теста»: вузы в условиях пандемии и после нее. Аналитический доклад. Министерство науки и высшего образования Российской Федерации.

³ Первицкая И. С. Правовые основы использования современных цифровых технологий в расследовании преступлений в Российской Федерации: сборник трудов конференции. // Научное и образовательное пространство в условиях вызовов современности : материалы Междунар. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 26 февр. 2021 г.) / редкол.: О. Н. Широков [и др.] – Чебоксары: Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс», 2021. – С. 180-184. – ISBN 978-5-6045909-6-6. – DOI 10.21661/r-553553.

Zamonaviy smartfon va planshetlar negizida masofaviy ta'limni tashkil etish uchun maxsus dasturiy ilovalar ishlab chiqilgan.

Jumladan, "Mobil kriminalist" singari platformalar raqamli dalillar bilan ishlash bo'yicha amaliy ko'nikmalarni namoyish etish va simulyatsion mashg'ulotlar o'tkazish imkonini beradi. Bunday yechimlar yuqori darajadagi harakatchanlik va qulaylik, dala sharoitida foydalanish imkoniyati hamda amaliy ko'nikmalarni samaraliroq o'zlashtirishga ko'maklashadigan interaktiv unsurlar bilan ajralib turadi⁴.

Onlayn kurslarni tashkil etish va vebinarlar o'tkazish ichki ishlar xodimlarining bilimlarini tezkor yangilash imkonini beradi. Bunday tadbirlar yangi texnologiyalar va ish uslublari haqidagi dolzarb ma'lumotlarni tez tarqatishga, ta'lim jarayoni ishtirokchilari o'rtasida tajriba almashish uchun platformalar yaratishga, shuningdek, karantin choralari bilan bog'liq cheklovlar sharoitida ham uzluksiz ta'limni ta'minlashga xizmat qiladi⁵.

Innovatsion yechimlar va onlayn platformalarning amaliy misollari

Axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari raqamli dalillarni tezkor to'plash va tahlil qilish, mashinali o'qitish va sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalangan holda katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash, shuningdek, zamonaviy tahliliy vositalardan foydalanish orqali jinoyatlarni tergov qilish samaradorligini oshirish imkonini beradi.

Malaka oshirish tizimida masofaviy ta'lim platformalarini joriy etish misollari AKT xodimlarning tayyorgarlik darajasini oshirishga qanday yordam berishini ko'rsatadi. Shuningdek, ular turli ta'lim muassasalari xodimlari o'rtasida tajriba almashishni rag'batlantirishga yordam beradi.

⁴ Merç, Ali. "Using technology in the classroom: A study with Turkish pre-service EFL teachers." Turkish Online Journal of Educational Technology-TOJET 14.2 (2015): 229-240.

⁵ Анисимов, Н. Ю., Васильев, В. Н., Волков, А. Е., Галажинский, Э. В., Кокшаров, В. А., Кропачев, Н. М., Кузьминов, Я. И., Мау, В. А., Реморенко, И. М., Рудской, А. И., Синельников-Мурылев, С. Г., Федоров, А. А., Черникова, А. А. (2020). Уроки «стресс-теста»: вузы в условиях пандемии и после нее. Аналитический доклад. Министерство науки и высшего образования Российской Федерации.

Axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish muammolari va qiyinchiliklari

Afzalliklarga qaramay, ichki ishlar tizimidagi malaka oshirish jarayoniga AKTni joriy etish bir qator murakkabliklarni keltirib chiqarmoqda.

Raqamli texnologiyalarni tatbiq etish ayrim hududlarda doim ham mavjud bo'lmagan zamonaviy texnik infratuzilmani, uskunalarni xarid qilish va yangilashga katta mablag' sarflashni, shuningdek, turli tizimlarning o'zaro mosligi va dasturiy ta'minotni qo'llab-quvvatlash muammolarini hal etishni talab etadi⁶.

Tarmoq texnologiyalari va onlayn platformalarning keng qo'llanilishi sharoitida ta'lim oluvchilarning shaxsiy ma'lumotlari va maxfiy ma'lumotlarning himoyasini ta'minlash, kiberhujumlar va ma'lumotlarning chiqib ketishiga qarshi kurashish, shuningdek, tashkilot miqyosida ta'lim resurslaridan foydalanishni nazorat qilish zarurati yuzaga kelmoqda.

Tashkiliy va pedagogik muammolar raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi va yangi o'qitish usullarining paydo bo'lishi, eng so'nggi ilmiy-texnik ishlanmalarni hisobga olgan holda tayyorlangan aniq amaliy misollarni kiritish zarurati bilan bog'liq⁷.

Rivojlanish istiqbollari va o'qitish tizimini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar.

Kelajakda huquqni muhofaza qilish organlarining ta'lim jarayonlariga AKTni joriy etish ularning faoliyati samaradorligini oshirishning asosiy omili bo'lishi mumkin. Quyidagilar rivojlanishning asosiy yo'nalishlari hisoblanadi:

- Masofaviy ta'limning eng yangi texnologiyalari va moslashuvchan yondashuvlarni hisobga olgan holda innovatsion ta'lim dasturlarini ishlab chiqish va joriy etish, simulyatsion modullar, murakkab trenajyorlar va virtual laboratoriyalarni integratsiyalash, shuningdek, kurslar mazmunini doimiy ravishda yangilab borish.

⁶ Liliya Y. Fomina, Associate Professor of Judicial and Law-Enforcement Activity Arrangement Department, The Russian State University of Justice (69 Novocheremushinskaya St., Moscow 117418, Russia), Ph.D. (Law), Associate Professor, ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-4273-2280>, Scopus ID:57191502688, fominalilja@mail.ru

⁷ Серебренникова А.В. Цифровая криминалистика и ее значение для расследования преступлений / А.В.Серебренникова // INTERNATIONAL LAW JOURNAL. – 2019. – №4(2). – С. 126–133.

• Ta'lim tizimlarining axborot xavfsizligi darajasini oshirish, bunda me'yoriy-huquqiy bazani ishlab chiqish, ma'lumotlarni himoya qilishning zamonaviy tizimlarini joriy etish va xodimlarni kiberxavfsizlik va raqamli savodxonlik asoslariga o'qitishga alohida e'tibor qaratish.

• Turli tuzilmalar o'rtasidagi hamkorlik va universitetlar, ilmiy tashkilotlar va huquqni muhofaza qilish organlari o'rtasida hamkorlikni yo'lga qo'yish orqali tajriba almashish.

Ichki ishlar organlarida masofaviy o'qitish tizimini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar quyidagilarni o'z ichiga oladi:

Yaxshilanish yo'nalishi	Aniq chora-tadbirlar	Kutilayotgan effekt
Innovatsion ta'lim dasturlari	Moslashuvchan kurslarni ishlab chiqish, simulyatorlarni joriy etish	O'qitishning amaliy samaradorligini oshirish
Axborot xavfsizligi	Ma'lumotlarni himoya qilishning zamonaviy tizimlarini joriy etish, kybersavodxonlikka o'rgatish	Sizib chiqish va kiberhujumlar xavfini kamaytirish
Hamkorlik va tajriba almashish	OTMLar o'rtasida hamkorlikni yo'lga qo'yish, konferensiyalar, seminarlar	Metodikalarni boyitish va o'qitish sifatini oshirish
Pedagogik jamoani rag'batlantirish	Bonuslar tizimini joriy etish, tanlov, startda qo'llab-quvvatlash	Bonuslar tizimini joriy etish, tanlov, startda qo'llab-quvvatlash

Yangi ta'lim texnologiyalarini muvaffaqiyatli joriy etish uchun pedagoglarni rag'batlantirish tizimini ishlab chiqish va masofaviy ta'lim platformalaridan foydalanish samaradorligini baholash va baholash mexanizmlarini yaratish zarur.

Xulosa qilib aytganda, tadqiqot natijalarini umumlashtirgan holda shuni ta'kidlash mumkinki, ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish bo'yicha ta'lim jarayonini modernizatsiyalashda axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari asosiy rol o'ynaydi. Zamonaviy LMS, onlayn kurslar, mobil ilovalar va moslashuvchan

ta'lim yo'nalishlari ta'limda moslashuvchanlik, tezkorlik va individual yondashuvni ta'minlash imkonini beradi. Maxsus simulyatsiya markazlarini ishlab chiqish va amaliy trenajyorlarni birlashtirish materialni yanada samarali o'zlashtirishga va zarur kasbiy ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi.

Tadqiqotning asosiy xulosalari quyidagilardan iborat:

- Raqamlashtirish samaradorlik garovi sifatida: Ichki ishlar xodimlari ta'limida AKTdan foydalanish bilimlarni tezkor yangilashga yordam beradi va mutaxassislarni zamonaviy muammolarni hal qilishga yaxshiroq tayyorlaydi.

- O'qitishni boshqarishning interaktiv tizimlari: Zamonaviy LMS va onlayn platformalardan foydalanish o'zlashtirishni uzluksiz nazorat qilish va ta'lim jarayonini o'quvchilarning individual ehtiyojlariga moslashtirish imkonini beradi.

- Amaliy ko'nikmalarning ahamiyati: Raqamli laboratoriyalar, simulyatsion markazlar va maxsus ilovalarni (masalan, "Mobil kriminalist") joriy etish xodimlarning amaliy tayyorgarligini oshiradi, bu ayniqsa zamonaviy jinoiy muhitda ishlash uchun muhimdir.

- Xavfsizlik va infratuzilma muammolari: Raqamli ta'lim yechimlarini joriy etish texnik infratuzilma va ma'lumotlarni himoya qilish tizimiga jiddiy sarmoya kiritishni talab qiladi, bu esa hozirgi sharoitda dolzarb muammo hisoblanadi.

- Hamkorlik va rag'batlantirish zarurati: AKTni samarali qo'llash faqat ta'lim muassasalari, ilmiy tashkilotlar va huquq-tartibot idoralari o'rtasidagi faol hamkorlik sharoitida, shuningdek, o'qituvchilar va talabalarni rag'batlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish mumkin.

Ushbu xulosalar axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirish va ularni ichki ishlar organlarining masofaviy ta'lim tizimiga joriy etish strategik muhim vazifa ekanligini tasdiqlaydi. Ko'rsatilgan muammolarni muvaffaqiyatli hal etish huquqni muhofaza qilish tizimi faoliyati samaradorligini sezilarli darajada oshirish, kasbiy bilimlarni o'z vaqtida yangilashni ta'minlash va xodimlarning o'z vazifalarini bajarishga tayyorligini yuqori darajada saqlab qolish imkonini beradi.

REZYUME

Maqola ichki ishlar organlari xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishda axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari, shu jumladan masofaviy ta'lim texnologiyalarining o'rni tahliliga bag'ishlangan. Huquqni muhofaza qilish sohasida raqamli texnologiyalarning qo'llanilishi o'rganilgan, ta'lim jarayonlariga aloqador bo'lgan predmetlilik, savodxonlik va mantiqiy aloqalar kabi bir qator mezonlar bo'yicha matnli javoblarni tahlil qila oladigan ta'limda bilimlarni nazorat qilish va baholashning avtomatlashtirilgan tizimlari ko'rib chiqilgan. Kasbiy rivojlanish uchun zamonaviy texnik innovatsiyalar va raqamli savodxonlikdan foydalanish muhimligi ta'kidlangan.

Статья посвящена анализу роли информационно-телекоммуникационных технологий в подготовке, переподготовке и повышении квалификации сотрудников органов внутренних дел, включая технологии дистанционного обучения. Изучено применение цифровых технологий в правоохранительной сфере, рассматриваются автоматизированные системы контроля и оценки знаний в образовании, способные анализировать текстовые ответы по ряду критериев, включая предметность, грамотность и логические связи, что имеет отношение к образовательным процессам. Подчеркивается важность использования современных технических инноваций и цифровой грамотности для профессионального развития.

The article analyzes the role of information and telecommunication technologies in the training, retraining and advanced training of employees of internal affairs bodies, including distance learning technologies. The use of digital technologies in the law enforcement sphere is studied, automated systems for monitoring and assessing knowledge in education are considered, capable of analyzing text responses according to a number of criteria, including subject matter, literacy and logical connections, which is related to educational processes. The importance of using modern technical innovations and digital literacy for professional development is emphasized.

Norqobil SHOIMOV,

Maxsus fanlar sikli katta o'qituvchisi, yuridik fanlar nomzodi, dotsent

MAHKUMLAR HUQUQLARI VA QONUNIY MANFAATLARINING TA'MINLANISHI MASALALARIGA DOIR

Endilikda inson, uning hayoti, ozodligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa ajralmas huquq hamda erkinliklari muqaddas sanalib, ular davlat tomonidan kafolatlanadi.

Shavkat MIRZIYOYEV

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 28-moddasiga muvofiq, ozodlikdan mahrum etilgan shaxslar o'ziga nisbatan insoniy muomalada bo'linishi hamda inson shaxsiga xos bo'lgan sha'ni va qadr-qimmati hurmat qilinishi huquqiga ega¹.

Binobarin, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-ijroiya kodeksining 9-moddasi mahkumlarning asosiy huquqlariga bag'ishlangan bo'lib, unga asosan mahkumlar, jazoni o'tash tartibi va shartlari to'g'risida, o'z huquqlari va majburiyatlari haqida axborot olish; jazoni ijro etuvchi muassasa yoki organ ma'muriyatiga, boshqa davlat organlari va jamoat birlashmalariga o'z ona tilida yoki boshqa tilda taklif, ariza va shikoyatlar bilan murojaat etish; o'z taklif, ariza va shikoyatlariga murojaat etilgan tilda javob olish, tushuntirish berish hamda yozishmalar olib borish, zarur hollarda tarjimonning xizmatidan foydalanish; o'quv, badiiy va boshqa xil axborot materiallaridan foydalanish; sog'lig'ini saqlash, shu jumladan tibbiy xulosaga ko'ra ambulatoriya-poliklinika va statsionar sharoitda tibbiy yordam olish; ob-havo sharoiti yo'l qo'ysa, ishdan bo'sh vaqtida toza havoda jismoniy mashqlar bilan shug'ullanish; jazoni ijro etish muassasasining psixologik xizmat ko'rsatish xodimlari tomonidan ko'rsatiladigan psixologik yordamni olish; mehnat to'g'risidagi qonun hujjatlariga muvofiq xavfsiz mehnat sharoitiga ega bo'lish, dam olish, ta'tilga chiqish, shuningdek mehnatiga haq to'lanishi; ijtimoiy ta'minot, shu jumladan

¹ O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent, “Adolat” milliy-huquqiy axborot markazi, 2023-y.

qonun hujjatlariga muvofiq pensiya olish; mahkum ajnabiy fuqarolar o'z davlatlarining diplomatiya vakolatxonalari va konsullik muassasalari bilan, O'zbekiston Respublikasida diplomatiya va konsullik muassasalari bo'lmagan mamlakatlarning fuqarolari esa, ularning manfaatlarini himoya qilishni o'z zimmasiga olgan davlatning diplomatiya vakolatxonalari bilan aloqa qilib turish; ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlar sodir etganligi uchun ozodlikdan mahrum etish joylarida saqlanayotgan mahkumlar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi deputatlari, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlari deputatlari saylovlarida hamda referendumda ishtirok etish kabi huquqlarga ega.

E'tirof etishimiz lozimki, Respublikamizda Prezidentimiz rahnamoligi va tashabbusi bilan qonun ustuvorligini ta'minlash, qonuniylikni mustahkamlash, ularni zamonaviy bosqichlarga ko'tarish va jazoni ijro etish tizimini takomillashtirish faoliyatining ochiqqligi va shaffofligini ta'minlash, mahkumlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarining himoyasini ta'minlashga qaratilgan keng qamrovli islohotlar bosqichma–bosqich amalga oshirilmoqda.

Xususan, 2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish; mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish; milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash; adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish; ma'naviy taraqqiyotni ta'minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish; milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muammolarga yondashish hamda mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish kabi yettita ustuvor yo'nalishlar belgilab berilgan².

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli Farmoni //Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022 y., 06/22/60/0082-son, 18.03.2022 y., 06/22/89/0227-son, 21.04.2022 y., 06/22/113/0330-son; 10.02.2023 y., 06/23/21/0085-son; 03.01.2024 y., 06/24/221/0003-son.

Bu yo‘nalishda tegishli qonunchilik va me‘yoriy-huquqiy baza shakllantirilib, doimiy ravishda takomillashtirib kelinmoqda. Ayniqsa, jinoyat-ijroiya qonunchiligi bo‘yicha jinoiy jazolar va ularni ijro etish tartibini insonparvarlashtirish, mahkumlarning huquqlariga so‘zsiz rioya etish, ularning sha‘ni va qadr-qimmatini hurmat qilish, ushbu sohada korrupsiya, manfaatlar to‘qnashuvi va mansab vakolatini suiiste‘mol qilish holatlariga barham berish, jazoni ijro etish muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash bo‘yicha kompleks tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Shu nuqtayi nazardan qaraydigan bo‘lsak, O‘zbekistonda mahkumlarning huquq, erkinlik va boshqa qonuniy manfaatlarining ta‘minlanishiga xizmat qiladigan bir qator qonun va qonun osti normativ-huquqiy hujjatlari, jumladan, O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 30-iyundagi *“O‘zbekiston Respublikasining jinoyat-ijroiya kodeksiga mahkumlarning huquqlari va qonuniy manfaatlari ishonchli himoya qilinishini ta‘minlashga qaratilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-625-sonli*³ va 2023-yil 23-martdagi *“O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat hamda Jinoyat-ijroiya kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-825-sonli*⁴, 2024-yil 28-avgustdagi *“O‘zbekiston Respublikasining jinoyat-ijroiya kodeksiga mahkumlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini ta‘minlashga qaratilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-948-sonli qonunlari*⁵, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi *“Jamoat xavfsizligini ta‘minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6196-sonli Farmoni*⁶, 2017-yil 11-avgustdagi *“Ichki ishlar*

³ O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 30-iyundagi *“O‘zbekiston Respublikasining jinoyat-ijroiya kodeksiga mahkumlarning huquqlari va qonuniy manfaatlari ishonchli himoya qilinishini ta‘minlashga qaratilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-625-sonli qonuni // Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 01.07.2020-y., 03/20/625/1007-son.*

⁴ O‘zbekiston Respublikasining 2023-yil 23-martdagi *“O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat hamda Jinoyat-ijroiya kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-825-sonli qonuni // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 23.03.2023-y., 03/23/825/0164-son.*

⁵ O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 28-avgustdagi *“O‘zbekiston Respublikasining jinoyat-ijroiya kodeksiga mahkumlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini ta‘minlashga qaratilgan o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-948-sonli qonuni // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.08.2024-y., 03/24/948/0667-son.*

⁶ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi *“Jamoat xavfsizligini ta‘minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6196-sonli Farmoni // Qonun hujjatlari*

organlarining ozodlikdan mahrum etish bilan bog'liq bo'lgan jazolarni ijro etish sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3200-sonli⁷, 2018-yil 7-noyabrdagi «Jinoyat-ijroiya qonunchiligini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-4006-sonli⁸, 2019-yil 2-avgustdagi "Qoraqalpog'iston Respublikasi ichki ishlar vazirligining 19-son ixtisoslashtirilgan jazoni ijro etish koloniyasini tugatish to'g'risida"gi PQ-4414-sonli⁹, 2021-yil 2-apreldagi "Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5050-sonli Qarorlari¹⁰ hamda Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 5-martdagi "Ozodlikdan mahrum qilish bilan bog'liq jazolarni ijro etish muassasalarining faoliyati samaradorligini ta'minlash bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi 128-sonli¹¹ va 2021-yil 16-martdagi "O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish

ma'lumotlari milliy bazasi, 26.03.2021-y., 06/21/6196/0240-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 16.01.2024-y., 06/24/10/0031-son.

⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 11-avgustdagi "Ichki ishlar organlarining ozodlikdan mahrum etish bilan bog'liq bo'lgan jazolarni ijro etish sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3200-sonli Qarori // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 33-son, 838-modda; Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 02.04.2021-y., 07/21/5050/0280-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 30.04.2021-y., 06/21/6218/0398-son.

⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 7-noyabrdagi "Jinoyat-ijroiya qonunchiligini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4006-sonli Qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 08.11.2018-y., 07/18/4006/2166-son, 13.12.2018-y., 06/18/5597/2300-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.12.2021-y., 06/21/27/1116-son, 15.04.2022-y., 07/22/207/0310-son.

⁹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 2-avgustdagi "Qoraqalpog'iston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining 19-son ixtisoslashtirilgan jazoni ijro etish koloniyasini tugatish to'g'risida"gi PQ-4414-sonli Qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 03.08.2019-y., 07/19/4414/3510-son.

¹⁰ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 2-apreldagi "Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5050-sonli Qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 02.04.2021-y., 07/21/5050/0280-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 24.05.2023-y., 06/23/75/0292-son; 20.11.2023-y., 06/23/197/0865-son.

¹¹ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 5 martdagi "Ozodlikdan mahrum qilish bilan bog'liq jazolarni ijro etish muassasalarining faoliyati samaradorligini ta'minlash bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi 128-sonli qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 06.03.2020-y., 09/20/128/0261-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 05.04.2022-y., 09/22/153/0266-son; 15.08.2022 y., 09/22/445/0739-son; 24.04.2024 y., 09/24/232/0297-son.

muassasalari, tergov hibsxonalari, vaqtincha saqlash hibsxonalari va maxsus qabulxonalarida saqlanayotgan shaxslarni ta'minlash me'yorlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 143-sonli Qarorlari¹² kabi qonunchilik hujjatlari qabul qilindi.

Bularning barchasini mazmun-mohiyatida mahkumlar va qamoqqa olingan shaxslarning huquqlariga so'zsiz rioya etilishi nazarda tutilgan bo'lib, ularning sha'ni va qadr-qimmatining hurmat qilinishini ta'minlash, xodimlarning xizmat vazifalarini lozim darajada bajarilishi ustidan nazoratni korrupsiya, manfaatlar to'qnashuvi va mansab vakolatini suiiste'mol qilish holatlarini istisno etadigan tarzda kuchaytirish, mamlakatda sud-huquq sohasida keng ko'lamli institutsional islohotlarni o'tkazish, inson huquqlari sohasidagi xalqaro majburiyatlarni amalga oshirishga, siyosiy va diniy qarashlaridan qat'i nazar mahkumlar va qamoqqa olingan shaxslar uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish, ularning huquq va erkinliklariga rioya etish, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar qabul qilish, jinoyat-ijroiya qonunchiligini, shu jumladan ozodlikdan mahrum etish joylarida mahkumlarni saqlash shart-sharoitlarini yanada gumanizatsiya qilishni nazarda tutuvchi qonunchilikni takomillashtirish, O'zbekiston Respublikasining Saylov kodeksi bilan ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlarni sodir etganligi uchun ozodlikdan mahrum etish joylarida saqlanayotgan shaxslarning saylovlarda ishtirok etishi bo'yicha cheklovni bekor qilish, qilmishiga chin ko'ngildan pushaymon bo'lgan va qat'iy tuzalish yo'liga o'tgan ozodlikdan mahrum etishga hukm qilingan shaxslarni afv etish ishlari amalga oshirib kelinmoqda.

Shuningdek, Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev 2020-yilning 29-dekabr kunidagi Oliy Majlisga va xalqimizga yo'llagan Murojaatnomasida "Inson huquq va erkinliklarini kafolatli himoya qilish, qonun ustuvorligini ta'minlashga qaratilgan islohotlar yangi yilda ham izchil davom ettiriladi. Jumladan, xalqaro standartlardan kelib chiqib, 25 ta manzil-koloniya bosqichma-bosqich qisqartiriladi. Bundan buyon birinchi marta ozodlikdan mahrum etilgan shaxsga

¹² O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 16-martdagi "O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish muassasalari, tergov hibsxonalari, vaqtincha saqlash hibsxonalari va maxsus qabulxonalarida saqlanayotgan shaxslarni ta'minlash me'yorlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 143-sonli Qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 17.03.2021 y., 09/21/143/0213-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 15.08.2022 y., 09/22/445/0739-son; 29.12.2023 y., 09/23/705/1000-son.

berilgan jazo yengilrog'i bilan almashtirilsa, u manzil-koloniya o'tkazilmasdan, to'g'ridan-to'g'ri probasiya nazoratiga olinadi. Mazkur yengillik natijasida hozirda jazo o'tayotgan 6 ming nafar shaxsga o'z mahallasi nazorati ostida oilasi bag'rida bo'lish imkoniyati yaratiladi. Shu bilan birga, jazoni yengilrog'i bilan almashtirish va shartli ozod qilish to'g'risida taqdimnoma kiritish vakolati jazoni ijro etish muassasalaridan yangi tashkil etiladigan **insonparvarlik komissiyalariga** o'tkaziladi" – deya ta'kidlaganlari ham mahkumlarning huquqlariga so'zsiz rioya etilishi, ularning sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilinishi yangi bosqichga ko'tarildi desak xato qilmagan bo'lamiz.

Shu bilan birga, jinoyat-ijroiya amaliyotini o'rganish natijalari mahkumlarning huquqlariga rioya etish, ularning sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilinishini ta'minlash, kelgusida jamiyatga ijtimoiy moslashtirish uchun axloqan tarbiyalash va mehnatga o'rgatishning shaffof va yanada samarali huquqiy mexanizmlarini joriy etish zarurligidan dalolat bermoqda.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 7-noyabrda "Jinoyat-ijroiya qonunchiligini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4006-sonli Qarori aynan ana shu muammo va kamchiliklarni bartaraf etib, jinoyat-ijroiya qonunchiligini takomillashtirishni nazarda tutadi.

Qaror bilan "2019 – 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi jinoyat-ijroiya qonunchiligini takomillashtirish konsepsiyasi" ma'qullandi.

Konsepsiyada 1997-yilda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-ijroiya kodeksi¹³ qonun ustuvorligi va javobgarlikning muqarrarligi tamoyilini ta'minlash, mahkumlarning huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish, ular tomonidan qayta jinoyat sodir etilishining oldini olish maqsadida tarbiyalash va axloqan tuzatish uchun huquqiy poydevor bo'lib xizmat qilganligi, jazoni ijro etish tizimida ta'lim muassasalarining faoliyati tubdan isloh qilinganligi, mahkumlarni o'qitish jarayoniga innovasion pedagogik texnologiyalar joriy etilganligi, birinchi navbatda, voyaga yetmaganlar va kasb-hunarga ega bo'lmagan mahkumlarni

¹³ O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-ijroiya kodeksi. T. 2025.

kasbiy tayyorlash mexanizmlari qayta ko‘rib chiqilganligi va shu kabi bir qator ijobiy ishlar sanab o‘tilgan.

Bundan tashqari, Qarorda davlat jinoyat-ijroiya siyosatining quyidagi asosiy jihatlarni nazarda tutuvchi mutlaqo yangi ustuvor yo‘nalishlarini, ya‘ni “Jinoyat-ijroiya tizimini takomillashtirish, jinoyat-ijroiya qonunchiligi normalarini tizimlashtirish va uyg‘unlashtirish bo‘yicha chora-tadbirlarni yanada kuchaytirish”, “Mahkumlarni axloqan tuzatish va ular tomonidan qayta jinoyat sodir etilishining oldini olish”, “Mahkumlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta‘minlash”, “Konsepsiyani amalga oshirishdan ko‘zlangan natijalar”ni ishlab chiqish va amalga oshirish talab etilgan hamda mazkur masalalarning har biri alohida boblarda qayd etilgan.

Shu bilan birga, ozodlikdan mahrum etish bilan bog‘liq bo‘lmagan jazolarni, ya‘ni muayyan huquqdan mahrum qilish, majburiy jamoat ishlari, axloq tuzatish ishlari, ozodlikni cheklash tarzidagi jazolarning ijro etilishini ta‘minlashga, mahkumlarga ijtimoiy-huquqiy va tarbiyaviy ta‘sir ko‘rsatishga, shuningdek huquqbuzarliklarning oldini olish hamda ularga barham berishga, huquqbuzarliklarning sodir etilish sabablarini va ularga imkon beradigan shart-sharoitlarni aniqlashga, bartaraf etishga oid munosabatlarni tartibga solishga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-avgustdagi “Probatsiya to‘g‘risida”gi O‘RQ-938-sonli qonunining¹⁴ qabul qilinishi va unda qonunning asosiy prinsiplari sifatida qonuniylik (5-modda), insonparvarlik (6-modda), fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini hurmat qilish (7-modda), tabaqalashtirish va individual yondashish (8-modda) hamda oshkoralik (9-modda) prinsiplarining har birining alohida-alohida moddalarda qayd etilganligi probasiya nazoratidagi shaxslarga nisbatan probasiya nazoratini amalga oshirish chog‘ida O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, jinoyat-ijroiya sohasiga oid qonunlari va boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga og‘ishmay rioya etish hamda ularni bajarish shartligini, probatsiya nazoratidagi shaxslarga nisbatan qiynoqqa solish hamda boshqa shafqatsiz, g‘ayriinsoniy yoki sha‘ni va qadr-qimmatini kamsituvchi muomala hamda jazo turlari qo‘llanilishiga yo‘l qo‘yilmaslikni, probatsiya nazorati fuqarolarning huquqlari,

¹⁴ O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-avgustdagi “Probatsiya to‘g‘risida”gi O‘RQ-938-sonli qonuni // Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 07.08.2024-y., 03/24/938/0591-son.

erkinliklari va qonuniy manfaatlariga rioya etish, shuningdek ushbu huquqlar, erkinliklar va qonuniy manfaatlarni hurmat qilish asosida amalga oshirilishini, probatsiya nazoratidagi shaxslarga nisbatan taqiqlar (cheklovlar) hamda majburiyatlar belgilanishi boshqa shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini cheklashi, ularga nisbatan taqiqlar (cheklovlar) va majburiyatlar belgilanishiga asos bo'lib xizmat qilishi mumkin emasligini, probatsiya nazoratidagi shaxslarga nisbatan belgilanadigan ta'qiqlar (cheklovlar) va majburiyatlar ularning yoshi, jinsi, sog'lig'ining holati, xulq-atvori, ijtimoiy moslashtirish dasturlaridagi ishtiroki hamda ushbu shaxslar sodir etgan jinoyatlarning ijtimoiy xavflilik darajasi va xususiyati, ilgari jinoyatlar sodir etganligi uchun javobgarlikka tortilganligi faktlari mavjudligi, shuningdek yetkazilgan moddiy zararining o'rni qoplanganligi va ma'naviy ziyon kompensatsiya qilinganligi hisobga olingan holda tabaqalashtirilishini, probatsiya nazoratidagi shaxslarga nisbatan ijtimoiy moslashtirish choralari ularning xulq-atvorini ijtimoiy-psixologik baholash natijalari asosida yakka tartibda qo'llanilishi hamda probatsiya sohasidagi faoliyat to'g'risidagi ommaviy axborot vositalarida, Internet jahon axborot tarmog'ida, shu jumladan O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining rasmiy veb-saytida e'lon qilinishini, bundan oshkor etilishi qonun bilan cheklangan axborot mustasno ekanligini nazarda tutadi.

Muxtasar qilib aytganda, yuqorida sanab o'tilgan qonunchilik hujjatlari O'zbekiston Respublikasida mahkumlar huquq va erkinliklarini ta'minlash, mahkumlarni axloqan tuzatish, ularning jinoiy faoliyatining oldini olish, shuningdek, boshqa shaxslar tomonidan jinoyat sodir etilishiga chek qo'yishning samarali tizimini yaratish uchun mustahkam huquqiy asos bo'ldi.

REZYUME

Mazkur maqolada mahkumlar huquq va qonuniy manfaatlari, ularning ta'minlanishi, huquq, erkinlik va boshqa qonuniy manfaatlarining ta'minlanishiga xizmat qiladigan qonun va qonun osti normativ-huquqiy hujjatlarining huquqiy asos sifatidagi o'rni yoritib berilgan.

В статье раскрывается роль закона и подзаконных нормативных правовых актов как правовой основы прав и законных интересов осужденных, их обеспечения, обеспечения прав, свобод и иных законных интересов.

This article explains the role of the law and sub-law normative legal documents as a legal basis for the rights and legal interests of convicts, their provision, the provision of rights, freedom and other legal interests.

Salom, Mundial!

*O'zbekiston futboli uchun yangi era boshlandi! 2025-yil O'zbekiston milliy terma jamoasi uchun unutilmas yil bo'ldi, chunki u ilk bor FIFA Jahon chempionati (JCH–2026) yo'llanmasini qo'lga kiritdi. Bu yutuq nafaqat O'zbekiston, balki butun Markaziy Osiyo futboli uchun muhim voqea sifatida tarixga kirdi. 2026-yilda AQSh Kanada va Meksikada bo'lib o'tadigan mundialda O'zbekiston bayrog'i baland ko'tariladi. X platformasida FIFAWorldCup, AFS va boshqa nufuzli manbalar ushbu muvaffaqiyatni keng yoritib, o'zbek futbol muxlislarini g'urur bilan tabrikladi. **“Salom mundial!”** shiori ostida mamlakat bo'ylab hayajonli muhokamalar va quvonchli bayramlar boshlandi.*

***“Salom, mundial!”** – Bu shunchaki shior emas, bu O'zbekiston futbolining yangi davrining ramzi. 2026-yilda jahonning eng nufuzli futbol turnirida O'zbekiston bayrog'i baland ko'tariladi. Jamoamizning har bir o'yini millionlab yuraklarni birlashtirib, milliy g'ururni oshiradi.*

Илмий ахборотлар

Бахтиёр УМУРЗОҚОВ,

*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли
катта ўқитувчиси, подполковник*

**ЎҚ ОТИШ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИ ВА КУРСАНТЛАРНИНГ
БИЛИМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок, таълим-тарбия соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимизда бу соҳада жуда улкан ишлар амалга оширилди ҳамда жадал равишда давом эттирилмоқда.

Ўқитишнинг замонавий методларини таълим тизимига жорий қилиш замонавий кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши ва билимга чанқоқ ёшларга катта ҳажмдаги билимларни беришнинг ўзи етарли эмас. Ўтказилган айрим тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ўқитишга янгича қараш, илм олувчиларни ўқитишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш билим беришнинг энг самарали йўлларида ҳисобланади. Оддий сўз билан айтганда, илм олувчилар ўқув жараёнига фаол жалб қилингандагина берилаётган материалларни осон идрок этади, тушунади ва эслаб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда асосий методик инновациялар ўқитишнинг замонавий методларини қўллашни тақозо этади [1].

“Ўқитиш методи” тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд, аммо асосий маънода у ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усули сифатида таърифланади. Бу эса ўқитиш мақсадига эришишга қаратилган.

Бунда бадий, фалсафий ва аниқроқ таърифлар ҳам мавжуд: **“Бу – табиат ва жамият ҳаёти ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули, ҳаракат тарзи ёки йўналиши, ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир.”**

Ўқитиш усуллари тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Унда жамиятнинг кичик аъзолари катталар намунасида ўқитилади. Мазкур жараён шартли равишда 4 инқилобий босқичдан ўтади: 1. *Ўқитиш билан махсус педагоглар – ўқитувчилар шугуллана бошлаган пайт.* 2. *Оғзаки нутқ ўрнини ёзма нутқ эгаллай бошлаган босқич.* 3. *Матнли сўзларни нашр қилиш амалиёти жорий этилган давр.* 4. *Таълимнинг автоматизацияси ва компьютерлашуви [2].*

Инсон фаолиятининг барча соҳаларига технологик воситаларни жорий этиб борар экан, унинг зарурати жамият ва давлатда юз берган ўзгаришлар билан белгиланади. Замонавий технологиялар катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш имконини берувчи тамомила янги даражадаги ахборотни акс эттириш имкониятини очиб бермоқда. Бу ҳолат замонавий ахборот технологияларининг ресурсли имкониятлари туфайли сифат жиҳатидан янги даражага чиқишни таъминлаш мақсадида тингловчи ва курсантларни ўқ отишга тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўқ отиш тайёргарлиги ҳарбий таълимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Замонавий дунёда ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўйиладиган талаблар тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли ўқитишнинг замонавий методларидан самарали фойдаланиш орқали тингловчи-курсантларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш ғоятда аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим жараёнида анъанавий усуллар замонавий технологиялар билан уйғунлаштирилиб, нафақат назарий билим, балки амалий кўникмаларни ҳам мукамал ўзлаштириш имконини бермоқда.

Шунингдек, мамлакат ва дунёдаги жиноятчилик вазиятининг тобора мураккаблашиб бориши ва ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар тингловчи ва курсантларнинг ўқ отиш тайёргарлигининг асосий вазифаларидан бирини – замонавий технологиялар ютуқлари ёрдамида таълим сифатини оширишни белгиланишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, тингловчи ва курсантларнинг ўқ отиш кўникмаларини шакллантириш ва

такомиллаштиришда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш халқаро тажрибага айланиб бўлган. Мультимедиа воситалари дастурий таъминот сифатида хизмат қилиб, аудиовизуал маълумотлар, графикалар, анимация ва матнни бирлаштиради. Улар махсус билим, кўникма ёки тайёргарлик талаб қилмасдан ҳажмли моделларни яратишни таъминлайди. Ахборотни акс эттириш учун фақат компьютер техникаси, интерактив доскалар ва мос дастурий таъминот зарур. Бундан ташқари, мультимедиа воситалари таълим муассасаларининг ўқув ресурсларига (электрон қўлланмалар, таълим ва назорат дастурлари) кириш имкониятини таъминлайди, улар ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўрганилиши ёки ўқув қуроли, қуролланиш ва техниканинг етишмовчилигини қоплаш учун нусха кўчирилиши мумкин.

Амалиёт шундан далолат бермоқдаки, ўқ отувчини шакллантиришнинг асосий мезони мақсадни аниқ нишонга олишдан иборат. Отилган ўқ натижаси – нишонга тегиш – техник усуллар ва отишни амалга ошириш усуллари бўйича бажариладиган тўғри ҳаракатларга боғлиқ [3].

Юқори натижаларга эришиш учун эса, ўқ отиш машғулотларини мунтазам равишда ўтказиш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, ўқув жараёнининг самарадорлиги, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг масъулияти ва ўзлаштириш қобилиятига, иккинчидан эса, ўқитувчиларнинг отиш тайёргарлигига бўлган ёндашувига боғлиқдир. Бунда ҳар бир тингловчи ва курсант учун индивидуал усул ва воситалар тўпламини аниқлаш орқали таълим бериш керак [4].

Ҳозирги иқтисодий чекловлар ва ўқ отиш тайёргарлиги машғулотларининг меҳнат талабини камайтирувчи омилларга қарамай, таълим самарадорлигини ошириш муаммоси ҳал қилиниши зарур. Бунда ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларини, хусусан, компьютер ва лазер отиш тренажёрларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу воситалар ёрдамида отиш малакасини шакллантириш ва отиш техникасини такомиллаштириш бўйича муаммолар ҳал этилади.

Замонавий техник воситалар отувчиларни тайёрлашда ўз мавқеини мустаҳкамлаганини ҳисобга олган ҳолда, айнан мультимедиа

технологиялари кенг ривожланди. Улар ахборотни янги даражада акс эттириш ва инсон-компьютер ўзаро таъсирининг интерактивлигини таъминлайди [5].

Ўқ отиш тайёргарлигида замонавий методларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамида ўқув жараёнининг самарадорлиги бир неча баробар ортиши мумкин. Бунинг учун виртуал воқелик (VR), интерактив симуляторлар ва тир отиш тренажёрлари каби янги технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай технологиялар курсантларга хавфсиз муҳитда, реал вазиятларга яқин шароитларда машқ қилиш имкониятини тақдим этади. Масалан, виртуал воқелик платформалари орқали турли қийинчиликларга эга бўлган тир отиш сценарийлари яратилиб, тингловчиларнинг тезкорлик билан тўғри қарор қабул қилиш қобилияти ривожлантирилади.

Ўқ отиш машғулотида симуляция ва интерактив ўқув дастурларидан фойдаланиш тингловчиларнинг фаол иштирокини таъминлайди. Анъанавий ўқув жараёнларида бир тарафлама билим беришга эътибор қаратилиши мумкин бўлса, замонавий методлар орқали тингловчилар ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Бундай ёндашув уларнинг билимни ўзлаштириш даражасини оширишга хизмат қилади. Айниқса, электрон тренажёрлар ва тир отиш симуляторлари тингловчиларнинг хатоларини автоматик аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш имконини тақдим этади, бу эса курсантларнинг билим ва кўникмаларини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, замонавий ўқитиш усуллари тингловчиларга нафақат техник кўникмаларни ўзлаштириш, балки психологик тайёргарликни ҳам ошириш имконини яратади. Тир отиш жараёнида стресс ва босим шароитида ишлаш ҳарбийлар учун муҳим омил ҳисобланади. Замонавий симуляция платформалари орқали курсантлар стрессга мослашиш ва хавфли вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантиришлари мумкин. Бундай ёндашув уларнинг ишончлилиқ ва профессионаллик даражасини оширади.

Ўқ отиш тайёргарлигида геймификация (ўйинлаштириш) усулларида фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, тир отиш машғулотида курсантлар ўртасида очколар тизими орқали рақобат

муҳити яратиш мумкин. Бундай метод тингловчи-курсантларнинг ўқув жараёнига қизиқишини оширади ва уларни янада фаол бўлишга рағбатлантиради. Шу билан бирга, геймификация орқали ўқув жараёни нафақат самарали, балки қизиқарли ҳам бўлади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тингловчилар ва курсантлар билан “Ўқ отиш тайёргарлиги” машғулотларини ўтказишда замонавий технологиялар татбиқ этилган. Аммо, асосан 1991 йилда Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган “Скатт” ва “Рубин” тренажерларидан фойдаланилмоқда [6]. Ўйлашимизча, ҳарбий соҳада юксак тараққиётга эришган чет эл давлатларидаги тажрибаларни ҳам амалиётга татбиқ этиш соҳада анча юқори самара беради. Ҳозирги замонавий дунёда ҳарбий ва хавфсизлик соҳаларида кадрлар тайёрлашда давлатлар орасида рақобат кучаймоқда. АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларда ўқитишнинг замонавий методлари кенг жорий қилинган бўлиб, улар бу орқали ҳарбий тайёргарлик сифатини оширишга муваффақ бўлган. Қуйида ўқ отиш тренажерларига аналог бўлган айрим давлатларнинг тренажерларини тавсифлаймиз:

АҚШ замонавий симуляторлар ва интерактив платформалар кенг тараққий этган бўлиб, “EST 2000 (Engagement Skills Trainer)” тренажери тир отишни ўргатиш учун жисмонан хавфсиз муҳитда ишлатиладиган симулятор бўлиб, АҚШ армиясида кенг қўлланилади. Курсантлар виртуал тир отиш машқларини амалга оширади ва автоматлаштирилган баҳо олади. “EST 2000 (Engagement Skills Trainer)” амалий машғулотлар учун вақт ва ресурсларни тежаш, реал ҳаётдаги вазиятларни яратиш орқали курсантларнинг реакция тезлигини ошириш ва ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашувни таъминлаш каби самарадорликларга эга [7];

Буюк Британияда реал вақт таҳлили ва виртуал тренажёрлар масаласи илғорликни намоён этмоқда. Буюк Британиянинг армия таълим марказларида (British Army Training Centre) ва полиция ўқув дастурларида Dismounted Close Combat Trainer (DCCT) тренажёрларидан фойдаланилади.

DCCT – бу тир отиш бўйича виртуал тренажёр бўлиб, у тир отиш кўникмаларини ўрганиш ва уларни аниқ таҳлил қилиш имконини беради. Тингловчилар тир отиш тактикаларини хавфсиз муҳитда ўрганадилар ва

ҳар бир тирни автоматик таҳлил қиладилар. DCCT таҳлил платформалари орқали курсантларнинг натижаларини аниқ баҳолаш, қатъий ва хавфсиз назорат остида тир отиш машқларини амалга ошириш ҳамда реал ҳаётдаги ўқ отиш жараёнларига ўхшаш шарт-шароитларни яратиш борасида доминантликни намоён этмоқда [8];

Германия автоматлаштирилган тир майдонлари ва технологик ўқитиш йўналишлари юқори натижадорликни намоён этмоқда. Германия армияси (Bundeswehr) ҳарбий хизматчиларни тайёрлашда AGSHP (Ausbildungsgerät Schießsimulator Handwaffen/Panzerabwehrhandwaffen) симуляция тизимидан фойдаланади. Бу тизим автоматик равишда тир отишни таҳлил қилади ва ҳар бир тингловчига тўғри йўл-йўриқ кўрсатади. Шунингдек, Германияда ҳарбийлар виртуал воқелик (VR) технологияларини қўллайди, бу эса тир отиш кўникмаларини ривожлантириш учун хавфсиз муҳит яратади. Замонавий тир отиш майдонлари автоматлаштирилган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, улар тир отиш машғулотларининг тўлиқ назоратини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, курсантларнинг тир отиш техникасини автоматлаштирилган тарзда баҳолаш, хавфли шароитларда ўзини тутиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда чекланган ресурслар билан кўпроқ машғулотларни амалга ошириш имкониятини яратади [9].

Ўқ отиш тайёргарлиги жараёнида мазкур замонавий технологияларни жорий қилиш нафақат вақт ва ресурсларни тежашга ёрдам беради, балки тингловчиларнинг шахсий ривожланишига ҳам ҳисса қўшади. Шунингдек, ҳарбий таълим жараёнида замонавий методларни қўллаш орқали давлатнинг ҳарбий салоҳиятини ошириш мумкин. Ўқув жараёнига инновацион технологияларни киритиш ва уларни анъанавий методлар билан уйғунлаштириш курсантларнинг малакаси ва профессионал тайёргарлигини юқори босқичга олиб чиқади. Тингловчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, уларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш ва замонавий қурулларни бошқариш қобилиятини ошириш ҳарбий таълимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқ отиш тайёргарлиги жараёнида замонавий ўқитиш методларини жорий қилиш курсантларнинг билим ва кўникмаларини сифатли равишда шакллантиришга замин яратади.

Интерактив симуляторлар, виртуал воқелик ва геймификация каби усуллар орқали таълим жараёни янада самарали бўлади. Бу эса нафақат ҳарбий таълим тизимини ривожлантиришга, балки давлатнинг умумий ҳарбий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Тингловчи-курсантларнинг ўқотиш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш катта истикболларга эга. “*Ўқ отиш тайёргарлиги*” курси бўйича машғулотларда замонавий ўқув технологияларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими учун малакали ва юқори даражада тайёрланган кадрларни тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, улар ўқиш жараёнининг якунида зарур билим, кўникма ва қурол билан ишлаш маҳоратига эга бўладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ў.Х.Муҳамедов ва бошқалар. “Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар” // Ўқув-услугий тавсиялар – Т., 2016, 3-бет.
2. <https://www.sravni.ru/kursy/info/metody-obucheniya/>.
3. Юсупов О.А., Афанасьев А.В., Психологические и тактические особенности огневой подготовки сотрудников полиции / Научный компонент 2019 № 2 (2). С. 115-121.
4. Васильева Т.Б., Использование электронных стрелковых тренажеров в методике преподавания огневой подготовки в образовательных организациях МВД России // Научный компонент. 2019 № 3 (3) С. 157-162.
5. Светличный Е.Г. Эффективность использования интерактивных методов обучения для совершенствования навыков владения стрелковым оружием // Педагогика и современность. 2015. №2 (16). С. 36-43.
6. <https://edushooting.ru/2021/01/05/strelkovyj-trenazher-skatt/>.
7. <https://www.peostri.army.mil/est>.
8. <https://www.army.mod.uk>.
9. <https://www.bundeswehr.de>.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқ отиш тайёргарлигида замонавий ўқитиш методларини жорий этишнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Интерактив симуляторлар, виртуал воқелик платформалари ва геймификация каби инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали тингловчи ва курсантларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинган. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибалардан фойдаланиш тавсия этилган.

В данной статье проанализировано значение внедрения современных методов обучения в процесс подготовки к стрельбе. Обсуждаются возможности использования инновационных технологий, таких как интерактивные симуляторы, платформы виртуальной реальности и геймификация, для развития знаний и навыков слушателей и курсантов. Предложено использование зарубежного опыта для совершенствования процесса обучения в военной и правоохранительной сферах в Республике Узбекистан.

This article analyzes the importance of introducing modern teaching methods in shooting training. The potential of innovative technologies such as interactive simulators, virtual reality platforms, and gamification to enhance the knowledge and skills of trainees and cadets is discussed. The use of international experience to improve the training process in the military and law enforcement sectors in the Republic of Uzbekistan is recommended.

Нурмахан ТАСИМОВ,
Старший преподаватель цикла боевой подготовки
института повышения квалификации

ВОПРОСЫ БОЕВОЙ ПОДГОТОВКИ “РУККИНГ” – КАК МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

В условиях нынешней бескомпромиссной геополитической ситуации усложнение системы безопасности порождает необходимость коренного совершенствования оборонной сферы любого государства. Появление новых средств военных угроз, нетрадиционные тактики, усиление асимметричных войн требуют от военнослужащих, способных соответствовать современным требованиям, высокого уровня боевой подготовки, гибкости и выносливости. В такой нестабильной обстановке постоянное совершенствование боевой подготовки военнослужащих становится одним из приоритетных направлений оборонной политики любого государства. На фоне глобализации, ускорения технического прогресса, ухудшения экологической обстановки и истощения природных ресурсов происходят глубокие изменения во всех сферах общества. Эти процессы также привели к изменению характера вооруженных конфликтов. Исходя из этого военные организации должны действовать более эффективно в сложных, непредсказуемых и напряжённых оперативных условиях [1].

Боевая подготовка – это целенаправленный и организованный процесс обучения и воспитания военнослужащих, подготовки подразделений, летных экипажей, групп разнородных сил и их командных органов к выполнению боевых задач в соответствии с их назначением [2]. Боевая подготовка проявляется в способности военнослужащих эффективно и оперативно выполнять боевые задачи в любых климатических и географических условиях, в ситуациях с различными препятствиями и в условиях чрезвычайных ситуаций. Боевая подготовка включает в себя физическую подготовку, тактические и технические навыки, аналитическое мышление, психологическую устойчивость и

согласованность коллективных действий. Для каждого военнослужащего, проходящего службу в реальных условиях, важны физическая сила, выносливость и адаптивность к сложным ситуациям. Поэтому каждое физическое упражнение, движение или стратегическая ситуация, выполняемые в рамках боевой подготовки, рассматриваются как смоделированная форма реального боевого задания. С этой точки зрения, среди физических тренировок особое прикладное и стратегическое значение имеет руккинг — т.е. марш с грузом на спине на большие расстояния. Упражнения руккинг используются как эффективное средство подготовки военнослужащих к реальным боевым условиям. Так как это упражнение не только укрепляет мышечные группы, но и улучшает работу сердечно-сосудистой системы, повышает психологическую устойчивость и формирует у военнослужащего способность к длительным маршам с грузом. Особенно в горных, пустынных или слаборазвитых в инфраструктурном плане районах необходимость передвижения требует применения руккинга как важного элемента подготовки военнослужащих.

В условиях Узбекской армии также существуют упражнения, схожие с руккингом. Однако руккинг — это самостоятельная дисциплина, требующая специального подхода. Внедрение руккинга в национальную армию демонстрирует высокую эффективность в повышении боевой подготовки.

В данном исследовании основным методическим подходом выбрано изучение системы боевой подготовки и анализ эффективности упражнений «руккинг». В процессе исследования использованы как качественные, так и количественные методы.

В первую очередь был проанализирован международный опыт применения упражнений «руккинг» в армиях таких стран, как США. На этом этапе были использованы открытые источники, научные статьи, видеоматериалы по практическим тренировкам, а также отчеты и методические пособия, опубликованные военными учебными заведениями.

На основе проанализированных источников были оценены перспективы и возможности внедрения упражнений «руккинг» в Узбекскую армию. В качестве метода использован сравнительно-аналитический подход, при котором сравнивались существующие методы

подготовки и влияние «руккинга» на физическую, психологическую и тактическую подготовку.

На основе данного методологического подхода сделаны научно обоснованные выводы о степени эффективности упражнений «руккинг», их соразмерности с узбекской военной практикой и механизмах внедрения.

Современные вооружённые конфликты отличаются непредсказуемым, сложным и напряжённым характером. Общевоинской бой выделяется следующими особенностями:

- высокая интенсивность;
- краткосрочные и динамичные боевые действия;
- параллельное участие сухопутных и воздушных сил;
- мощные огневые и радиоэлектронные удары по всей глубине фронта;
- разнообразные методы выполнения боевых задач;
- быстрая смена одного вида действий на другой;
- сложная оперативно-тактическая обстановка [3].

Очевидно, что для эффективного участия в современных общевоинских боях военнослужащие должны обладать высоким уровнем подготовки. Особое значение приобретает способность противостоять высоким нагрузкам. *Тренировки по руккингу развивают выносливость и способность преодолевать любые трудности, что способствует самоконтролю военнослужащих в сложных условиях. Руккинг — это вид маршевой тренировки с ношением груза на спине, активно применяемый в военной подготовке.*

Конечно, перенос груза во время войны не является чем-то новым. На древних пещерных рисунках изображены воины, отправляющиеся на племенные войны с примитивными щитами и копьями. Эти снаряжения весили примерно 4,5–9 кг. Греческие гоплиты, римские легионеры и византийская пехота тысячи лет назад совершали марши с грузом около 13,5 кг. До середины 1800-х годов почти все армии мира несли груз от 9 до 16 кг.

Позже, во время Крымской войны, британские солдаты начали носить около 29,5 кг. В Первую и Вторую мировые войны, а также во время войн в Корее и Вьетнаме, вес снаряжения постепенно увеличивался.

Во время войн в Ираке и Афганистане средний военнослужащий был вынужден нести до 45 кг [4].

Хотя содержание снаряжения со временем изменилось, необходимость эффективно переносить оружие и оборудование осталась прежней. Сегодня рюкзак (англ. rucksack — от немецкого «der Rücken» — спина) представляет собой большой и прочный армейский ранец. Каждый американский солдат испытывал тяжесть 36-килограммового рюкзака при бесконечных подъёмах. Мало кто из них осознаёт, какой объём исследований и разработок стоит за этой конструкцией.

Во Второй мировой войне солдаты переносили тяжёлые детали, например, части пулемётов и боеприпасы. Во Вьетнаме появился рюкзак ALICE с металлическими застёжками и несколькими отсеками.

Сегодня стандартным снаряжением считается рюкзак MOLLIE (Modular Lightweight Load-carrying Equipment) — высокотехнологичный, лёгкий и прочный, с надёжными нейлоновыми стропами для максимального удобства. Все эти инновации требуют от американских солдат и морских пехотинцев мужества и выносливости в защите своей Родины [5].

Поэтому каждая армия мира разрабатывает тесты для проверки готовности военнослужащих к боевым действиям с тяжёлым грузом.

Упражнения по руккингу доказали свою эффективность в международной военной практике и обладают рядом преимуществ:

1. Простота и доступность – не требует сложного оборудования. Основная цель — больше движения. Достаточно лишь ходьбы и небольшого груза;

2. Свежий воздух – тренировка проходит на открытом воздухе, что важно для здоровья. Более 75% американцев не достигают рекомендуемого уровня физической активности, поэтому больше прогулок и меньше экранного времени рекомендованы всем;

3. Сжигает в 3 раза больше калорий, чем обычная ходьба. Калорийность зависит от веса груза и темпа ходьбы;

4. Улучшает осанку и укрепляет спину – рюкзак тянет плечи назад, компенсируя вредную осанку при работе за компьютером;

5. Социальная физическая активность – можно заниматься с друзьями. Это повышает мотивацию, сплочённость, стабилизирует внутреннюю обстановку в военной среде, укрепляет и физическое, и психическое здоровье;

6. Индивидуальный подход к нагрузке – вес подбирается в зависимости от антропометрии, что делает руккинг универсальной тренировкой для людей любого уровня подготовки [6].

Исследование, проведённое учёными Питтсбургского университета, наблюдало за 451 военнослужащим 101-й воздушно-десантной дивизии в течение года. За это время было зафиксировано 133 травмы, из которых 28 произошли во время тренировок. Распределение по видам:

- *Руккинг: 3 травмы.*
- *Подъём тяжестей: 7 травм.*
- *Бег: 18 травм.*

То есть, риск получить травму при беге был в 6 раз выше, чем при руккинге, а при поднятии тяжестей – в 2,3 раза выше.

Также в другом исследовании изучались 800 солдат, проходивших отбор в спецназ в течение 20 дней. Они носили рюкзаки весом 20–25 кг, проходя тяжёлые участки в сложных условиях. Результат: 36 травм, в основном – растяжения, тендинит или неспецифические боли. Это говорит о высокой безопасности руккинга даже в экстремальных условиях: только 4,5% солдат получили травмы.

Конечно, вы можете быть старше и меньше в комплекции, чем эти солдаты. Но при меньшем весе и умеренной интенсивности, руккинг несколько раз в неделю на природе или в районе проживания является весьма безопасной физической активностью.

Интересно, что в том же исследовании было установлено: руккинг имел наименьшее число травм. Бег и прохождение полосы препятствий приводили к травмам в 2 и 4 раза чаще, соответственно.

Безусловно, риск травмы при руккинге зависит от веса груза [7]. Тем не менее, специалисты рекомендуют новичкам начинать с 15–30 минут медленного шага в комфортной среде, контролируя осанку и положение плеч [8].

Если обобщить информацию, полученную из источников по упражнениям руккинг, можно сделать вывод, что данный вид физической подготовки уже давно стал неотъемлемой частью не только военной сферы, но и повседневного образа жизни людей в США и других западных странах. Что особенно интересно — в упражнениях по руккингу нет возрастных ограничений. Эту мысль подтверждает и доктор Камперт, заявивший: «Если у вас нет болезненных проблем с костями или суставами, руккинг, как правило, является безопасной и эффективной тренировкой для людей всех возрастов и уровней физической подготовки» [9].

Кроме того, мы можем отметить, что тренировки по руккингу уже внедрены в армии многих стран мира, включая США, Великобританию, Канаду, Францию, Южную Корею, Китай, Австралию, Швецию, Швейцарию, Индию, Индонезию, Колумбию, Малайзию и другие [10].

Если обратиться к национальной армии, в условиях Узбекистана также разработаны развивающие упражнения, направленные на укрепление и повышение выносливости военнослужащих. На наш взгляд, эти упражнения носят традиционный характер и требуют дальнейшего совершенствования. Внедрение руккинга в армию с учётом индивидуальных показателей каждого военнослужащего может продемонстрировать высокую эффективность. Упражнения по руккингу, основанные на принципе добровольности, способны принести положительные результаты в улучшении выносливости военнослужащих.

На наш взгляд, внедрение руккинга в национальную армию может привести к следующим изменениям:

- Постоянная ходьба на дальние расстояния с грузом усиливает способности к передвижению, бегу и переноске, что особенно полезно в горных районах и на дальних маршрутах.
- Повышается нагрузка на плечи, спину, бедра и ноги, что делает военнослужащих более выносливыми в тяжёлых условиях.
- “Руккинг” приближен к реальным боевым условиям. Ношение оружия, продовольствия, воды и другого снаряжения моделирует реальные боевые задачи.

- Долгие переходы с грузом требуют не только физической, но и психологической выносливости, что помогает сохранять самообладание в стрессовых ситуациях.

- “Руккинг” часто проводится в формате групповых занятий, что способствует развитию командных действий, взаимопомощи и дисциплины.

- При такой нагрузке сжигается больше калорий по сравнению с обычной ходьбой, улучшается работа сердечно-сосудистой системы и общее состояние здоровья.

В заключение следует отметить, что боевая подготовка военнослужащих – одно из ключевых направлений их профессиональной деятельности. Этот процесс направлен на обеспечение постоянной готовности к выполнению военных задач. Служба в армии требует высокой ответственности, умения быстро принимать решения в любой ситуации, а также физической и психологической устойчивости. Поэтому боевая подготовка должна быть многоаспектной и проводиться регулярно через комплексные тренировки. Упражнения по руккингу, соответствующие современным требованиям, вносят значительный вклад в формирование оптимальных и высоких стандартов, предъявляемых к военнослужащим, а также в приближение национальной армии к международным стандартам.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Николова О. Совместные инициативы по боевой подготовке для повышения уровня безопасности на Балканах // Центр передового опыта по управлению кризисами и смягчению последствий стихийных бедствий: София (Болгария). Режим доступа: [https://www.researchgate.net/publication/291344699_Training_for_Success_Joint_Training_initiatives_improve_security_in_the_Balkans].

2. Назаров А.М., Барсегян А.А., Девяткин Д.Е. Боевая подготовка в Вооружённых Силах Российской Федерации//Теория и практика современной науки.–№10, 2018.–С. 287.

3. Кабаченко А. Проблема учебных средств // Армейский сборник. – 2017. – №3. Режим доступа: [https://mgimo.ru/upload/iblock/7cf/ACmilru_03_2017].

4. Истер М. Кризис комфорта: Принятие дискомфорта для раскрытия полного потенциала. – Режим доступа: [<https://www.twopct.com/p/5-rucking-challenges>].

5. A LONG HISTORY OF “RUCKING” FOR THE NATION // Поддержка наших войск. Режим доступа: [<https://supportourtroops.org/news/2200-rucking>].

6. WHY YOU NEED TO START RUCKING // GORUCK. – Режим доступа: [<https://www.goruck.com/pages/what-is-rucking?srsId=AfmBOooFeOeoSfU-44tBUcynbil0P7oOHtJaq39q39MiqnKIS2l2zL1>].

7. The Numbers on Rucking and Injuries + Two Bonus Exercises // TWOPCT. – 2022. – Режим доступа: [<https://www.twopct.com/p/the-numbers-on-rucking-and-injuries>].

8. Worth the Weight: Rucking for Strength and Endurance // CAPTRUST. – Режим доступа: [<https://www.captrust.com/resources/rucking/>].

9. Should You Add Rucking to Your Workout? // Cleveland Clinic. – 2024. – Режим доступа: [<https://health.clevelandclinic.org/what-is-rucking>].

10. Should You Add Rucking to Your Workout? // Cleveland Clinic. – 2024. – Режим доступа: [<https://health.clevelandclinic.org/what-is-rucking>].

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда “руккинг” машқларининг аҳамияти кўриб чиқилди. Ҳозирги беқарор геосиёсий вазият шароитида ҳар қандай давлат учун муҳофаза салоҳиятини кучайтириш долзарб масалага айланган. Мақолада халқаро тажриба асосида руккинг машқларининг жисмоний, психологик ва тактик тайёргарликка таъсири ёритилган, шунингдек, ушбу машқларнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, “руккинг” машқларини Ўзбекистон армияси шароитида қўллаш имкониятлари ва истиқболлари асослаб берилган ҳамда уларнинг ижобий таъсири кўрсатилган.

В данной статье рассматривается значение «руккинга» в совершенствовании боевой подготовки военнослужащих. В условиях нынешней нестабильной геополитической обстановки повышение оборонного потенциала становится актуальной задачей для любого государства. В статье освещается влияние упражнений руккинг на физическую, психологическую и тактическую подготовку на основе международного опыта, а также анализируется их безопасность и эффективность с научной точки зрения. Кроме того, обоснованы перспективы и возможности применения упражнений руккинг в условиях Узбекской армии, а также их положительное влияние.

This article analyzes the significance of rucking in improving the combat readiness of military personnel. In today's unstable geopolitical environment, strengthening a country's defense capabilities has become a vital issue. The article discusses the physical, psychological, and tactical benefits of rucking exercises based on international experience, highlighting their safety and effectiveness through scientific approaches. Furthermore, it justifies the potential application and prospects of incorporating rucking into the training system of the Uzbek army and its positive impact.



Ширинхон ИЛҲАМОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

**ҲАММАМИЗНИНГ ВА МУҲОҒАЗА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШИ –
ХАВҒСИЗ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ**

Янги Ўзбекистонда жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истикболли тармоқларидан бири мамлакатни модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ҳамда ортга қайтмас ислохотлар доирасида туризм тармоғини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда салкам юзта мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими, яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди. Сайёҳлик бизнесининг барча турларини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Олиб борилаётган кенг қўламли ишлар жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон тез ривожланаётган туризм маскани ва хавфсиз давлат сифатида халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Шавкат Мирзиёев ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш масаласи муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишда таъкидлаганларидек, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3 миллиард 500 миллион долларга етди, бу соҳада 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ортиб кетди. Олий таълим тизимида туризм бўйича олий таълим муддати 4 йилдан 3 йилга камайтирилиб, дуал тизимга ўтказилганлиги, бунинг давоми сифатида талабаларни амалиёт ва ишлаш учун хорижга юбориш яхши самара бериши юзасидан тавсиялар берилди. **“Кўхна тарих дурдоналари”** миллий дастури доирасида туристларни ўзига жалб қиладиган маданий мерос объектлари сони 800 тадан 2,5 мингга етказилади, 745 та маданий мерос объекти реставрация қилинади, 20 та меъморий ёдгорликда **“очик осмон остидаги музей”**лар ташкил этилади.

Айни пайтда глобал туризмнинг энг долзарб муаммоси – бу туристларнинг кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш ҳисобланади. Туристлар хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ фаолиятининг алоҳида 11-йўналиши этиб белгиланди. Туристлик намоиш объектлари ва инфратузилмалари ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлайдиган ички ишлар органлари ходимлари профессионал касбий тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади. Туристларни потенциал таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга тез ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни бажарадиган ходимлар хорижий тил, хусусан инглиз тилини билиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилиб, улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб бевосита туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш, туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган [1,2,3].

Хорижлик туристларнинг аксарияти инглиз тилида гаплашганлиги сабабли улар билан мулоқот қилишда инглиз тили асосий восита ҳисобланади. Ходим турли хил вазиятларда биринчидан зудлик билан туристларга йўл-йўриқ кўрсатиши, ёрдам бериши, саволларига жавоб қайтаришда инглиз тилини билса, самарали ва профессионал хизмат кўрсата олади. Тезкор вазиятларда (масалан, йўқолган ҳужжатлар, йўлни топа олмаслик, жиноятга дуч келиш ва ҳ.к.) туристга тушунарли ҳамда аниқ маълумот бериш жуда муҳим. Икки томонлама самарали мулоқот фақат тилни билиш орқали амалга ошади.

Ўзбекистон туризм имижини яхшилашда ҳудудларда хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан туристлар билан яхши муносабат, чиройли

муомала ва мулоқот уларнинг мамлакат ҳақидаги ижобий фикрини шакллантиради. Инглиз тилида мулоқот қила оладиган ички ишлар органи ходими туристларда ижобий таассурот қолдиради.

Ҳозирги пайтда ички ишлар органларри ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида хорижий тилларни ўргатишнинг анъанавий услублари мавжуд, лекин ходимларни хизматдан ажратилмаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига инглиз тилини ўргатишда энг асосий жиҳатлардан, *биринчи* ўқув тайёргарлигини мақсадли йўналтирилган бўлиши ҳисобланади. Ходимлар учун умумий тил эмас, туризм соҳасига мослаштирилган махсус курс зарур бўлади. Фақат зарур иборалар ва сўзлар: саломлашиш, йўл сўраш, хавфсизлик, ҳужжат сўраш, жавоб бериш ва ҳ.к. Шунингдек, реал вазиятларга асосланган машқлар: аэропорт, меҳмонхона, кўча, экскурсия жойларида турли ситуацияли ҳолатларни симуляция қилиш орқали ўргатиш амалиётга яқин, самарали ва тез ўрганиш имконини бериши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Таълим тизимида инглиз тилини ўргатишда замонавий ёндашувлардан бири бу коммуникатив ёндашув бўлиб, ушбу метод тингловчиларни ҳаётий воқеаларда инглиз тилида мулоқот қилишга ўргатади. Ўқитувчи томонидан грамматик қоидалардан кўра, мулоқот муҳитини яратишга урғу беради [4].

Демак, *иккинчидан* мулоқотга асосланган ўқитиш (Communicative method) услубини қўллаш орқали ички ишлар органлари ходимларини инглиз тилида айнан гапириши ва эшитишига алоҳида эътибор берилиши керак. Бу услубда ҳар бир ўқув машғулотида диалог, ролли ўйин, турист-ходим моделлари асосида бажарилиши лозим. Бундан мақсад – инглиз тили грамматикасига эътибор қаратиш эмас, инглиз тилида тушуниш ва жавоб бериш қобилиятини шакллантиришга эътибор қаратилади.

Ўқитишнинг *учинчи* жиҳатини олиб қарасак, инглиз тилида мулоқот қилиш учун такрорлаш ва доимий машқ қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада кўп қўлланадиган иборалар доимий равишда такрорланади ва ҳар ҳафта давомида амалий мулоқот машғулотлари ташкил этиб борилади. Агар ўқув курси давомида “*Бир кун – бир ибора*” тизими жорий этилса,

ҳар куни 1–2 ибора ёд олинади ва хизмат олиб бориш давомида қўллаш орқали, кўникма мустахкамланиб борилишига эришилади.

Аудио-визуал ўқув-методик материалларидан амалий машғулотларида фойдаланиш орқали ўқитиш самарадорлигига эришилади. Бунда қисқа видеороликлар: “Турист йўлдан адашди”, “Турист паспортини йўқотиб қўйди”, “Турист ёрдам сўраши” кабилар қўлланилади, турли ситуацион вазиятлар, кутилмаган ҳолатларни намоёиш қилиш орқали ходимларни тайёрлашга эришилади.

Шунингдек, туризм объектларида, ҳудудларида, транспорт воситаларида турли хил вазиятларни эътиборга олинган аудио диалоглардан фойдаланиш ходимнинг инглиз тилида ўз фикрларини ифодалаш имкониятларини оширади. Материалларни кўп тинглаш орқали ходимнинг инглиз тилида талаффуз қилиши ва тушуниш кўникмаси ривожланади.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари хизмат жойларида кунлик амалиёт қилиши, яъни ҳар куни хизмат вақти давомида камида бир нафар турист билан инглизча мулоқот қилишга интилиши керак.

Инглиз тилини ўрганаётган ходим тилни биладиган ҳамкасби билан бирга хизмат олиб бориш давомида амалий машқ қилиб бориши тавсия этилади. Бунда бевосита туризм объектларида инглиз тилини ўрганаётган ходимлар учун амалиёт ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Инглиз тилини ўрганаётган ходимларга мустақил тайёргарлиги учун қўлланмалар ва тезкор ёрдам воситаларини қўллаш орқали самара ошиб боради. Ходимлар қисқа сўзлашув қўлланмалари, мавзулар бўйича тайёр матнлар, смартфон учун таржимон иловалардан фойдаланиш орқали кўникмаларини мустахкамлаш имкониятига эга бўлади.

Инглиз тилини ўргатиш бўйича мутахассис D. Larsen-Freeman фикрига кўра, самарали методика фақат машғулот услуби эмас, балки ўқитувчининг ижодий ёндашуви ва тингловчининг қизиқишини уйғотиш билан боғлиқ. Ўқитувчи кўпроқ мулоқот қилувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, мотивация берувчи сифатида ҳаракат қилиши лозим [5].

Инглиз тилини ўрганаётган ходим психологик жиҳатдан ҳам тайёр бўлиши талаб этилади, яъни у ўзидаги кўрқувни енгиши ва ўзига ишончни

ошириш лозим. Инглиз тилида мулоқот қилаётган ходимларга кўрқувни енгиши учун мотивация бериш ва руҳий қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади. Бунда “ҳато қилиш — мумкин” деган тамойилни қўллаш орқали, қилинган хатони такрорламасликка ҳаракат қилинади.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига тил ўргатиш ўқув гуруҳларини шакллантиришда инглиз тилини билиш бўйича даражасига қараб шакллантириш ҳамда ҳар бир ўқув гуруҳига алоҳида ёндашув талаб этилади.

Ўқув курси якунида ананавий шаклда сертификат берибгина қолмай, эришилган натижаларни баҳолаш ва тақдирлаш муҳим жараёнлардан бири саналади. Тил ўрганишни оғзаки ва ёзма имтиҳонлар орқали баҳолаш орқали, инглиз тилида яхши мулоқот қилган ходимларни тақдирлаш келгуси хизмат фаолиятида лавозимини ошириш, махсус унвон бериш катта мотивация беради ва бошқаларга ўрнак бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари учун инглиз тили нафақат тил, балки касбий восита, ишонч манбаи ва миллий имиж кўзгусидир. Ушбу тилни билиш туризм соҳасини ривожлантириш, хорижий меҳмонларга муносиб хизмат кўрсатиш ва Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ходимларига инглиз тилини ўрганиш ва ўргатишда анъанавий усуллар билан бир қаторда замонавий ёндашувлар билан таълим жараёнини тўлдириб бориш зарур. Интерактив технологиялар билан уйғунлашган ўқув машғулотлари ижобий натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони. Т. 2019 йил 5 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон Фармони. Т. 2019 йил 1 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сон Қарори. Т. 2019 йил 6 март.

4. Harmer J. The Practice of English Language Teaching. Pearson Education. 2007.

5. Larsen-Freeman D. Techniques and Principles in Language Teaching. 2000.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ички ишлар вазирлиги тизимида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ходимларига инглиз тилини ўргатишда замонавий методлар ва уларни самарали қўллаш воситалари таҳлил қилинди.

В статье рассматриваются современные методы обучения английскому языку и способы их эффективного применения в профессиональной деятельности сотрудников Департамента безопасного туризма МВД.

This article analyzes modern methods and means of their effective application in teaching English to the employees of the Department of Safe Tourism in the system of the Ministry of Internal Affairs.

Тарих

Дилором ЮСУПОВА,
Главный научный сотрудник ИВ им. Абу Райхана Беруни,
академик Академии наук Республики Узбекистан

**«НУЗХАТ АЛ-КУЛУБ» ХАМДАЛЛАХА КАЗВИНИ – ЦЕННЫЙ
ИСТОЧНИК ПО СРЕДНЕВЕКОВОЙ СРЕДНЕЙ АЗИИ**

«*Нузхат ал-кулуб*» состоит из предисловия, трёх рассуждений (*макала*) и заключения. Наиболее ценным в научном плане считается третье рассуждение, содержащее детальное географическое описание многочисленных регионов мусульманского мира. Оно базируется на сведениях из арабских источников, а также собственных наблюдениях автора, сделанных во время служебных поездок. Существенное внимание уделено экономическим данным, таким как доходы с различных областей, что особенно важно в силу должностного положения автора.

«*Нузхат ал-кулуб*» («Исхада сердец») – географическо-космографическое сочинение написано в 740/1340г, оно принадлежит перу историка и географа эпохи монголов Хамдаллаху ибн Абу Бакр ибн Ахмад ибн Наср Мустауфи Казвини (род. ок. 680/1281-1282 г. – ум. в 750/1349-1350 г.), происходившего из рода Мустауфи, представители которого давно обосновались в городе Казвине и, как показывает название рода, занимали должности по управлению финансами. Сам Хамдаллах был близким другом знаменитого визира ильханов (XIII) Рашидаддина (род. ок. 645/1247-1248 – ум. 718/1318 г.)¹ и пользовался его покровительством. Он и поручил ему (прибл. 1311 г.) управлять финансами районов Казвина, Абхара, Зенджана и обоих Тарумов; ему же, видимо, Хамдаллах обязан работой над составлением исторических и историко-географических описаний мусульманского мира. Историческим трудом, прославившим Хамдаллаху Казвини как историка, является «*Тарих-и гузиде*» («Избранная история»), законченная в 730/1329-1330 г., посвященная сыну и приемнику

¹ Собрание восточных рукописей Академии наук РУз. История. Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Ташкент: Фан, 1998. – Опис. № 41 (Далее: СВР. История).

Рашидаддина, ходже Гитасаддину Мухаммаду (уб. В 736/1336г). *Во первых*, данный труд носит характер краткого руководства по всеобщей истории с древнейших времен до 730/1329-1330 г. Он составлен в своей значительной части по данным и плану II тома «*Джаме ат-таварих*» («Сборник летописей») Рашидаддина и состоит из предисловия (*фатиха*), шести глав (*баб*), которые делятся на разделы (*фасх*) и заключения². Впоследствии автор продолжил изложения до 742/1341-1342 г., а сын его, Зайнадин, в отдельном добавлении описал события в Иране за 742/1341-1342 – 794/1391-1392 гг., завершившиеся завоеванием его Темуром. Особую ценность представляет VI глава этого сочинения, содержащая во многом оригинальные сведения о Казвине, родине автора. Немаловажное значение имеют также некоторые разделы V главы, заключающие биографии выдающихся людей³.

Вторым историческим трудом Хамдаллаха Казвини является стихотворная летопись «*Зафар-наме*» («Книга побед»), законченная в 735/1334-1335 г. Она сохранившееся в единственном экземпляре Британского музея⁴. Написана в качестве завершения легендарного-исторической эпопеи Фирдауси «*Шах-наме*», но литературной ценности уже тогда, повидимому, не представляла. Как исторический источник она ценна точностью фактов и дат в своей третьей части, излагающей историю монголов.⁵

«*Нусхат ал-кулуб*» состоит из предисловия (*фатиха*), три рассуждения (*макала*) и заключения (*хатима*).

Третье рассуждения, содержащее географическую часть, является наиболее ценным. Основывается оно на сведениях, заимствованных из древних, большей частью арабских и географических сочинений, частью до нас не дошедших, пополненных во время его путешествий в Иране. Кроме этого, располагать в качестве «*мустауфи*» росписями государственных доходов с разных областей, Хамдаллах сообщает об этих

² Там же. – Опис. № 41.

³ Там же. – Опис. № 47.

⁴ Browne E.C. A history of Persian literature under Tartar dominion (a. D. 1265/1502). – Cambridge, 1920. – P. 87 – 100.

⁵ Материалы по истории Туркмен и Туркмении. Т.I, VII – XV вв. Арабские и персидские источники. Под редакцией С.Л. Волина, А.А. Ромаскевича и А.Ю. Якубовского. – Москва – Ленинград, 1939. – С. 54 – 55.

областях много ценных сведений географического и экономического характера. Помимо описания Мекки, Медины и Иерусалима, он дает географический обзор Месопотамии, Малой Азии и Ирана, далее, географию стран, соседствующих с Ираном и некоторых местностей, никогда не входивших в состав Иранского государства. Его описание Рима (Малой Азии) является единственным в своем роде, и до сих пор остается невыясненным, из какого источника он почерпнул свою интересную информацию.

На третью часть «*Нузхат ал-кулуб*» уже давно обращено внимание в научной литературе, в ней содержится достаточно много сведений о периоде средневековой Средней Азии.

Сведения, сообщенные Хамдаллахом о нижнем течении Аму-Дарьи и о впадении в его эпоху Аму-Дарьи в Каспийское море, являются первыми, наиболее подробными. Дорожные маршруты, приводимые Хамдаллахом, свидетельствуют об основательном знакомстве его источника с местностью, и таким источником были данные, официального измерения некоторых путей, произведенного при монгольском султаны Ульджайту (1304 – 1316), которыми автор мог располагать уже в силу своего официального положения.

В «*Нузхат ал-кулуб*» приводятся подробные сведения о крае границ Ирана: От Балха до Джейхуна 12 *фарсахов*; а от Мерверуда 84, от Серакса 119 *фарсахов*.

От Бастама до Хорезма через Джурджан и Дихистан. От Бастама до деревни Гянд 7 *фарсахов*. Возвышенность Нездибан находится на этой дороге. От него до Милабада 6 *фарсахов*; от него до деревни Мусаабат 5 *фарсахов*; от него до г. Джурджана 23 *фарсаха*, а от Дамгана 36, от Верамина 90, от Султанийи 146 *фарсахов*. От Джурджана до границы идут две дороги, одна идет в пустыню, а другая идет в Дихистан.

От Джунджана 9 *фарсахов* до скрещения двух дорог, одна идет в Языр, другая в Дихистан (здесь принята чтение рукописей, а не исправление Ле Стрэнджа Ср. об этом маршруте замечания В. В. Бартольда (Дорожник XIV в. от Бастама до Куня-Ургенча, с. VI – VII), отсюда до Дихистана 7 *фарсахов*; итого от Джурджана до Дихистана 23 *фарсаха*.

От Дихистана (дорога) идет по стене до рабата Газбини 7 *фарсахов*, от него до рабата Абулаббаса 9 *фарсахов*; от него до рабата Ибн Тахира 7 *фарсахов*; от него до города Феравы 7 *фарсахов*; от него до рабата Хышт-и-лухте⁶ 8 *фарсахов*; от него до Хушабдана 7 *фарсахов*, от него до рабата Тамгач 7 *фарсахов*; от него до Каравангаха⁷ 7 *фарсахов*; от него до рабата Сарханг 9 *фарсахов*; от него до Менара-гаха (место башни) 7 *фарсахов*; от него до Саильбали 8 *фарсахов*; от него до Мушк-и мебни 8 *фарсахов*; от него до рабата Марьям 9 *фарсахов*; от него до Хорезм-и-нав (Новый Хульм) 6 *фарсахов*; от него до Ургенча, который является столицей Хорезма, 4 *фарсаха*; итого от Дихистана до Ургенча 110 *фарсахов*, а от Джурджана 133 *фарсаха*⁸.

«*Нузхат ал-кулуб*» издан литографированным способом в Бомбее в 1311/1894 году.

Третья часть труда с переводом на английский язык была издана Le Strang'em⁹.

Заключение. Данный труд этот широко использовался среди ученых восточных авторы. К примеру, Маджаддин Мухаммад ал-Хасани в своём «*Зийнат ал-маджалис*» («Украшения собраний») – сборнике анекдотов, исторических и географических заметок, заимствованных, как отмечает автор, из ряда источников, в том числе из «*Нузхат ал-кулуб*» Хамдаллаха Мустауфи Казвини¹⁰. Проанализированная статья демонстрирует исключительное значение труда Хамдаллаха Казвини «*Нузхат ал-кулуб*» для изучения истории и географии мусульманского мира в эпоху монгольского владычества, особенно в контексте Центральной Азии. Автор сочинения, обладая административной властью и доступом к официальной информации, создал уникальное описание, сочетающее литературные, научные и эмпирические элементы.

⁶ Рабат Хышт-и-лухте – рабат из обожженного кирпича.

⁷ Каравангах – место для караванов.

⁸ Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVIII в. Известия Туркистанского отделения Русского географического общества. IV, 11. – Ташкент, 1902. С. 50 – 55.

⁹ The Geographical Part of the Muzhat al-Qulub composed by Hamdallah Mustawfi of Qazwin in 740/1340. Edited by G. le Strange. – London – Leiden, 1915 (QMS, XXIII), translated by... 1919 (GMS, XXIII, 2); le Strange G. Mesopotamia and Persia under the Mangols in the fourteenth century a. D. From the Nuzhatt al-hulub of Hamd-Allah Mustaufi. – London, 1903.

¹⁰ Маджаддин Мухаммад ал Хасани. Зийнат ал-маджалис. Рук. ИВ АН РУз. Инв.№ 11393. – Л. 2а; СВР.История. – Опис. № 673.

Особенность труда заключается в синтезе ранее известных арабских географических сведений и авторских наблюдений. Казвини удалось объединить информацию из утерянных ныне источников, включая данные о маршрутах, расстояниях, экономике и топографии, что делает его книгу особенно ценной для современных историков, ориенталистов и географов.

Значительную часть книги составляют описания маршрутов, ведущих из Ирана в Среднюю Азию. Подробное изложение расстояний в фарсах (персидских милях) от одного населённого пункта к другому, наличие ориентиров – таких как рабаты, возвышенности, города и деревни – свидетельствуют о том, что Казвини использовал официальные данные монгольской администрации. Эти описания перекликаются с выводами других авторитетных учёных, в частности В. В. Бартольда, изучавшего маршруты XIV века.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Browne E. G. *A History of Persian Literature under Tartar Dominion (A.D. 1265–1502)*. – Cambridge, 1920.
2. Le Strange G. *Mesopotamia and Persia under the Mongols in the Fourteenth Century A.D.: From the Nuzhat al-Qulub of Hamdallah Mustawfi*. – London, 1903.
3. *The Geographical Part of the Nuzhat al-Qulub*, composed by Hamdallah Mustawfi of Qazwin in 740/1340. Edited by G. Le Strange. – London – Leiden, 1915 (QMS, XXIII). Translated by G. Le Strange, 1919 (GMS, XXIII, 2).
4. Бартольд В. В. *Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVIII в.* Известия Туркестанского отделения Русского географического общества IV, 11. – Ташкент, 1902.
5. Маджаддин Мухаммад ал-Хасани. *Зийнат ал-маджахис*. Рук. ИВ АН РУз. Инв. № 11393.
6. *Материалы по истории Туркмен и Туркмении. Т. I, VII–XV вв. Арабские и персидские источники*. Под редакцией С.Л. Волина, А.А. Ромаскевича и А.Ю. Якубовского. – Москва – Ленинград, 1939.
7. *Собрание восточных рукописей Академии наук РУз. История*. Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Ташкент: Фан, 1998.

РЕЗЮМЕ

Мақола “Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Нузҳат ал-Қулуб» асари – ўрта асрлар Марказий Осиёси бўйича муҳим манба” деб номланиб, ХИВ аср форс олими Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад Мустауфий Қазвиний қаламига мансуб географик-космографик асарнинг таҳлилига бағишланган. 740 ҳижрий/1340 милодий йилда ёзиб тугалланган ушбу асар Эрон, Месопотамия, Кичик Осиё, Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлар бўйича география, иқтисодиёт, тарих ҳамда савдо йўлларига оид муҳим маълумотларни ўз ичига олади.

Статья ««Нузхат ал-Кулуб» Хамдаллаха Казвини – ценный источник по средневековой Средней Азии» представляет собой анализ географико-космографического труда персидского учёного XIV века — Хамдаллаха ибн Абу Бакра ибн Ахмада Мустауфи Казвини. Это сочинение, завершённое в 740 г. х./1340 г., охватывает важнейшие сведения о географии, экономике, истории и маршрутах региона, включая Иран, Месопотамию, Малую Азию, а также Среднюю Азию и соседние территории.

The article is titled “Hamdullah Qazvini’s ‘Nuzhat al-Qulub’ as a Significant Source on Medieval Central Asia” and is dedicated to the analysis of the geographical-cosmographic work authored by the 14th-century Persian scholar Hamdullah ibn Abu Bakr ibn Ahmad Mustawfi Qazvini. Completed in 740 AH/1340 CE, this work encompasses essential information on the geography, economy, history, and trade routes of Iran, Mesopotamia, Asia Minor, Central Asia, and neighboring regions. The author was a highly esteemed scholar of his time, a member of the Mustawfi family actively involved in state administration. He held financial positions in the Ilkhanid court and enjoyed the patronage of the renowned vizier Rashid al-Din.

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Шерзод АЛИМОВ,

ЎзР Қуролли Кучлар академияси доценти, т.ф.н., подполковник

**УРУШ ЙИЛЛАРИДА ХАЛҚИМИЗ ВА ҲАРБИЙЛАР МАТОНАТИ
ҲАМДА КАҲРАМОНЛИКЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ
БАРПО ЭТИШДА НАМУНА ВА ЖАСОРАТ СИНОВИ МАКТАБИ**

*Башарият тарихида энг даҳшатли қиргин бўлган
Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-
юртимиз бошига келтирган оғир мусибатлар, мислсиз
кулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди...*

*Сўнгги йилларда қаҳрамон аجدодларимизнинг
ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чуқур
ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли
анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни
амалга оширмоқдамиз.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Дунё, ҳаёт, инсоният мудом курашлар ичида. Ҳеч бир вақт йўқки, тарих силсиласида уруш кечмай, сокинлик ҳукм сурган бўлсин. Олимларнинг ўрганишича, бугунга қадар инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўғи 292 йилгина урушларсиз яшаган. Ер юзида жами 15 мингдан ортиқ уруш бўлган, шундан 5700 тасини катта урушлар ташкил этади. Аммо урушлар орасида энг қирғинли, талафотли, конлиси ўтган асрда содир бўлди. У Иккинчи жаҳон уруши номи билан тарихга кирди. Шу урушнинг рутубатларини туйган юртдошларимиз борки, улар ҳамма учун ибрат мактабидир¹.

Дарвоқе, башарият тарихида энг даҳшатли қиргин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига келтирган оғир мусибатлар, мислсиз кулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди. Яъни, ўзбек халқи ниҳоятда оғир ва мураккаб шароитда уруш

¹ Вопросы военной истории. Журнал. Москва. Изд «Воениздат». 2024. Стр 198.

худудларидан ўлкамизга олиб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатди. Бу халқимизга хос бағрикенглик эди.

Тарихга муҳрланган бундай мисолларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодга содиқ қолган халқимизнинг олийжаноб ва қон-қардош, дўстлик ҳамда буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва тасаннолар айтамиз.

Ўнинчи йилдирки, жасур ва қаҳрамон аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, ёш авлодни шонли анъаналар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича жуда кўп самарали ишлар амалга оширилмоқда. *“Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги “Ватанпарвар” боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу табаррук масканлар қисқа муддатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун қутлуг зиёратгоҳга айланди², –* дея қайд қилган эди муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев.

Тарихдан маълумки, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 500 минг кишидан ортиқ бўлган. Иккинчи жаҳон урушига 2 миллионга яқин ҳамюртларимиз сафарбар этилган. Шиддатли жангларда улардан 500 мингдан ортиғи ҳалок бўлган, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолган.³

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз кулфатлар ва балоларни келтирди. Миллионлаб одамлар ҳамда, миллионлаб oilалар вайрон бўлди, юз минглаб, ҳисобсиз хонадонлар фашизм ўчоғида талафотга учради. Шубҳасиз, бу Ғалабада ўзбек халқининг беқиёс хизматлари бор. Аммо бу ҳақиқатлар узоқ йиллар давомида бир қадар бузиб талқин қилиниб, аниқ ҳужжатлар билан тўлиқ ўрганилмай келинган эди.⁴

Қирғин-барот уруш йилларида меҳнат қилган жафокаш юртдошларимиз, ҳарбийларимиз ўз салоҳияти ва хизматларини ҳамда жонини аямадилар. Не-не оғир бўлмасин улар ўзларининг бутун куч-

² Шавкат МИРЗИЁЕВ. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2024. 313-Б.

³ Янги Ўзбекистон тарихи солномасидан. 2025 йил 6 май.

⁴ Диссертант 2017 йилдан 2025 йилга қадар муҳтарам Президентнинг 9 май – ғалаба кунлари табригидаги маълумотлардан фойдаланган. Шахсий архив.

ғайрати, олға интилишлари, сабр-тоқатлари, фаолиятлари ва Ватанни озод қилишга оид қатъий қарорлари билан халқ жасорати ва қаҳрамонлигини намоён этди. Қанча ўзбек ўғлонлари “Уруш батальони”дан тузилган “Кичик батальон”лар Россия ва бошқа ҳудудларда фронт учун, Ғалаба учун фидокорона тер тўкдилар.

Сирасини айтганда, халқимиз Ғалаба йўлида борини берди. Хусусан, уруш даврида Сурхон воҳасидан жами 649,9 млн. сўмдан зиёд пул, 4 млн. 226 минг пуд ғалла, 521 хил номдаги кийим-кечак ва бошқа буюмлар, 7,6 миллион тонна пахта толаси, 2,6 миллион кўй териси ва қарийб 2,5 миллион жуфт оёқ кийими жамғарилиб юборилди. Шу ўринда Сурхондарё вилоятининг кўрсатган ҳамжиҳатлигини алоҳида қайд этиш лозим. Умуман олганда, вилоятдан 53 минг 365 йигит жўнатилган. Уларнинг 11 мингдан ортиғи жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлган⁵.

Айни пайтда вилоятда Иккинчи жаҳон урушининг 3 катнашчиси яшамокда. Бугун юз билан юзлашганлар орасида Бойсун туманидаги Амир Темур дарвоза маҳалласида яшовчи Шоҳимардон Ҳамроев ҳам бор.

– 1941 йилнинг кузи эди. Колхоз идорасига кўпчиликини чақиришди. Ҳамманинг юраги титраган, безиллаб қолган. Хотин–халаж йиғлаган. Ҳарбий либосдаги командир урушга жунайдиганларнинг навбатдаги рўйхатини ўқиб бериб, ўз зуғумини ўтказишга ҳаракат кила бошлади, – дейди Шоҳимардон бобо Ҳамроев. – Бир, иккитанинг рўйхатини ўқиган эди. Бормаслигини иложи йўқлигини билса-да орқага тайсаллади.

Менга ҳам «Урушга жўна» деб дўқ қилди. «Бораман» деб жаҳл оҳангида жавоб қайтардим. «Жаҳлингни урушда, жанггоҳларда кўрсатасан», – деди. Сиз билан уруш тугагандан кейин шу ерда учрашамиз, – дедим. Ҳарбийлар, йиғилганлар кулиб юборди.

Урушга кетдим, пенсиямга битилган экан, қайтдим. Сўлим Бойсун туманидаги тоғлар бағрида жойлашган қишлоқда умргузаронлик қилаётган отахон бугунги кунда фарзандлари, набира ва чеваралари қуршовида, уларнинг дуогуйи...

1942 йил кузида вилоят аҳолиси фронтга 5998 бош қорамол, 18 тонна гуруч, 28 тонна ун, 14 тонна куруқ мева, 3000 литр вино юборди. Улар фронт эҳтиёжлари учун 14 млн. сўм нақд пул, 330 тонна гуруч ва арпа, 530

⁵ Янги Ўзбекистон. 2025 йил 6 май.

тонна бугдой, 180 тонна курук мева, шунингдек 33168 дона тери тоширганлар⁶.

Иккинчи жаҳон уруши халқимизга беқиёс талафотлар келтирди. Минглаб аёллар бева ва бечора болалар етим қолди. Ота-оналар фарзанд доғида куйдилар. Юқорида қайд этганимиздек, халқимизнинг фашизмга қарши жаҳон халқлари билан елкама-елка туриб, ҳақиқий жасорат, халқчил ватанпарварликнинг теран эътиборини намоён этганлиги таҳсинга сазовордир.

Мустақиллик йилларида, хусусан, ўн йилдирки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги ҳамда саъй-ҳаракатлари билан бошқалар қаторида халқимизнинг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ҳақиқий иштирокини номи билан Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшган бошқа халқлар дунёсида ўзбек номини абадийлаштириш ташаббуси бутун жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихий ҳақиқат янада ёрқинроқ намоён бўлди. Натижада бир қатор муҳим янгиланишлар рўй берди. Жумладан, агар 2020 йилгача ўзбек халқининг урушдаги йўқотишлари **396 минг кишини** ташкил этган, деб қайд қилинган бўлса, янги аниқланган маълумотларга кўра, бу рақам **451 минг кишини**, яъни 158 мингдан ортиқ кишини ташкил қилади. Ушбу йўқотишларнинг аслида қанча бўлгани, яъни 538 минг нафар ўзбекистонлик жангчиларнинг ҳалок бўлгани, 158 мингдан зиёд кишининг бедарак кетгани маълум бўлди⁷.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига оғир ва дахшатли кунларни солди, қалбларни вайрон этди. Ўша йиллар оталар тоғдек ўғилларини йўқотишди, оналар фарзанд доғи билан яшашга, гўдаклар ота меҳридан мосуво бўлиб улғайишга маҳкум этилди. Келинчаклар алпкелбат ва вафодор эридан айрилди. Шукронада гап кўп...

Шундай қилиб, бугун ҳарбий тарихий ҳақиқат янада аниқ бўлиб бормоқда. Уруш йилларида халқимизнинг кўрсатган мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги ва фидойилиги бугунги ва келажак авлодлар учун муносиб ибрат мактаби бўлиб қолади. Ўтган аччиқ уруш тажрибаси тинч-омон ҳаётимизнинг қадрини янада теранроқ англашга, айниқса, ёш авлод

⁶ Р.Шамсутдинов ва Х.Мўминов. Ўзбекистон тарихи. Т. 2023. 361-бет.

⁷ Янги Ўзбекистон. 2025 йил 3 май.

қалбида ўз юртига бўлган чексиз муҳаббатни, унинг ҳар бир қаричини авайлаб асраш туйғусини янада кучайтиришга хизмат қилади, бу ҳолат аини чоғда ҳам фарз, ҳам қарзидир⁸.

Қийинчиликлар бўлишига қарамай, 1941-1945-йилларда адабиёт, санъат, маданият тўхтаб қолмади, кинолар олинди, илм равнақ топди, китоблар, газеталар чоп этилди. Театрлар томошабинга тўла, ўша даврдаги республика раҳбарлари премьераларга қатнаб, мулоҳазалар билдиришга улгурардилар.

Тошкент нафақат *“йирик аслаҳахона”* - ҳарбий саноат марказларидан бири, балки илм, адабиёт, маданият марказига ҳам айланганди. СССР Фанлар академиясининг бир нечта институтлари (400 та олим билан), Белоруссия Фанлар Академияси, Ленинград консерваторияси, Франко номидаги Украина академик драма театри, Москвадаги давлат яхудий театри энди республикаимиз маркази Тошкентда фаолият олиб борар, Алексей Толстой, Анна Ахматова, Якуб Колас сингари буюк адиблар шу ерда ижод қилар, ҳар бир меҳмон ўзбек хонадонини ўз уйидек билар, оддий халқ ўз меҳмони олдида одамийлик санъатини намоиш этарди.

Муқимий театри ҳам ўша вақтлар бунёд этилган. Пойдевор қўйилаётганда: *“Ғалабага бўлган ишончгина ёдгорликни бунёд қилиб қолмай, бу бино архитектура, бинокорлик нуқтаи назардан ҳам намуна бўлиши керак”*, – деган эди юрт раҳбари Усмон Юсупов⁹.

“Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу еруғ дунёда бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, Ватан ва халқ озодлиги ҳамда келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамини барҳаёт яшайди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 19 февралда қабул қилинган *“Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”*ги фармони ушбу фикрларнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик – энг улуғ неъмат. Ўз навбатида 9 майни – Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг

⁸ Арзикул Соатов, «Нуроний» жамгармасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси. Халқ сўзи. 2024 йил 8 май.

⁹ Хуррият. Тошкент уруш йилларида. 2023 йил 23 июнь.

нишонлаётганимиз инсон хотираси – унинг эзгулиги, унинг муқаддас эзгу ёди, умри давомида бажарган эзгу амалларига чексиз эҳтиром рамзидир.

Бу йил мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатли ўтказилишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар бежизга эмас. Чунки, *бир томондан*, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 2025 йилни – **“Халқаро тинчлик ва ишонч йили”** деб эълон қилган бўлса, *иккинчи томондан*, жорий йилда Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллиги нишонланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг яна бир фармони ва қарори изма-из эълон қилинди. Бу ўринда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 февралда қабул қилган *“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медалини эсдалик юбилей медали сифатида таъсис этиш тўғрисида*”ги фармони, шунингдек, *“Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”*ги қарори ҳақида сўз бормоқда¹⁰.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни жанговар маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда 1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

*** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 10 000 (ўн минг) АҚШ доллари;**

*** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларнинг ҳар бирига 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм;**

*** 1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларининг ҳар бирига 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгиланди.**

¹⁰ Халқ сўзи. 2025 йил 26 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан **“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги”** юбилей медали ва бир йўла тўланадиган пул мукофотлари фахрийларимизга тантанали вазиятда ва байрамона руҳда топширилмоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши замирида ҳам **“Инсон кадри учун”** шиорига хос кишиларни эзгуликка ундаш фалсафаси мужассам.

Хотира деганда – биз, аввало, бу фоний дунёдан ўтган аجدодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Қадрлаш – асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, демак.

Ҳақиқатан ҳам инсон хотиралар билан яшайди. Кечаги куннинг машаққатларини эслаб, оғир дамларни бугунги фарахбахш ҳаёт билан муқояса қилсак, ҳар биримиз эзгулик, яхшилиқни улуғлаб яшашга кўпроқ интилишимиз табиий. Бундан беш йил аввал пойтахтимизда барпо этилган **“Ғалаба боғи”** ёдгорлик мажмуаси бу ҳақиқатни бизга ёрқин эслатиб турибди.

Шу ўринда 2025 йил май ойи бўйича маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 82 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва уларга тенглаштирилган фахрийлар яшаётганини қайд этиш лозим. Бир йил олдин уларнинг сони - 112 нафар, 2023 йилда эса 174 нафар бўлган. Фахрийларимизнинг энг улуғи ҳозирда 114 ёшни қарши олмоқда.

Кенг жамоатчилик вакиллари ана шу уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига бориб, аҳволидан мунтазам хабар олмоқда, уларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида бугунги тинч-осойишта кунлар учун қаҳрамонлик кўрсатган юртдошларимиз, ҳарбийларимиз моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуғ айём кунида ҳаммамиз, энг аввало уруш майдонларидан қайтиб келмаган - минг-минглаб юртдошларимизнинг мукаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтирамиз. Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат юрган мухтарам

фахрийларимизга таъзим қиламиз. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, фашизм устидан Ғалаба қозонишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон мудофаасининг моддий эҳтиёжини таъминлаш учун нимаики зарур бўлса, барини аямай сафарбар қилди. Ўзбекистонликларнинг Ватан ҳимояси йўлидаги юксак мардлик ва қаҳрамонлиги барча авлодлар учун намуна ҳамда ибрат мактаби вазифасини бажариб келмоқда.

Бошқача айтганда, ўша қирғин-барот урушда ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Ўзбекистон халқи фашистлар босқинини ўз она юрти ва жаҳон ерига қилинган мудҳиш тажовуз деб тушунган.

Юртимиз уруш майдонларига катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, ёқилғи, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, ғалла ва дон маҳсулотлари, гўшт етказиб беришда олдинги сафларда бўлди. Ўзбекистонга тонналаб эшелонлар билан кўчириб келтирилган юздан ортиқ завод ва турли саноат корхоналари ниҳоятда қисқа муддатда ишга туширилиб, тўла қувват билан маҳсулот бера бошлаган. Бу корхоналарда ишлашга жалб этилган кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунасидир.

Ўша даҳшатли урушда қанчадан-қанча юртдошларимиз Ғалаба қозонишда ана шундай мардлик ва матонат, меҳр-оқибат ва бағрикенг фазилатларини кўрсатишган. Минглаб ота-боболаримиз бу йўлда ўз жонини фидо қилган. Уларнинг қаҳрамонлиги қалбимизда фахр туйғусини ўйғотади, шукроналар айтамиз.

Бугун ўша инсонларнинг фидойилиги туфайли мамлакатимизда тинч-осойишталик ҳукм сурмоқда, ҳаётимиз фаровон. Жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаган ватандошларимизни эслаш, бугун орамызда соғ-саломат ҳаёт кечираётган нуроний отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда кексаларимизни эъзозлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Хотира ва Қадрлаш тушунчалари тобора теран аҳамият касб этаётганининг яна бир сабаби шундаки, инсонга меҳр кўрсатиш, уни улуғлаш, қадрлаш каби аъмоллар бизни глобаллашаётган ва тез ўзгариб бораётган

мураккаб даврнинг турли таҳдидларига нисбатан сезгир ва хушёр бўлишга, кечаги кун жароҳатларидан сабоқ чиқаришга ундайди. Бу борада, айникса, буюк келажак эгалари - навқирон авлод зиммасидаги масъулият ниҳоятда каттадир, залворли, энг муҳими эъзозлидир, қадрлидир.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигида, инсон хотираси ва қадри, жасорати ҳамда матонатининг шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибрат. Бинобарин, инсон, халқ, миллат – тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айникса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олиш, кексаларимизни қадрлаш ва эъзозлаш биз учун ниҳоятда улуғ савоб ва фахрлидир.

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимдаги нутқида ифода қилган фикрлари ҳозирги дориломон кунлар билан муштарак ва ҳамоҳангдир. Бу эса олдинги марра қилиб қўйилган ғоялар бугун ҳам ўз ижобатини топаётганлигидан далолат беради.

“Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, бизнинг халқимизга ҳам мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, доридармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди...¹¹

Бундай мисоллар Буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади. Тарихнинг ана шундай бешифқат ва суронли

¹¹ Гарчи бу рақам 2025 йилга келиб 200 минг кўп эканлигини тасдиқлади. Халқ сўзи. 2025 йил 6 май.

синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта”¹².

Хулоса қилиб айтганда, шу кунларда ва доимий равишда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида юртимизнинг барча ҳудудларида **“Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмади”** шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад: Ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аجدодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром кўрсатиш, Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган фахрийларимизни муносиб равишда иззат-икром билан шарафлашдир.

Президентимиз таъкидлаганидек: *“Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўпмиллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни, унинг енгилмас ва кучли иродаси ҳамда қаҳрамонлигини – ўша суронли йиллар ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш гоят муҳим аҳамиятга эга”*¹³.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида жасорат кўрсатган халқимиз, ҳарбийларимиз фаолияти талқин этилиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта синов мактаби эканлиги таҳлил этилган.

В статье рассматривается вклад нашего народа и военных, проявивших мужество в годы Второй мировой войны, и анализируется, как это стало важной школой испытаний для построения Нового Узбекистана.

The article discusses the activities of Uzbek people and military personnel who showed courage during the World War II, analyzing it as a significant school of trials for building a New Uzbekistan.

¹² Шавкат МИРЗИЁЕВ. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. Т., “Ўзбекистон”. 2017. 396-397-бетлар.

¹³ Куч–адолатда. 2025 йил 25 май.

Жараён

Фарход ХАТАМОВ,
МОИ профессори, с.ф.д.
Даврон МУИТОВ,
ЎЗДЖТУ доценти, с.ф.н.

ХАВФСИЗ АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ: ГЕОСИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Замонавий ахборот дунёсида инқилобий ўзгаришлар таҳлилчи назариётчилар учун ахборий хавфсизликнинг барча асосий муаммоларини ўзгача руҳда англашни тақозо қилаётир. Ахборий босимлар сиёсий устунликка эришиш амалиётига шиддат билан жорий қилинмоқда. Яқин Шарқ, Россия-Украина каби можаролар билан боғлиқ давомли ва шиддатли ахборот босимлари даври барчамизни ташвишлантирмоқда. Улар геосиёсат оламда катта ўйинчиларнинг куч-қудратини ўзига хос синовлардан ўтказа бошлади. Шу билан бир қаторда Ар-Риёддаги Америка – Россия учрашувлари жаҳон сиёсатида янгича геосиёсий консенсус мазмунини беради, деб умид қиламиз.

Келгусида булар албатта Марказий Осиё геосиёсий ахборот макони хавфсизлиги даражаси қандай бўлади? Бир-бирига тўқнаш келаётган сиёсий ахборотларнинг мақсади-мазмунини Марказий Осиёнинг бирлашувига, унинг интеграцион гояларига қандай таъсир ўтқазади? кабилидаги масалаларни қамраб олиши аниқ. Зеро, бугун ахборот майдонларида аниқ-илмий, вазминли ва асосийси муросали чиқишлар ўрнига анча агрессив, эхтиросли популистик чиқишлар сизиб чиқаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу борада Прилепин, Смолин, Жириновский, Бжежинский каби қатор сиёсатдонларнинг бераётган баёнотлари кўпчиликни ташвишли мазмундаги мушоҳодамизга чорлаши табиий.

Демак, ўзига хос “*геосиёсий бошбошдоқлик, мавҳумлик, тушунмовчиликлар*” ҳақида гап-сўзларни кўпайтирди. Шиддат билан ахборот асри журналистикаси геосиёсатга янги макон “*виртуал*” ўлчовнинг сиёсий жиҳатдан ўзгартирилган шакллари олиб кирди. Натижада, ижтимоий-сиёсий тафаккур геосиёсий курашларнинг янги меъёр ва қоидаларини янгитдан, қайта англашга ўтди. Ахборот қуролининг рақибни мағлуб этишдаги роли бениҳоя кучайди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев ташууббуслари туфайли ҳаракатлар стратегияси ташқи сиёсати тамойилларида МО энг асосий устувор йўналиш қаторида белгиланган эди. Натижада МО геосиёсатида янги ижобий жонланиш даври бошланиб кетди. Минтақавий геосиёсатда яхши маънодаги тектоника юз берди. Энди Марказий Осиё давлатлараро муносабатларида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ғояси жадал олдинга сурилди. Йил сайин Марказий Осиё давлатлари орасида савдо айланмаси хажми ошиб бормоқда, йиллаб музлатилган мавзуларга ойдинлик киритилди, чегара ва божхона сиёсатида туб бурилишлар юз берди. Аҳил қўшничилик тамойили ғоявий ускуртма ролини ўтамоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигида 2018-2021 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг бир нечта махсус резолюциялари қабул қилинди. (Бу ҳақда: Шавкат Мирзиёв. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2022. 422–432-бетлар.)

Биринчидан, баъзи сиёсий марказларда шундай ижобий ўнгланишларга қарамай, Марказий Осиёда *инсон-цивилизация-маданият* доирасида ўзликдан воз кечтириш истаги хали ҳамон кучда эканлигини унутмаслигимиз жоиз. Чунки улар етакчи давлатлар мураккаб ахборот тизимларининг мажбурий элементларидан биридир. Анчадан бери мақсадли хавфсиз ахборотлашган жамият орқали миллий ўзликдан воз кечтириш механизмини ишга тушириш йўлига ўтилган, бунда махфий дастурларнинг сингдирилишидан усталик билан фойдаланилмоқда. Бугун Ўзбекистонда улар орасидан агрессив - бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиш, ўз вақтида фош қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Иккинчидан, агрессив – бузғунчи ахборот йўналишларини белгилаб олиб олиш, – бу ахборий хуружнинг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги ролини таҳлил қилишни долзарблаштиради. Бинобарин бугунги кунга келиб айни ахборий таъсир ва тазйиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали – миллий менталитет, миллий маданият, одамларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасини ўзгартириб ташлаш қудратига эга бўлмоқда.

Учинчидан, ахборот маконидаги геосиёсий ғоя ва қарашларнинг таҳлили одатдаги сиёсий таҳлилларга нисбатан ўзига хос динамик ёндашувларни талаб этиши сезилмоқда. Бунда ахборот маконида ҳақиқатни ёлғондан фарқлай олиш учун геосиёсий ғояларнинг тўқнашуви

бўладиган “куч майдонлари”ни доимий равишда кузатиш талаб қилинади. Уларнинг кутилмаган вазиятларда бир-бирига қарши босимини англаш кўп жиҳатдан геосиёсий башоратларимизда асқотади. Жумладан, бу ерда жаҳон ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Виртуал кураш натижалари кўпинча шу нисбатга боғлиқ бўлиб қолаётир.

ОАВ – сўз, образлар, мусиқа ва шу каби шаклларда ахборотларнинг тезликда узатилиши ва оммавий тарқатилишини таъминлашга хизмат қилади. Бундай воситаларга оммавийлик, даврийлик, тингловчи ёки ўқувчилар аудиториясининг кенглиги каби хусусиятлар хосдир. Таҳлилларда шу нуқтаи назардан ОАВ имконияти ва қамровининг кескин даражада ўсганлигига эътибор қаратилмоқда¹.

Ҳозирги даврда сунъий йўлдош ахборот узатишнинг энг қулай ва самарали воситаси бўлиб қолди. Аммо у қулай бўлса-да, “*чўнтакбон*” эмас: жуда катта маблағ талаб этадиган сунъий йўлдошга ҳамма давлат ҳам эғалик қилолмайди. Шу боис фазодаги сунъий йўлдошлар бир нечта давлатга қарашли: АҚШ (30 та), Япония (21 та), Россия (12 та), Хитой (9 та), Ҳиндистон (9 та). Лекин ахборот узатишнинг асосий воситаси санокли давлатлар қўлида тўплангани бошқаларнинг ҳам улар айтаётган “*қўшиқ*”ка жўр бўлишини тақозо этади.² Демак, маълум бўлган ОРТ, НТВ, Евроньюс, ТРТ турк каби телеканаллар ҳам ўзларининг юз миллионлаб аудиторияларига эгадир. Ушбу мисоллар бугунги кунда ОАВ қамров доирасининг нақадар кенглигини тасаввур қилиш имконини беради.

Геосиёсий конфликтлар тарихи эса геосиёсий манфаатлар тўқнашувида журналистика институти ҳеч қачон тўлиқ мустақил бўла олмаслигини тасдиқлади. Уларнинг қарамлик даражаси эса назорат қилувчи муайян халқаро корпорация, саноат ва молия гуруҳлари, жумладан, турли давлатлар, сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг сиёсий жиҳатдан назоратига боғлиқ ҳолда ўз ечимини топмоқда. Яна бир томони, бундай пайтда ОАВдан кўпроқ фойда олиш айтиш етакчи давлатлардаги матбуот эркинлигининг даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Кундан-кунга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши билан уларнинг фаолиятини назорат қилиш қийинлашиб бораверади. Ҳозир оммавий ахборот воситаларидан у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга тўғридан-

¹ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. “Мухаррир”, Тошкент: 2009, 77-79-бетлар.

² Ёкубов С. Ахборот жамияти: ҳаёлот эмас, ҳақиқат. // “Тафаккур” журнали, 4-сон, 2007 йил, 15-бет.

тўғри таъсир қилиш имкониятидан фойдаланиш йўлига ўтилган. Албатта, шундай пайтда у сиёсатнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади. ОАВ турли давлатлар ҳақида ҳудудий тасаввурларни ривожлантириши, кайфиятларни ўзгартириб туриши, аҳолининг кенг қатламида тарқала олиш имкониятига эга.

ОАВнинг бу имконияти ижтимоий фикрни шакллантиришда жуда қўл келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у геосиёсий ўйинчиларнинг ўйинчоғига айланиши ҳеч гап эмас. Бу жараёнда трансмиллий корпорациялар, диний ташиклотлар каби бошқа турли акторларнинг тенг иштирок этишига интилиши сезилмоқда. Шу тариқа, ҳозир турфа хил мафкураларни тарқатиш ОАВнинг биринчи даражали вазифалари жумласига киради. Натижада, тарқатилган ахборот газета-журнал, радио-телевидение, аудио-видео кассеталар ва интернет тармоғи орқали белгиланган геосиёсий вазифаларни бажара бошлайди.

Дарвоқе, истиқболда ОАВ узоқ вақт турли хил геосиёсий мақсадларни илгари суришда муҳим иштирокчи бўлиши кутилмоқда. Бу замонавий геосиёсий мактаблар олдида маърифатли жамиятга мос келувчи геосиёсатнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам долзарблаштиради. Бу ҳолатда оммавий ахборот воситаларида, айниқса, телевидениенинг геосиёсий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир ўтказишини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Телевидение бугунги замонавий жамиятда сиёсий мададни таъминлаш учун асосий ва қудратли восита вазифасини ўтамоқда, улар сиёсий компанияларни ташиқил қилувчи қуйидаги сифатларга эга, яъни³:

- сиёсий маълумотларни зудлик билан чекланмаган ҳажмда етказа олиш қобилияти;

- сиёсий маълумотни ҳар қандай инсонга мос равишда, унинг уйига ҳеч қандай махсус ва қўзланган сарф ҳаражатларсиз ўзлаштиришни талаб қилмайдиган тезкор шаклига эга.

Геосиёсатга оид материалларнинг журнал ва газеталарда эълон қилина бошланиши эса ахборий жамиятга тааллуқли бўлган янги мезонларни геосиёсатга киритишга сабаб бўлди. Буларнинг барчаси ахборий тизимлар ўртасида геополитик жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи воситалар ичидаги оммавий ахборот воситаларидан телевидениенинг аҳамиятини алоҳида кучайиб боришини тасдиқлайди.

³ А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 229-бет.

Қолаверса, замонавий сиёсий психология замонавий жамиятда рационал ёндашувлар эмас, балки "образ" ("имидж") ёрқинлиги асосий роль ўйнашини исботлади. Бугун жамият аксарият қисмининг сиёсий, мафкуравий ва геосиёсий қарашларининг телекоммуникация ёрдамида шакллантиришга зўр берилаётганлиги бежиз эмас. Ҳар ҳолда медиа “образ” этник, маданий, мафкуравий, сиёсий ёндашувлар асосидаги синтез маҳсули дея эътироф этилмоқда. Ўз навбатида, жамиятдаги маълумотларнинг турфа хиллиги ҳам уларнинг сиёсий ҳаётга сингиб кетишига таъсир қилувчи шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғланган. Бундай пайтда турфа хил маълумотлар шахснинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги фаолиятининг фаоллашувига кучли таъсир ўтказди, одамларнинг мустакиллик даражасини ўстиради. Шу билан бирга, замонавий журналистикада техниканинг мукаммаллашиб бориши маълумот тарқатишнинг тезлигини мутлақ оширди, қисқа муддатда одамларнинг йирик оммасини қамраб олиш қобилиятини кучайтирди⁴.

Ҳозирги пайтда ахборот технологиялари босими остида геосиёсий ҳукмронликнинг методлари, сиёсий макон ва замоннинг динамикаси ҳам ўзгара бошлади. Айниқса бундай маҳалда геосиёсатнинг янги ўлчови бўлмиш виртуал ахборий макон катта рол ўйнай бошлайди. Ахборий технологиялар ёрдамида геосиёсий курашнинг янги шакллари авжга чиқди. Буларнинг барчаси, геосиёсатдаги замонавий ахборий парадигмалар ёрдамида қуйидагиларни билишни кўзда тутди:

- *геосиёсий трансформацияни шундай таърифлашни таъкил қилиш керакки, унинг истиқболини аниқ тасаввур қила олинсин;*
- *геосиёсий эврилишларнинг сабабларини тушунтириб бера олиш, келажакнинг воқеаликлари қачон, қаерда ва қандай шаклда бўлишини баъшорат қилишга имконият яратилсин.*

Шундай қилиб, мазкур ҳолатларнинг барчаси таҳлилларда Марказий Осиё геосиёсати билан боғлиқ виртуал маконнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ахборот маконини ҳимоя қилиш ҳамда ташкил этиш муаммосига янгича мурожаат этишни тақозо қилади.

⁴ А.И.Демидов, А.А.Федосеев. Основы политологии. Москва, «Высшая школа», 1995, 149-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ахборий хавфсизликнинг геосиёсий таҳлил этишнинг методологияси, геосиёсий рақобатда ахборот қуроли, ахборий ҳуружнинг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги ролини таҳлил қилишнинг долзарблашуви, ахборот маконида кучлар нисбатини билиб бориш, янги ахборот инқилобини айрим сифатлари, истиқболда ОАВ узок вақт турли геосиёсий мақсадларни илгари суришда муҳим иштирокчи бўлиши кутилаётганлиги ҳақида сўз юритилади.

В статье рассматривается методология геополитического анализа информационной безопасности, использование информации как оружия в условиях геополитической конкуренции, а также актуальность анализа роли информационных атак в решении геополитических вопросов. Отдельное внимание уделяется пониманию соотношения сил в информационном пространстве, некоторым чертам новой информационной революции и ожидаемому важному участию СМИ в продвижении различных геополитических целей в долгосрочной перспективе.

The article discusses the methodology for geopolitical analysis of information security, the use of information as a weapon in geopolitical competition, and the growing relevance of analyzing the role of information attacks in resolving geopolitical issues. It also explores the importance of understanding the balance of power in the information space, certain characteristics of the new information revolution, and the anticipated long-term role of the media in promoting various geopolitical agendas.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси ҳамда
Вазирликнинг Малака ошириш институтида кўп йиллар хизмат
қилган марҳум, иқтисод фанлари доктори, профессор
Сайфиддин ЗАЙНИДДИНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига
таъзия изҳор этади.

МУНДАРИЖА

Бош муҳаррир минбари.....3

ДОЛЗАРЪ МАВЗУЛАР

Ўзбекистон халқига байрам табриги.....4

Азиз **ТОШПЎЛАТОВ**. Кибержиноятларни жилавлaш орқали хавфсиз кибермакон яратиш.....8

Баҳодир **МАТЛЮБОВ**. Машхур адиб ёшларимиз учун ибрат ва намуна мактаби.....15

Олимжон **АҲМЕДОВ**. “Яшил энергия” тизими мамлакат тараққиётининг қон томирига айланмоқда19

ИЛМІЙ МАҚОЛАЛАР

Музаффар **ТОЖИБОЕВ**. Қадриятлари қадрланган юрт ёхуд мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омил.....27

Jo‘rabek **MUXTOROV**. Kadrlar tayyorlash bo‘yicha o‘tkazilayotgan islohotlarning natijalari va istiqbollari.....32

Меҳмонали **СУВАНКУЛОВ**. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг таҳлилий жиҳатлари40

Erkinjon **MARUPOV**. Xodimlarning masofali ta’limi va malakasini oshirishda axborot-telekommunikatsiya texnologiyalarining ahamiyati.....48

Norqobil **SHOIMOV**. Mahkumlar huquqlari va qonuniy manfaatlarining ta’minlanishi masalalariga doir56

ИЛМІЙ АХБОРОТЛАР

Бахтиёр **УМУРЗОҚОВ**. Ўқ отиш бўйича тингловчи ва курсантларнинг билимларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда замонавий методларидан фойдаланиш.....65

Нурмахан **ТАСИМОВ**. Вопросы боевой подготовки “руккинг” как международный опыт.....73

Ширинхон **ИЛҲАМОВА**. Ҳаммамизнинг, айниқса муҳофаза тизими ходимларининг хорижий тилни билиши – хавфсиз туризмни ривожлантиришнинг муҳим омили.....82

ТАРИХ

Дилором **ЮСУПОВА**. «Нузхат ал-кулуб» Ҳамдаллаха Казвини – ценный источник по средневековой Средней Азии.....88

Шерзод **АЛИМОВ**. Уруш йилларида халқимиз ва ҳарбийлар матонати ҳамда қаҳрамонликлари – Янги Ўзбекистонни барпо этишда намуна ва жасорат синовии мактаби.....94

ЖАРАЁН

Фарход **ХАТАМОВ**., Даврон **МУИТОВ**. Хавфсиз ахборотлашган жамият: геосиёсий таҳлил этишнинг айрим тенденциялари.....104

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Журналда диссертацияларнинг асосий натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун ТАЛАБЛАР

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).

2. Мақола тайёрланган ташкилотнинг тавсия хати.

3. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;

– фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;

– муаммонинг қўйилиши, материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончлилиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.

4. Электрон варианты CD дискда бўлиши керак.

5. Мақола таҳририятга икки нусхада топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 2 (15) 2025

Босишга рухсат этилди: 13.07. 2025. Буюртма № 181
Қоғоз бичими 60x84^{1/32}. Шартли б. т.-9,0.
Адади 100 нусхада чоп этилди.
100213, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани,
Ҳ.Бойқаро кўчаси 27 а уй.